

**GBPS**

**2024**

**ALMAMATOVA SHAHNOZA  
TURSUNKULOVNA**

**COMPONENT OF PHRASES OF  
THE UZBEKI LANGUAGE  
ANALYSIS**

**DOI:- <https://doi.org/10.37547/gbps-34>**

**PUBLISHED DATE:- 03 JUNE 2024**

**ISBN:- 978-1-957653-42-6**



9 781957 653426

**MINISTRY OF HIGHER EDUCATION, SCIENCE AND  
INNOVATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN  
JIZZAK STATE PEDAGOGICAL UNIVERSITY NAMED A. QADIRI**

**ALMAMATOVA SHAHNOZA TURSUNKULOVNA**

**COMPONENT OF PHRASES OF THE UZBEKI LANGUAGE  
ANALYSIS**

**TASHKENT - 2021**

**ISBN:- 978-1-957653-42-6**

**DOI:- <https://doi.org/10.37547/gbps-34>**

## СЎЗ БОШИ

Тил умумбашарий қадрият, инсониятга ато этилган улуғ неъмат сифатида қанчалик эъзозга сазовор бўлса, шунчалик эъзоз билан илмий мушоҳадага, таҳлил ва талқинга муносибдир.

Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида тил бирликлари лингвопрагматик, лингвокогнитив, антропоцентрик парадигма каби янги илмий концепциялар асосида тадқиқ этилиб, тил бирликларини ёндош ходисалар билан муносабати асосида таҳлил этишнинг замонавий талқин ва баёнлари юзага келмоқда. Бу замонавий йўналиш ва концепциялар асосидаги тадқиқотлар тилнинг нафақат коммуникатив, балки аккумулятив функцияларини ҳам намоён этиш имкониятини яратади.

Фразеологик бирликлар ва турғун бирикмаларнинг ўзаро семантик ҳамда синтактик муносабати, фарқли жиҳатлари тадқиқи долзарб ҳисобланади. Тилшуносликда фразеологик бирликлар яхлит маъно ифодаладиган сўз бирикмаси ёки предикативли қурилма бўлиб семантик ходиса сифатида талқин этилади.

Фразеологик бирликнинг яхлит маъно ифодалашини уни тил бирлиги сифатида талқин этиш учун асос бўлмоқда. Лексема тилда луғавий бирлик сифатида кўчма маъно англатмайди. Унинг кўчма маъно англатиши нутқда кузатилади. Фразеологик бирлик эса тилда ҳам нутқда ҳам кўчма маънода қўлланилади. Уларнинг маъноси айнан кўчма маъно асосига қурилган бўлади. Фразеологик бирлик турғун бирикма ёки гап мақомидаги турғун қурилма тарзидаги семантик ходиса сифатида талқин этилиб, тилшунослик фанининг лексикология бўлимида ўрганилиб келинди.

Фразеологик бирлик айнан семантик хусусиятига кўра изоҳланади. Тилшуносликда турғун сўз бирикмалар, таркибли атама ва мураккаб терминлар, парафразалар фразеологик бирлик мақомида талқин этилмоқда. Шунингдек, турғун бирикмалар компонентлари ва фразеологик бирликлар

ўртасида шаклланувчи синтактик муносабат масаласи ҳам назардан четда қолмоқда. Шу маънода, турғун сўз бирикмалари, ибораларнинг компонент масалаларини тадқиқ қилиш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Тилшунос-олимлар турғун сўз бирикмаларини идиоматик маъноли фразеологик бирлик каби семантик ҳодиса тарзида баён этадилар. Турғун бирикма компонентларининг синтактик муносабати талқини лозим даражада тадқиқ этилмаган.

Тилшуносликда турғун сўз бирикмалари ноидиоматик курилма сифатида эътироф этилиб, уларни фразеологик бирликлардан фарқли жиҳатлари изоҳланади. Дарҳақиқат, турғун сўз бирикмалари, шу жумладан, фразеологик бирликлар нафақат семантик, балки синтактик ҳодиса эканлиги, турғун сўз бирикмалари эркин бирикмалардан фарқли равишда гапнинг курилиш материали эканлиги эътироф этилади. Фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятларини, турғун бирикмаларнинг деривацион тамойилларини ёритиш каби муҳим изоҳталаб масалаларни тадқиқ этишни тақоза этади.

Тилшуносликда сўзларнинг ўзаро муносабатини сўз бирикмаларининг предикативлик ҳодисасига муносабати, тенг компонентли бирикмалар тадқиқи каби масалалар анъанавий тилшуносликда мустақил сўзларнинг тобелик асосида ўзаро боғланишига кўра таҳлил этилди. Компонентларнинг тенглик асосида муносабатга киришувидан ташкил толувчи сўз бирикмалари, турғун сўз бирикмаларининг семантик ва синтактик табиати лозим даражада ўрганилмади ёки бу борада тилшунослар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазалар изоҳталаб.

Турғун бирикмалар, соф турғун бирикмалар, парафразалар фразеологик бирликлар доирасида ўрганилмоқда. Чунки уларнинг синтактик табиати, компонентлари ўртасидаги муносабат масалалари илмий ечим топмаган. Ваҳоланки, турғун бирикмаларни фразеологик бирликлардан фарқлаш лозим.

Миллатимизнинг руҳи бўлган она тилимиз халқимизнинг тақдири, яшаш тарзи, маънавий бойлигини ифода этади. Истиқлолдан кейин ўзбек тили соҳасида ҳам миллий руҳ ва миллий кадриятларни тиклаш учун ҳаракат кучайди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек тилининг кенг имкониятларидан фойдаланишга замин тайёрлади. Шу билан бирга, бу тарихий ҳужжат ўзбек тилининг лисоний муаммоларини таҳлил қилиш, нутқ маданияти ва услубий имкониятларини янада чуқурроқ ўрганиш вазифаларини ҳам кун тартибига қўйди.

Бинобарин, кейинги йилларда тилнинг лексик қатламини систем ёндашув йўналишида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>1</sup>. Туркийшуносликда, хусусан ўзбек тилшунослигида фраземаларнинг семантик-услубий таҳлили Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, А.Рафиев каби олимларнинг илмий асарлари, ўқув қўлланмалари, илмий мақолаларида тадқиқ этилган. Шу билан бирга, фраземаларнинг компонент таркиби ва таҳлили, уларнинг шаклан ва мазмунан таркиб топишидаги ўзига хос хусусиятларни тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигининг долзарб масалаларидан биридир. Фразема<sup>2</sup>лар тил бирлиги ва нутқнинг кўрки, халқнинг маънавий ва маданий мероси сифатида илмий ўрганилиши, талқин ва таҳлил этилиши зарур. Фраземалар лексик-семантик, функционал-услубий ва семантик вазифаларига кўра мураккаб бўлиб, иккиламчи тил ҳодисаси, яъни семантик ҳодисадир. “Фраземаларнинг компонент таркибини чуқур таҳлил этмасдан туриб, бу тил ҳодисасининг пайдо бўлиш

<sup>1</sup> Неъматов Ҳ, Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 8.

<sup>2</sup> Тадқиқотда **фразема** атамасидан фойдаланилиб, фразема дейилганда, тузилишига кўра бирикма ёки гапга тенг, умумлашган, образли кўчма маъно ифодаловчи турғун тил бирликлари англашилади.

хусусиятларини ўрганиб бўлмайди<sup>1</sup>.” Фраземаларнинг маъно таркиби, маъно тараққиёти, ҳосил бўлиши компонент таҳлил натижасида намоён бўлади<sup>2</sup>. Фраземанинг парадигматик шакли, фраземалар шаклланишининг лисоний омиллари, восита ва усулларини аниқлаш компонент таҳлил асосида юзага чиқади.

Тилнинг лексик бойлигини ташкил этувчи фраземалар тилшуносларнинг доимо диққат-эътиборида бўлган. Фраземалар мураккаб тил ҳодисаси сифатида икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топади. Шу маънода фраземаларни амалий ва илмий ўрганиш ўзига хос ёндашувни, ўзига хос метод ва услубни тақозо этади. Туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида фраземалар грамматик, семантик, услубий йўналишда ўрганилган. Тилшунослик, хусусан ўзбек тилшунослиги тарихида фраземалар лексикология илмининг таркибий қисми сифатида қаралган. Ўзбек тили фраземалари дастлаб проф. Ш.Раҳматуллаевнинг ишларида илмий тадқиқ этилган. У ўзининг қатор илмий тадқиқотларида фраземаларнинг тил ҳодисаси сифатидаги ўзига хосликлари, бошқа тил ҳодисалари билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ва грамматик табиатини ўрганди, илк бор ўзбек фраземаларининг изоҳли луғатини яратди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, фраземаларнинг таҳлили кўплаб лексик сатҳдаги ишларда ҳам учрайди. Б.Йўлдошев фраземаларнинг функционал-услубий хусусиятлари<sup>3</sup>, А.Маматов фраземалар шаклланишининг лисоний ва нолисоний хусусиятлари<sup>1</sup>, А.Исаев соматик компонентли фраземаларнинг ўзига хосликлари ва

<sup>1</sup> Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. - Л., 1977. - С.62.

<sup>2</sup> Соколова Г.Г. Фразеобразование во французском языке. - М., 1987. - С.22.

<sup>3</sup> Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. – Тошкент, 1993. – 297 б.

уларнинг фраземаларнинг шаклланишидаги ўрни<sup>2</sup>, А.Рафиев фразеологик birlikларнинг структурал-функционал ўзига хосликлари<sup>3</sup>, Қ.Ҳакимов гапга тенг фраземаларнинг синтактик вазифалари хусусида илмий тадқиқотлар олиб борганлар<sup>4</sup>. Шунингдек, У.Рашидова, Б.Болтаеваларнинг илмий тадқиқотларида фразеологизмлар лингвопрагматик тадқиқ этилган бўлса, Ш.Ганиеванинг тадқиқотида фразеологизмларни моделлаштириш масалалари баён этилган.

Фраземалар ўзининг табиати билан компонент таҳлилни талаб этади. Гарчанд Ш.Раҳматуллаев фраземаларни компонент тадқиқ этганига қарамай<sup>1</sup>, бу изланишлар ўзбек тили фраземалари компонентларининг барча жиҳатларини қамраб олмаган. Зеро, ўзбек тили фраземаларининг компонентлари, уларнинг фраземаларни структуравий, семантик, услубий шакллантиришдаги ўрнини систем тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигидаги долзарб масалалардан биридир.

Фраземаларнинг компонент таҳлили, хусусан компонентларнинг фраземаларнинг ифодавий ва мазмун жиҳатидан шакллантиришдаги ўрни, фраземаларнинг ўз ва парадигматик шакли, компонентларининг таркиби, вариантланиши каби масалалари фраземаларнинг парадигматик шакллари тадқиқ этиш, фраземаларнинг сўз компонентлари таркибини аниқлаш, фраземик фаол сўзларни тадқиқ этиш, фраземалар таркибидаги от сўзларни аниқлаш ва таҳлил этиш, фраземалар таркибидаги сифат сўзларни таҳлил этиш, фраземалар

<sup>1</sup> Маматов А.Э. Семантико-лингвистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1988. – 20 с.

<sup>2</sup> Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1977. – 22 с.

<sup>3</sup> Рафиев А.Р. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1982. – 19 с.

<sup>4</sup> Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипни фраземаларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.

таркибидаги феъл сўзларни таҳлил этиш, фраземалар таркибидаги мустақил бўлмаган сўзларни таҳлил этиш, фраземалар компонентларининг вариантланишини тадқиқ этишдан иборат.

Тил ва нутқнинг яхлит бир ҳодисанинг икки томони сифатида белгиланиши, тил тизимининг системавий таҳлили етакчи усул сифатида танланди; фраземаларни изоҳлаш, тавсифлаш, компонент таҳлил, қиёсий-статистик усуллар асосида тадқиқ этишга асосий эътибор қаратилди.

Ўзбек тили фраземалари бошқа тил бирликлари орасида алоҳида ўринга эга.

Фраземалар компонентлардан ташкил топган мураккаб тил бирлиги бўлганлиги сабабли, уларнинг нутқда бошқа сўзлар билан алоқа ва муносабатини ифодаладиган хусусий шакли ҳамда парадигматик шакли мавжуд бўлади.

Фраземаларнинг хусусий шакли сўзлардан ташкил топади ва улар фраземалар таркибидаги ўрнига қараб фаол ҳамда нофаол лексемалар бўлади.

Фраземалар шахснинг фаолиятини, унинг сифатий кўринишларини, эмоциясини ифодалайди, бунда фраземаларнинг таркибидаги шахс билан боғлиқ компонентларнинг семантик таҳлили баён этилади.

Фраземаларнинг хусусий шаклини шакллантирувчи зоонимик, соматик, феъл ва сифат компонентлар таҳлил этилади ва улар фраземаларнинг семантик тузилишида муҳим аҳамиятга эга.

Фраземаларнинг хусусий ва парадигматик шакллари фарқланади.

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили



Фраземалар лексемалар каби лексик, семантик, грамматик соҳаларда ўрганилган бўлишига қарамай, уларнинг компонент таҳлили монографик йўсинда тадқиқ этилмаган. Натижада фраземаларнинг ифодавий ва мазмун жиҳатдан шаклланишининг восита ҳамда усулларини ўрганиш учун йўл очилади. Монографияда фраземалар таркибидаги фаол лексемаларнинг фраземаларни шакллантиришдаги ўрни, фраземаларнинг хусусий ва парадигматик шакллари ўзаро фарқланмоқда.

Ўзбек тилининг фразеологияси ва лексикологияси бўйича тадқиқотларни янада чуқурлаштиришда, шунингдек, бу соҳаларга оид дарслик, қўлланмалар яратишда ўзбек тили фразеологияси, ўзбек тили лексикаси, луғатшунослиги бўйича бакалавр ҳамда магистрлик таълими йўналишларида, махсус курс, махсус семинар дарсларини ўтишда қўл келади.

### **Фразеология фан сифатида**

XX асрнинг бошларида фраземалар тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида ўрганила бошланган. Фразеологиянинг умумназарий

масалалари дастлаб француз тилшуноси Ш.Балли томонидан ўрганилган. Ш.Балли ўз асарларида сўз бирикмаларини системалаштириб, англлатган маънолари ва синтактик ўзига хослигидан келиб чиқадиган, яхлитлигича қўлланиладиган турғун бирикмаларни фраземалар деб атайди. Ш.Балли фраземаларни семантик ҳодиса деб қарайди ва семантик хусусиятни фраземаларнинг мутлақ белгиси деб ҳисоблайди. Фразеология масалаларини тадқиқ этиш, айниқса, рус тилшунослигида жадал тус олди<sup>1</sup>. Фразеологиянинг назарий ва амалий жиҳатларини қамраб олувчи монографиялар, илмий мақолалар, амалий қўлланмалар, фразеологик луғатлар юзага келди. Фраземаларнинг морфологик хусусияти ва парадигматикаси ўрганилди, гапдаги синтактик вазифалари аниқланди, қиёсий-типологик таҳлил қилинди, бадий асар тили фразеологияси ва унинг стилистик вазифалари белгиланди, фразеологияга доир дарслик ва қўлланмалар ҳамда луғатлар яратилди.

Ўзбек тилшунослигида ҳам фраземаларни илмий тадқиқ этиш бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди, ўнлаб илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари, фразеологик луғатлар юзага келди<sup>1</sup>. Проф. Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли докторлик диссертацияси ва шу номли монографияси фраземаларнинг илмий тадқиқига доир дастлабки тадқиқотлар ҳисобланади. Бу тадқиқотларда фраземалар луғавий бирлик сифатида ўрганилиши зарур эканлиги асосланди ва фраземаларнинг грамматик табиати кенг ёритилди. Монографияда ўз

---

<sup>1</sup> Қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды. Лексикология и лексикография. - М.: Наука, 1977. -С. 118-161. Мазкур асарда муаллифнинг бевосита фразеологияни ўрганишга бағишланган қуйидаги ишлари мавжуд: "Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины", "Об основных типах фразеологических единиц в русском языке".

ифодасини топган фикр-мулоҳазалар, хулосалар фраземаларни семантик, грамматик стилистик жиҳатлардан ўрганишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, фраземаларнинг грамматик ва семантик жиҳатларини ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар<sup>2</sup> ҳам ўзбек фразеологиясининг ривожига асос бўлмоқда. Фраземаларни стилистик йўналишда ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ўзбек ёзувчи ва шоирлари асарларида қўлланилган фраземаларнинг услубий жиҳатлари тадқиқ этилди ва ўзбек бадиий адибларининг фраземалардан фойдаланиш маҳорати ва уларнинг услубий хусусиятларига бағишланган илмий тадқиқотлар<sup>3</sup> юзага келди.

Б.Йўлдошевнинг докторлик диссертацияси<sup>4</sup>да илк бор фраземалар функционал-услубий жиҳатдан систем ҳолатида ўрганилиб, уларнинг нутқ жараёнидаги узуал ва окказионал вазифалари, бадиий матндаги прагматик имкониятлари, функционал-услубий тавсифи бой тил материаллари асосида тадқиқ этилди.

А.Маматовнинг “Ўзбек тили фраземаларининг шаклланиши масалалари”<sup>5</sup> номли докторлик диссертацияси фраземалар

<sup>1</sup> Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. -Самарқанд: Нашриётсиз, 1977. – 38 б.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Лексикология билан фразеология //Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 1992. – Б. 49-186; Шу муаллиф. Ўзбек тилининг фразеологик лугати; Шу муаллиф. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. -Тошкент: Ун-т, 1992. – 126 б.; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол.фанлари д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 1993. – 46 б.; Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 2000. – 56 б.; Бозорбоев Қ.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фанлари номзоди дисс... автореф. – Самарқанд, 2001. –22 б; Расулов И.И. Наречные фразеологические единицы в русском и узбекском языках: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987. - 22 с.; Рафиев А.Р. Структурно- функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1982. - 19 с.; Рафиев А. Иборалар - нуткимиз кўрки. –Тошкент: Ўзбекистон, 1985. –22 б.

<sup>3</sup> Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. -Самарқанд: Нашриётсиз, 1977.

<sup>4</sup> Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол.фанлари доктори диссертацияси автореферати. - Тошкент,1993. –46 б.

<sup>5</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 2000. – 56 б.

шаклланишининг ўзига хос восита ва усуллари, уларнинг шаклланишида лисоний ва нолисоний омиллар, ифодавий ва мазмун жиҳатидан қарор топишида сўзларнинг ўрни, маъновий шаклланиш қирралари, шаклланишнинг мотивловчи ва деривация асослари, тил фраземалари асосида шаклланишнинг лексик ва семантик хусусиятлари каби долзарб масалалар таҳлил ва тавсиф этилган.

Истиқлол даврида тилмизнинг фразеологик бойлигини тўла қамраб олувчи турли хил изоҳли луғатлар, сўзликлар яратишга алоҳида аҳамият берилди. Ш. Раҳматуллаевнинг Ўзбек тилининг фразеологик луғати. (Тошкент, 1992); М. Содиқованинг Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. (Тошкент, 1994); М. Сатторнинг Ўзбекнинг гапи қизиқ. (Тошкент, 1994); 2011; Б.Йўлдошев, К. Бозорбоевнинг Ўзбек тилининг фразеологик луғати (сўзлик). Тошкент, 1998; Ш. Шомақсудов ва Ш. Шораҳмедовнинг Маънолар маҳзани. Тошкент, 2001; Ш. Шомақсудов Ш., Долимов Ш. Қайроқи сўзлар (халқ иборалари). Тошкент, 2011; Б.Тўйчибоев, Қ. Қашқирлининг Зоминнинг тил қомуси. Тошкент, 2012; Н. Маҳмудов, Д. Худойберганованинг Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2013; Н. Маҳмудов, Ё. Одиловнинг Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. Тошкент, 2014 ва бошқаларнинг луғатлари яратилди ва муайян ютуқларга эришилди.

Ўзбек фразеологиясининг назарий масалаларини ўрганишга эътибор кучайди. Қ. Ҳақимов ўзининг номзодлик диссертациясида содда гап қолипли фраземаларни компонент таҳлил методи асосида ўрганди.

Фраземаларни компонент таҳлил қилишнинг айрим натижалари Ш.Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви” номли монографиясида ҳам умумлаштирилган. Ш.Раҳматуллаев феъл фраземаларидаги боғлашув кўп қиррали ўта мураккаб ҳодиса бўлиб, ўз доирасига турли-туман синтактик, семантик ҳодисаларни қамраб олишини

таъкидлайди. Боғлашув имконияти тил бирлигига мансуб хусусият ва уларнинг ўзаро боғлашувида намоён бўлади. Тил бирлигига хос боғлашувнинг моҳияти лексик-грамматик қуршов туфайлигина очилишини эътироф этади.

Ш.Усмонова “Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилди. Бу иш икки бобдан иборат бўлиб, иш охирига ўзбекча-туркча муқобил соматик фраземалар луғати илова қилинган. Ишнинг дастлабки бобида ўзбек ва турк тилларида бирикмага тенг соматик фраземалар (*бош оғриғи, кўз билан қош орасида, кўзини олиб қочмоқ, қўл остида* кабилар) функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Унинг иккинчи бобида эса гапга тенг соматик фраземалар (*бошимиз осмонга етди, бош омон бўлса, дўппи топилади* кабилар) семантик ва грамматик жиҳатдан ёритилган<sup>1</sup>.

М.Холиқованинг номзодлик ишида тил ва тафаккур, дунёнинг лисоний манзараси, антропоморфик омилларнинг тилга таъсири каби муаммоларга оид ҳозирги замон тилшунослигидаги мавжуд қарашлар ва концепциялар таҳлил қилинган. Мазкур ишда илк бор фраземаларнинг миллий семантикаси, экстралингвистик омилларнинг фразеологизмлар семантикасига таъсири каби муаммолар рус ва ўзбек тилларига оид фраземалар мисолида ёритилган<sup>2</sup>.

Ш.Абдуллаев ўзбек фразеологиясида илк марта Т.Қайипбергеновнинг “Қорақалпоқнома”, “Қорақалпоқ достони” асарларининг ўзбекча таржимасида фраземаларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этди. Ишда фраземаларнинг эквивалент ҳамда вариантлар билан таржима қилиш усуллари., ибораларни сўз билан беришнинг таржимага қай даражада таъсир кўрсатиши ва , аксинча, сўзнинг фразема билан таржима қилиниши, бу усулларнинг асар савиясига таъсири кўрсатиб берилган. Шунингдек,

<sup>1</sup> Усмонова Ш.Р. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. Тошкент, 1998. 8-12-бетлар.

<sup>2</sup> Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине (на материале русского и узбекского языков). АҚД.Ташкент, 1999.26 с.

турғун бирикмаларнинг таржимон томонидан тушириб қолдирилиши натижасида вужудга келадиган тушунмовчиликлар, айрим нотўғри ўгирилган фраземалар ҳақида ҳам фикрлар билдирилган<sup>1</sup>.

Умуман олганда, бундай тадқиқотлар мамлакатимизда келгусида қиёсий фразеология соҳасида жуда кўп илмий ишлар олиб бориш мумкинлигини амалий жиҳатдан исботлади.

“Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари” мавзуидаги докторлик иши муаллифи Ҳ. Шамсиддинов фраземаларни оддий сўзларнинг функционал-семантик синонимлари деб ҳисоблайди ва шу нуқтаи назардан айёр-шайтонга дарс берадиган, пихини ёрган; шошилмоқ-подадан олдин чанг чиқармоқ; аралашмоқ-бурнини тикмоқ; индамай-лом-мим демай, ювош-қўй оғзидан чўп олмаган, ҳайдамоқ-думини тугмоқ каби сўз ва фраземалар орасидаги синонимик муносабатларни семантик жиҳатдан кенг ўрганишга ҳаракат қилган<sup>2</sup>.

Абдимурод Маматов “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари” номли монографияси ва шу асосда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида ўзбек тилшунослигида илк бор фразеологиянинг тил нормаси ва нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этди. Мазкур ишнинг сўнгги боби “Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик норма ва ундан четга чиқишнинг типлари” деб номланган<sup>3</sup>. Фразеологик нормага доир айрим кузатишлар, йўл-йўлакай баён қилинган фикрлар илгари ҳам мавжуд эди. Масалан, Ш.Раҳматуллаев ўз номзодлик диссертациясидаёқ фразеологик нормага риоя қилиш масаласига эътиборни

<sup>1</sup> Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА.Тошкент, 2006.21 бет.

<sup>2</sup> Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари.ДДА.Тошкент, 1999; Шамсиддинов Ҳ. Сўзлар функционал-семантик синонимларининг шаклий ва маъновий табиати. Ўқув қўлланмаси.Тошкент: Университет, 2008. 94-бет.

<sup>3</sup> Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Тошкент, 1991. 207-272-бетлар; Маматов А.Э.Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД. Ташкент, 1991. С.40-47.

қаратган эди<sup>1</sup>. А.Э.Маматов эса ўз ишида тилдаги бошқа нормалар қатори фразеологик норманинг ҳам назарий ва ҳам амалий муаммоларини яхлит ҳолда ўртага қўйди<sup>2</sup>. Ана шундан кейин ўзбек тилшунослигида фразеологик норма ёки лексик-фразеологик норма, унинг бузилиш ҳолларининг олдини олиш билан алоқадор айрим илмий кузатишлар эълон қилинди<sup>3</sup>.

Абдуғафур Маматов ўзбек фразеологияси учун энг долзарб муаммолардан фразеологик шаклланиш масалаларини тадқиқ этиш билан шуғулланди, шу мавзуга оид йигирмага яқин мақолалар, “Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари”, “Фразеологизмлар шаклланишининг назарий асослари” номли монографик тадқиқотлар эълон қилди ва шу асосда “Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари” мавзуида докторлик ишини ҳимоя қилди<sup>4</sup>.

К.Бозорбоевнинг номзодлик иши ҳам ўзбек фразеологияси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Бу ишнинг дастлабки бобида сўзлашув нутки фраземаларининг пайдо бўлиш манбалари, катламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган<sup>5</sup>.

Б.Йўлдошевнинг докторлик диссертацияси<sup>6</sup> ва сўнгги йилларда эълон қилган қатор монографиялари, илмий мақолалари ҳозирги ўзбек адабий тилида фраземаларнинг функционал-услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган. 80-90-йилларда фразеолог олимлар ўзбек диалогик нутки фразеологияси ва ўзбек халқ эртаклари фразеологиясини ўрганишда муайян

<sup>1</sup> Рахматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари. НД.М., 1952.30-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 1-қисм. Тошкент: Наврўз, 1977. 95-бет; Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (адабий норманинг типлари). 2-қисм. Тошкент: Наврўз, 1998. 134-бет; Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (адабий норманинг шаклланиш ва яшаш қонуниятлари). 3-қисм. Тошкент: Наврўз, 1999.140-бет.

<sup>3</sup> Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 3-4-сонлар, 37-42-бетлар; Каримов С.А. Тил таълими ва меъёр (ўқув қўлланма). Тошкент: Халқ мероси, 2002. 112-115-бетлар ва бошқалар.

<sup>4</sup> Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА.Тошкент, 2000.50-бет.

<sup>5</sup> Бозорбоев К.Т. Ўзбек сўзлашув нутки фразеологизмлари. НДА.Самарқанд, 2001. 14-бет.

<sup>6</sup> Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари.ДД.Тошкент, 1994.

ютуқларни қўлга киритдилар<sup>1</sup>. Ўзбек халқ эртаклари таркибидаги фраземаларни тадқиқ этган А.М.Буший ва Р.Д.Жўрақуловлар бу масалага жуда кенг аспектда ёндашадилар, яъни мақолада турғун, барқарор, клише (қолип) шаклига келиб қолган кўплаб тил воситаларининг барчаси ўрганилган. Мақола муаллифлари ўзбек халқ эртаклари фразеологиясининг рус тилига таржимаси ҳақида ҳам муҳим фикр мулоҳазаларни ўртага ташлаганлар.

Б.Жўраева “Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши” мавзуидаги номзодлик ишида мақолларни унга ёндош бўлган фраземалардан этимологик, маъновий ва синтактик жиҳатдан фарқлашга интиланган эди<sup>2</sup>. Кейинги йилларда олима ибора (фразема) ва мақоллардаги идиомалашув жараёнини тадқиқ этиш билан шуғулланди<sup>3</sup>.

А.Абдусаидовнинг монография ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари ҳамда “Газета жанрларининг тил хусусиятлари” мавзуидаги докторлик ишининг алоҳида қисми фраземаларнинг газета тилида экспрессивликни ифодаловчи восита сифатидаги ролини тадқиқ қилишга бағишланган<sup>4</sup>.

Г.Исақова ўз номзодлик ишининг учинчи бобида “қилмоқ” феълининг барқарор бирликлар(фраземалар ва мақоллар) таркибида қўлланиш хусусиятларини изчил таҳлил қилишга муваффақ бўлган<sup>5</sup>.

М.Вафоева ўзбек тилидаги фразеологик синонимларнинг структурал-семантик хусусиятларини ўрганишга оид номзодлик ишини ҳимоя қилган.

<sup>1</sup> Буший А.М., Яхшиев А.А. Фразеология узбекской диалогической речи (на материале художественной прозы) // Сов.тюркология, 1986. №3.С.27-33; Буший А.М., Журакулов Р.Д. Фразеология узбекских народных сказок // Сов.тюркология, 1990. №5.С.40-48.

<sup>2</sup> Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. НДА. Самарқанд, 2002.11-бет.

<sup>3</sup> Жўраева Б.Ибора ва мақолда идиомалашув // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010, 6-сон, 109-бет.

<sup>4</sup> Абдусаидов А. Фразеологизмлар-матбуот тилида таъсирчан восита. Самарқанд: СамДУ, 2001.48-бет; Бегматов Э., Абдусаидов А. Матбуот тилида фразеологик неологизмлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2002, 1-сон, 23-27-бетлар; Абдусаидов А. Журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳорати. Самарқанд: СамДУ, 2004.67-70-бетлар; Абдусаидов А.Газета жанрларининг тил хусусиятилари.ДДА. Тошкент: 2005.29-32-бетлар.

<sup>5</sup> Исақова Г.Н. Ўзбек тилида қилмоқ феълининг лексик-семантик хусусиятлари. НДА. Тошкент, 2008.13-16-бетлар.



Бутадиқотнинг дастлабки боби фразеологик синонимия ҳодисаси ва унинг жаҳон тилшунослиги, туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиш даражасини ёритишга бағишланган. Тадқиқотнинг кейинги бобида ўзбек тилидаги фразеологик синонимларнинг структурал хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотнинг сўнгги бобида эса ўзбек тилидаги фразеологик синонимларнинг семантик а услубий хусусиятларини ўрганиш, фразеологик синонимларда экспрессив-баҳо ва функционал-услубий бўёқни бир-биридан фарқлаш ва бошқа масалалар тадқиқ этилган<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда тилшунос олимларимиз фраземаларнинг когнитив-прагматик талқини, фраземаларни моделлаштириш муаммоларига доир кизиқарли илмий кузатишларни олиб бормоқдалар<sup>2</sup>. Бу эса ўзбек фразеологиясининг бундан кейинги ривожини яна ҳам салмоқли бўлишидан гувоҳлик беради.

Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологиясига доир бир қатор монографик тадқиқотлар майдонга келди. Масалан, Ш.Рахматуллаевнинг “Ўзбек тилида феъл фраземаларининг боғлашуви” номли тадқиқотида фраземалар дастлаб боғлашувли ва боғлашувсиз фраземалар деб икки гуруҳга ажратиб ўрганилган. Б.Йўлдошевнинг “Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари” (2013), Ш.Ғаниеванинг “Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи” (2013) номли монографик тадқиқотлари ўзбек фразеологиясининг ривожидан муҳим аҳамият касб

<sup>1</sup> Вафоева М.Й. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА.Тошкент, 2009.20-бет.

<sup>2</sup> Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг матндаги прагматик имкониятларини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (Республика илмий ва амалий анжуман материаллари). Андижон: АДУ, 2011.12-15-бетлар; Йўлдошев Б., Рашидова У.Ўзбек когнитив фразеологиясини ўрганишнинг айрим муаммоларига доир // Тил таракқиётининг лексик ва грамматик муаммолари (Республика илмий-амалий конференция материаллари). Самарқанд: СамДЧТИ, 2011.56-60-бетлар; Маматов А., Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Стилистика ва прагматика(илмий конференция материаллари). 1-қисм. Самарқанд: СамДУ, 2010.112-115-бетлар; Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011,2-сон, 84-86-бетлар; Рашидова У.Фразеологияда лисоний моделлаш муаммолари (соматик фразеологизмлар мисолида) // Хорижий филология (тил, адабиёт, таълим), 2011, 4-сон, 54-59-бетлар; Ғаниева Ш. Фразеологизмларни моделлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011,5-сон, 111-113-бетлар ва бошқалар.

этади<sup>1</sup>. Ғ.Исмоилов кейинги йилларда ўзбек, қозоқ, ва қорақалпоқ тиллари материаллари асосида фразеологизмларни қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ этиш соҳасида айрим эътиборга молик ишларни амалга оширди<sup>2</sup>. Сўнги йилларда тилшунос олимлар фраземаларнинг компонент таҳлилига оид айрим ишларни эълон қилдилар<sup>3</sup>.

Шуниси маълумки, фразеология фанига доир янги илмий-назарий қарашлар кейинги йилларда яратилаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан ҳам мустаҳкам ўрин олмоқда. Масалан, Ҳ.Жамолхонов фраземаларни кўчма маъноли турғун конструкция деб ҳисоблайди. Олимнинг таъкидлашича, фразема ҳам лексема каби луғавий бирлик саналади, аммо ўзининг ифода ва мазмун планларидаги қатор белгилари билан фарқланади<sup>4</sup>. Ш.Рахматуллаев “Ҳозирги адабий ўзбек тили” номли янги дарслигида фраземаларни ўрганувчи соҳани фраземика деб номлайди. Бу ишда таъкидланишича, “фразема тил қурилишининг луғат босқичига мансуб иккинчи лисоний бирлик бўлиб, биттадан ортиқ лексеманинг ўзаро семантик- синтактик бирлашуви билан таркибтопган бўлади, шунга кўра сегмент бирлик дейилади; синтактик тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапшаклга тенг бўлиб, одатда номинатив ва сигнификатив вазифа бажаради, лекин лексемадан ифода жиҳати билаггина эмас, мазмун жиҳати билан ҳам фарқ қилади”<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бу монографиялар ҳақида тақризлар эълон қилинган. Қаранг: Йўлдошев Р., Примов А. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясига доир салмоқли тадқиқот // Илм сарчашмалари, 2014, 9-сон, 95-98-бетлар; Боймирзаева С., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси тадқиқи // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, 6-сон, 117-119-бетлар; Йўлдошев Б, Рашидова У. “Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи” (Ш.Ғаниеванинг шу номли монографияси ҳақида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 2-сон, 126-127-бетлар ва бошқалар.

<sup>2</sup> Исмоилов Ғ. Фразеологик бирликларда сонларнинг ифодаланиши (ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқ тиллари мисолида) // Ўзбек тили ва адабиёти, 2014, 4-сон, 9-13-бетлар; Исмоилов Ғ. Фразеологизмларда оқ ва қора концептларнинг идиоэтик белгилари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 3-сон, 78-85-бетлар ва бошқалар.

<sup>3</sup> Жуманазарова Г. “Ақл” узви иборалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 2012, 2-сон, 93-96-бетлар; Ҳасанова Д. Арабча луғавий бирликлар иштирокидаги фразеологизмлар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015, 3-сон, 97-100-бетлар ва бошқалар.

<sup>4</sup> Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Янгидан классификатор асосида қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. Тошкент: ЎМЭ, 2013. 334-335-бетлар.

<sup>5</sup> Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Университет, 2006.418 бет; Рахматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. 2-китоб. Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.162 бет.

Бундан кўринадики, фраземаларнинг хусусиятларини талқин қилишда янги нашр этилган дарслик ва қўлланмаларда ҳам яхлитликка эришилганича йўқ.

Фразеологик этимология, фразеологик стилистика, турли тиллар фраземаларини қиёсий ўрганиш фразеологик қатламларини белгилаш, фраземаларни ўзлаштириш каби масалалар, халқ тили фразеологияси, ўзбек фольклори фразеологияси, ўзбек диалектал фразеологияси материаллари ҳам илмий таҳлилга жалб этилиши мақсадга мувофиқ. Фраземаларни компонент таҳлил этиш, компонентларнинг фраземаларни шакллантиришдаги ўрни каби масалалар ҳам ўзбек фразеологияси илми олдида турган муҳим муаммолардан биридир.

Туркийшуносликда С.Кенесбаев, Ш.Раҳматуллаев, Г.А.Байрамов, Г.Х.Ахунзянов, З.Г.Ураксин, Л.К.Байрамова, М.Ф.Чернов, Б.Йўлдошев, А.Маматов каби тилшуносларнинг монографик тадқиқотлари<sup>1</sup>да фраземаларнинг лексик-грамматик, лексик-семантик табиати ва стилистик хусусиятлари ўрганилди ва улар туркий фразеологик илмининг ривожига сезиларли таъсир бағишлади.

Фраземалар структурал, семантик, функционал-услубий жиҳатлардан мураккаб ҳодиса эканлиги барча тилшунослар томонидан эътироф этилган. Фраземаларнинг таркибий ва маъновий шаклланиши лексикага нисбатан мураккаб амалга ошади. Ўзбек тилшунослигида фраземалар "сўзга муқобил" назарияси асосида тадқиқ ва тавсиф этилди. Бу назарияга кўра, фраземалар ҳам лексемалар каби номинатив хусусиятига эга бўлган тил бирлигидир деб эътироф этилиб, лексеманинг **алоҳида шакли** сифатида тадқиқ этилди ва лексикология

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ройзензон Л.И. и другие. Материалы к общей библиографии по вопросам фразеологии; Ройзензон Л.И. и другие. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. – Ташкент, 1965. – 142 с.

таркибида ўрганилди. Дарҳақиқат, фраземаларнинг вазифавий хусусиятлари лексемаларга монанд бўлса-да, фраземалар мураккаб тил бирлиги бўлганлигидан лексемалардек тадқиқ ва тавсиф этиш етарли эмас. Фраземалар сўз ва сўз шаклларида шаклан таркиб топади. Лексемаларнинг генетик асоси фраземаларнинг юзага келиши учун асосий манба ҳисобланади, чунки айнан лексемалар фраземалар учун "қурилиш ашёси"дир. Аммо "фразеологик бирлик ифода плани билан мазмун планининг ўзига хос қарама-қаршилиги ва бирлиги сифатида юзага келади, шунга кўра, фразеологик бирликлар алоҳида ёндашишни, ўрганишни талаб қилади"<sup>1</sup>.

Аввало, фраземалар муайян шаклга эга бўлиб, уларнинг шаклланиши учун лексемалар моддий асос бўлади. Турли лексемаларнинг хилма-хил семантик уйғун ёки семантик ноуйғун) комбинациялари фраземаларни шакллантиради ва уларнинг таркибида турли маъноли лексемалар иштирок этади. Бу эса лексемаларнинг фразеологик комбинациялар таркибидаги ўрнини аниқлашни тақозо этади. Ўзбек тили фраземаларининг қарор топишида фаол ва нофаол лексемалар иштирок этиб, улар фраземаларнинг нафақат шаклан, балки семантик қарор топишида асос бўлади.

Фраземаларнинг компонентлари у ёки бу даражада маъно мустақиллигига эга, фраземик маънони юзага келтиришда иштирок этишига кўра компонентлардан бири асосий таянч ва мантиқий асос ҳисобланади. Тилшуносликда фраземалар таркибидаги лексемалар ўзининг "хусусий маъноларини", "маъно мустақиллигини", "лексемалик даражасини йўқотади", "хусусий маъноси кучсизланади" каби талқинлар мавжуд. В.В.Виноградов "фраземаларнинг ноаниқлик,

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Фан, 1966. –Б. 4.

ёпиқлик, шунингдек, сўз-компонентларининг номуस्ताқиллиги турли фраземаларда ҳар хил бўлади"<sup>1</sup> деб таъкидласа, А.И.Смирницкий "компонентларини лексема деб аташ, аммо уларни ўзига хос ҳолда қўллаш зарур"<sup>2</sup>, А.В.Кунин "компонентлар ўзларининг сўзлик хусусияти билан фарқланади"<sup>3</sup>, Ш. Раҳматуллаев "компонентлар ўзларининг хусусий маъноларини сақлаб қолса-да, уларни таянч ва нотаянч аъзо сифатида талқин қилиш зарур"<sup>4</sup>, М.Умархўжаев, компонентлар семантик "кучсизланса-да" улар лексемалар"<sup>5</sup>дир каби фикрларни айтганлар. Рус тилшуноси А.И.Молотков "компонентларни лексемалар билан аралаштириб бўлмайди"<sup>1</sup> деб таъкидлайди.

Кўринадикки, тилшуносликда фраземалар таркибидаги сўзлар лексик маъносини йўқотган, сўздан ташқаридаги тил ҳодисаси сифатида қаралса, бошқа тилшунослар компонентлар ўзларининг лексик хусусиятларини сақлаб қолади, аммо бу турли фраземаларда турлича юз беради, деб эътироф этадилар. Аксарият тилшунослар лексемалар фраземалар таркибига киргандан кейин ҳам ўзларининг лексик маъноларини сақлаб қолишини эътироф этадилар. Аммо айрим фраземаларда лексик маъно тўлиқ сақланади, бошқаларида эса лексик маъно бир қадар кучсизланади.

Демак, фраземаларнинг компонентларини лексемалар деб ҳисоблаш, аммо уларнинг қўлланиш даражаси, муайян фраземанинг шаклланишидаги ролини алоҳида ўрганиш лозим. Масалан, **оғзидан гулламоқ – ножўя, ноўрин гапларни гапирмоқ** фраземаси таркибидаги **оғиз** компоненти семантик таянч аъзо бўлса, **гулламоқ**

<sup>1</sup> Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // Вопр. яз-я. –1953. - № 5. -С. 21.

<sup>2</sup> Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. - М.: Наука, 1956. - С. 207.

<sup>3</sup> Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. – М.: Наука, 1981. - С. 71.

<sup>4</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. -Тошкент: Фан, 1986. – Б. 6.

<sup>5</sup> Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. - Ташкент, 1983. -С. 27-40.

компоненти эса грамматик таянч компонентдир. Семантик таянч аъзо феъл лексема билан бирикиб феъл фраземасини ҳосил қилади. Компонентларнинг лексик хусусиятлари ибора таркибида қатнашган компонентлар орасидаги синтактик боғланишни<sup>1</sup> таъминлайди. Тилнинг фразеологик таркибидаги турли лексик-семантик ва тематик гуруҳларга тегишли лексемаларнинг ифода этилиши, фраземалар таркибидаги лексик бирликларнинг мутаносиблик ва номутаносиблик хусусиятларини белгиловчи лисоний ва нолисоний омилларни аниқлаш, фраземаларни шакллантирувчи лексемаларнинг маъно хусусиятларини таҳлил этиш, потенциал семаларни актуаллаштиришда лексемаларнинг роли ва имкониятларини ва уларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш каби масалаларни ўрганиб чиқишни мақсад қилиб олдик.

Фраземалар таркибидаги лексемалар турли сўз туркумлари ва лексик-семантик гуруҳларга тегишлидир. Изоҳли фразеологик луғатлар, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча умумфилологик луғатларда ўз ифодасини топган фраземалар компонентларининг турли-туманлиги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Айрим лексемалар *Дақёнусдан қолган, Алмисоқдан қолган, чучварани хом санамок, тарвузи қўлтиғидан тушди* каби ягона фразема таркибидагина иштирок этса, **юрак, кўз, кулоқ, юз, қўл** каби соматик, **сичқон, туя, ит** каби зоонимик, **тушмоқ, ўтмоқ, тикмоқ** каби ҳаракатни ифодаловчи лексемалар ўнтадан юзтагача ва ундан ортиқ фраземаларнинг таркибида компонент сифатида қатнашади. Фраземаларнинг грамматик шаклланишида феъл компонент алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек тили фраземаларининг кўпи феъл лексемалар воситасида шаклланиб, феъл грамматик таянч компонент сифатида

---

<sup>1</sup> Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. – Л.: Наука, 1977. - С. 62.

катнашади ва ўзбек тили фраземаларининг асосий қисмини феъл фраземалар ташкил этади. Фраземаларнинг таркибидаги семантик таянч компонентлар фраземаларнинг семантик тизимини шакллантиради. Фразеологик фаол компонентнинг шакллантириш кўлами от, феъл, сифат, равиш каби лексик-грамматик тўрт гуруҳга хос фраземаларнинг ифодавий шаклланишида кўринади.

Лексемаларнинг хусусий маъно тизимлари фраземаларнинг семантик тизимини, образли маъноларининг тараққиётини белгилайди. Лексемалар фраземалар таркибида эркин боғланма маъноси билан муайян узвлар билан боғланади. Дастлабки маъно тизимлари трансформация қилиниб, фраземик маъно шаклланади. Шаклий жиҳатдан сўз бирикмаси, гап, фраземалар лексемаларнинг комбинациясидан ташкил топади. Пастки сатҳлар юқори сатҳларнинг шаклланиши учун асос бўлиши тилнинг қонунияти бўлганидек, лексемалар фраземаларнинг шаклий ва маъновий шаклланишида моддий асосдир. Лексемалар фразема таркибида ўзининг маъноларини йўқотиши ёки янгича маъноларга эга бўлиши мумкин. Бу жараёнда компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида компонентларнинг маъноларидан ифодаланган маъно ёки уларга боғлиқ бўлмаган фраземик маъно маъно ҳосил бўлади.

Шаклий жиҳатдан фраземалар сўзларнинг уюшмаси асосида шаклланганлиги учун ҳам "иборанинг ифода плани деб лексемалар ва уларни боғлаш учун хизмат қиладиган морфемалар кўзда тутилади"<sup>1</sup>.

Фраземаларнинг ифодавий шаклланишида лексемалар ўзаро қандай боғлашувга киришиши ҳам муҳим ҳисобланади. Сўзларнинг бошқа сўзлар билан ўзига хос йўллар воситасида бирикуви натижасида турғун,

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Фан, 1966. – Б.8.

образли, экспрессив, яхлит маънога эга бўлган янги структурали ва янги маъноли фраземалар шаклланади.

Фраземалар икки ёки ундан ортиқ мустақил ёки ёрдамчи сўз туркумларига тегишли лексемалардан ташкил топади. Улар мустақил ёки ёрдамчи сўз туркумларига тегишли бўлади. **Пешанаси шўр, адибади айтишмоқ, подадан олдин чанг чиқармоқ, сўхтаси совуқ, боши осмонга етмоқ** каби боғланмалар у ёки бу лексемаларнинг ўзаро синтактик боғланиши асосида юзага келади. Фраземалар ҳам боғланмалардир, аммо фраземалар кўчма маъноли, образли, турғун боғланмалардир. Шунинг учун ҳам турғун боғланмалар маъно хусусиятига кўра: 1) тўғри маъноли турғун боғланмалар; 2) кўчма маъноли турғун боғланмалар<sup>2</sup> га ажралади. Тўғри маъноли турғун боғланмалар нарса-ҳодисаларнинг номини атаб, номинатив вазифани бажарса, кўчма маъноли турғун боғланмалар номинатив вазифа бажариш билан бирга, нарса-ҳодисани образли ифодалаб тасвирлайди.

Фраземаларни ташкил этган лексемаларнинг ўзаро грамматик ва семантик боғланиш уйғун бўлиши керак. **Бош** лексемаси фраземик фаол бўлса-да, ҳар қандай лексема билан боғланиб кетавермайди. Тилимизда **бошдан кечирмоқ, бошини емоқ** тарзида ўзаро боғланиш мавжуд бўлгани ҳолда, "бошини ичмоқ" тарзида боғланишга семантик ноуйғунлик йўл қўймайди.

Соматик лексемалар фраземаларнинг ифодавий ва маъновий шаклланиши жараёнида салмоқли ўрин тутаяди<sup>1</sup>.

Рус тилшуноси Ю.А.Гвоздарев “сўзлар асосида шакланган фраземалар”ни ҳам эътироф этади. Фаол лексемалар фақатгина

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Фан, 1966. –Б. 4.

<sup>2</sup> Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 57.



фраземаларни шаклан қарор топтириб қолмасдан, балки уларнинг маъно жиҳатидан ҳам шаклланишида алоҳида ўрин эгаллайди. Шунинг учун фразеологик тадқиқотларда "семантик таянч компонент" ва "семантик нотаянч компонент"<sup>1</sup> каби атамалар қўлланилади.

В.Виноградов: "Фраземалар тил элементларининг комбинацияларидир ва ўзига хос яхлит семантик хусусиятга эга бўлган коммуникатив бирликдир"<sup>2</sup>, - деб таъкидлайди. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таркибидаги фаол лексемаларни аниқлаш сўзларнинг дистрибутив алоқалари, уларнинг боғланиш қонуниятларини ойдинлаштириш имкониятини яратади.

Ўзбек тилшунослигида фраземаларнинг компонентлари илк бор Ш.Раҳматуллаев, А.Исаевларнинг тадқиқотларида илмий таҳлил этилган.

Ш.Раҳматуллаев илмий тадқиқотларида компонентларнинг фраземалар маъносини шакллантиришдаги ўрни масаласида фикр юритиб, компонентлар ўзларининг сўз сифатидаги маъноларини муайян маънода йўқотиши ва фраземадан умумлашган маъно юзага чиқишини эътироф этади. Шу билан бирга компонентларнинг фраземаларнинг маъно шаклланиши ва маъно тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишини ва фраземалар аввало семантик ҳодиса эканлигини таъкидлайди<sup>3</sup>.

Ш.Раҳматуллаев фразеологик бирликларнинг маъно табиатини биттадан ортиқ сўз яхлитлигича маълум бир образ асосида кўчириш йўли билан семантик тараққиётни бошдан кечиради деб таъкидлайди ва

<sup>1</sup> Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. - М.: Наука, 1978. - С. 91-102.

<sup>2</sup> Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. - М.: Наука, 1977. - 312 с.

<sup>3</sup> Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1986. -№ 3. - Б.16-21.

муайян образ асосида юзага келган маънони фразеологик маъно деб атайди.

А.Исаев ўз тадқиқотларида соматик лексемаларнинг фраземаларни шакллантиришдаги ўрнини, хусусан **кўз, бош, юз, бет** каби лексемаларнинг фраземаларни шакллантиришда фаол эканлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Таъкидлаш лозимки, мазкур тадқиқотларда соматик лексемаларнинг фраземаларни шакллантиришдаги ўрни ва хусусиятини илмий таҳлил қилишга эмас, балки тил материалларини қайд қилишга кўпроқ эътибор қаратилган. Тилимиздаги **қўл, оёқ, юз,бет, қулоқ, кўз** каби сўзлар инсон тана аъзоларнинг бирини ифодалаш билан соматик лексемалар саналади. Аммо шу сўзлар иштирокида шаклланган **кўзини шамғалат қилиб, кўз очиб юмгунча, бошини қовуштирмоқ, тилини бириктирмоқ** каби фраземалар инсоннинг тана аъзоларини ифода этмайди. Шу боис уларни соматик фраземалар дейиш изоҳталабга ўхшайди.

Фраземалар инсоннинг ҳаёти, турмуш тарзи, фаолияти, жисмоний ҳолатини ифодалаш зарурияти асносида яратилганлиги сабабли ҳам, уларнинг таркибида от сўз туркумига оид сўзларнинг иштироки ўта фаоллиги билан ажралиб туради.

Фраземалар инсон фаолияти ва ҳаракатини ифодалагани учун ҳам, улар таркибида феъл сўз туркумига оид лексемалар кўпчиликни ташкил этади. Шунингдек, феъл лексемалар фраземаларнинг лексик-грамматик табиатини белгилайди .

Умуман, фраземалар алоҳида шаклга эга бўлган, муайян компонентлардан ташкил топган, нутқда бошқа гап бўлаклари билан

муносабатга киришадиган, грамматик кўрсаткичга ва грамматик шаклга эга бўлган тил бирлигидир. Шу маънода фраземалар ўз шаклига ва парадигматик шаклга эга бўлади. Шаклий ва таркибий тузилишини ташкил этадиган компонентлар таркиби фраземанинг ўз шакли ҳисобланади. Фраземаларнинг шакли унинг моддий асосини ташкил этади. Мазкур тадқиқот фраземаларнинг ўз шаклини, унинг хусусиятларини, шаклини ва маъносини ташкил этган компонент таркибини илмий тадқиқ этишга бағишланган.

Фраземаларнинг лексемалар асосида шаклланиш жараёнини тадқиқ этиш семантик таянч аъзо фразеологик фаол эканлигини кўрсатади. Соматик лексемалар ёрдамида турли маъноларни англатувчи ва турли лексик-грамматик гуруҳларга тегишли фраземалар шаклланган.

Соматик лексемаларнинг фразеологик фаоллигини уларнинг инсон фаолиятига жуда боғлиқлиги билан изоҳлаш мумкин. **Бош, юрак, кўл, оғиз, юз, кўз** каби соматик лексемалар инсон фаолияти билан алоқадорлиги туфайли, улар иштирокида барча тўрт лексик-грамматик гуруҳлар (феъл, сифат, равиш, от)га тегишли фраземалар шаклланади. Соматик лексемалар ёрдамида, асосан, феъл фраземалар, **тирноқ, тери, ўпка, бўйин, суюк** каби соматик лексемалар воситасида фақат феъл ва равиш фраземалар шаклланади. Сифат ва от фраземалар эса шаклланмайди. Фраземаларнинг номинативлик вазифасидан кўра тасвирийлик вазифаси устун эканлиги учун ҳам ўзбек тилида от фраземалар кам шаклланади.

---

<sup>1</sup> Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. -

## **I Б О Б. ОТ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

Фраземалар ижтимоий–тарихий даврнинг маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун фраземаларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши узок ўтмишга бориб тақалади. Шу маънода уларни тарихийлик жиҳатдан ўрганиш илмий ва амалий аҳамият касб этади. Дастлаб фраземалар таркибидаги компонентлар ўзбек тили лексикасининг ўз мулкидан иборат бўлган. Даврлар ўтиши билан тилимизга форс-тожик, араб, рус ва европа тилларидан кўплаб байналмилал лексемалар ўзлашдики, улар истеъмолдаги фраземалар таркибида ўз аксини топди. Шунинг учун ҳам фраземаларнинг компонент таркиби ранг-баранг: улар турли сўз туркумига оид ва турли ўзлашган қатлам сўзларидан иборат. Фраземик таркиб ҳам лексика каби ривожланиш, бойиш, ўзгариш жараёнида тилнинг ички қонуниятларига амал қилади. Фраземаларнинг ҳосил бўлиши ва шаклланиши лексика билан боғлиқ бўлиб, лексика қай даражада сўзлар билан бойиб борса, улар фраземалар таркибида ўз аксини топиб боради. Фраземалар шаклланишининг моддий асоси сўзлардир. Фраземалар сўзларнинг шаклланган уюшмаси бўлиб, улар турғун сўз бирикмаларидир. Аммо фраземаларнинг ўзига хос ҳосил бўлиши ва шаклланиш жараёнлари уларни сўз бирикмаларидан фарқлайди. Фраземалар тарихий жараёнлар, ижтимоий муҳит,

ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт каби экстралингвистик омиллар, тилнинг семантик, грамматик қонун–қоидалари каби лингвистик омиллар билан узвий алоқадорликда пайдо булади ва лексика каби тилнинг ички қонуниятларига–фонетик, лексик–семантик, грамматик хусусиятларига эга бўлади.

Жамиятда пайдо бўладиган нарса–ҳодисалар учун тилда махсус атамалар бўлиши каби, объектив сабаблар асосида тилда янги–янги сўз (лексема)лар, иборалар пайдо бўлади, адабий тилнинг луғат таркиби бойиб боради. Тил вакилларининг у ёки бу ҳодиса, ҳолат, характерларни образли–экспрессив ифодалаш эҳтиёжи туфайли тилда кўплаб турли маъноли фраземалар юзага келади.

Шунингдек, муайян бир жойнинг табиати, халқнинг иқтисодий тузуми, тарихи, маданияти, ҳаёт тарзи, оғзаки ижодиёти, бадиий адабиёти, санъати, фани, урф–одати кабиларни акс эттириш эҳтиёжи ҳам фраземаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади ва авлоддан авлодга ўтиб боради.

От компонентли фраземаларнинг компонентлари маълум даражада эркин бўлиб, улар фраземик маънонинг у ёки бу даражада шаклланишини таъминлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фраземик маънони шакллантиришда фразема таркибидаги компонентлариан бири таянч бўлиб, фраземанинг образли асосини ташкил этади. Бу компонент фраземанинг бошқа бўлақлар билан синтактик муносабатини ҳам белгилайди. **Юмшоқ супурги, суюнган тоғи, пешана тери, анқоннинг тухуми** каби фраземалар таркибидаги **супурги, тоғ, тер, тухум** каби компонентлар фраземанинг маъновий шаклланишида таянч компонент бўлган. “Фразеологик турғун бирикмалар гапга тобе бўлган, унинг таркибида турли шаклларда ташкил топадиган одатдаги сўз

бирикмаларида содир бўладиган ҳаракатчанликка эга эмас. Улар ҳар гал гап қуриш жараёнида фикрнинг талабига қараб ташкил топмайди. Улар лексик характерга эга бўлиб, одатда лексикологияда текширилади<sup>1</sup>”.

Фраземалар ўзбек халқининг ижтимоий–иқтисодий, сиёсий ва маънавий, маданий ҳаёти, ўзига хос тушунчалари асосида юзага келади. Ўзбек халқининг миллий бош-кийими **дўппи** лексемаси бир қанча шахс ҳолатини ифодаловчи фраземалар таркибида ишлатилган. **Дўппи** лексемаси **дўпписини осмонга отмоқ, дўпписини ерга қўйиб ўйламоқ, дўппининг тагида одам бор, дўпписини яримта қилиб, дўпписи тор келмоқ, дўпписи чаккада, дўпписи чамбарак, дўпписини тескари кийдирмоқ** каби турли маъноли фраземалар таркибида таянч компонент сифатида келади. Бу каби фраземаларнинг миллийлиги шундаки, улар миллий тушунчалар ва предметлар билан боғланиб, фраземаларни ташкил этган лексемалар ўзбекча (умумтуркий)дир.

**Ошиғи олчи (бўлмоқ)** фраземаси ҳам ўзининг миллий характерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Маълумки, халқимиз азалдан ошиқ ўйинини ўйнаб келади. **Ошиқ**нинг бош маъноси "Айрим ҳайвонларнинг орқа оёғи тизза бўғимидаги бириктирувчи чорқирра суякча" (ЎТИЛ, 555–бет) бўлиб, у қўй ошиғи воситасида ўйналадиган ўйиннинг номини ҳам ифодалайди. Ўйин давомида ошиқ ясси томони билан туриб қолса, уни отган киши **олчи** деб тан олинади. Олчи ўртага қўйилган совринни олади. Демак, **олчи** "иши юришган", "муваффақият қозонган" маъноларини билдиради. Шу тушунча асосида "иши юришган кишилар" маъноси **ошиғи олчи** ибораси билан ифодаланади.

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ғ., Аскарлова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. - Тошкент, 1968. –Б. 29.

Булардан ташқари, бир қатор фраземалар ўзбек миллий чолғу асбобларининг ташқи кўриниши билан боғланган ҳолда шаклланганлигини тасдиқлаш мумкин. Масалан, **дўмбира** лексемаси асосида **дўмбира қилмоқ** (дўмбира сингари шишириб юбормоқ; шов–шув кўтармоқ, миш–миш гап қилиб юрмоқ, овоза тарқатмоқ), **дўмбира чертиб юрмоқ** (бекор, ишсиз, лаллайиб юрмоқ) сингари фраземалар шаклланган. Бунда ўзбек миллий чолғу асбоби бўлган **дўмбира** лексемаси семантик таянч компонент вазифасини ўтайди. Дўмбиранинг юмалоқ, семиз, шиширилган шакли "шов-шув кўтариш, бўлар–бўлмасга овоза қилиш ҳолатига" ўхшатилади. Бу фраземалар таркибидаги **дўмбира** лексемаси туркий эканлигини яхши биламиз. Чунки шу ном билан аталувчи мусиқа асбоби фақат туркий халқларда ишлатилади.

**Дўмбира чертиб юрмоқ** фраземасининг юзага келишида "бўлар–бўлмасга дўмбира чертиш ҳолати бекорчилик, ишсизликнинг оқибати" сифатида қаралган. Шу асосда бекорчи, ишсиз, ялқов кишиларни айни шу ибора билан ифодалаш одат тусига кирган. Кўринадики, фраземалар таркибидаги компонентлар уларнинг маъно шаклланишида маъно ташиш вазифасини ҳам бажаради.

"Фразема тил бирлиги сифатида мураккаблиги, унинг маънан яхлитлиги билан алоҳида шаклланган шакли ўртасидаги зиддият, номослик, иборадаги долзарб ва этимологик маънолар номувофиқлиги уларни нутқ жараёнида қўлланишини қийинлаштиради"<sup>1</sup>. Бу номувофиқлик фраземалар таркибидаги лексемаларнинг этимологик асосини аниқлашни ҳам мушкуллаштиради.

<sup>1</sup> Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1992. - 3-4-сонлар. – Б. 38.

Лексемалар "генетик жиҳатдан икки манбага мансубдир: а) ўша тилнинг ўзиники бўлган сўзлар; б) бу тилга бошқа тиллардан кириб келган сўзлар"<sup>1</sup>. Фраземаларда бундай қатламларни аниқлаш бир қадар қийин. Фраземалар таркибидаги лексемалар генетик жиҳатдан турли қатламларга тегишлилиги ва шакл ва маъно ўртасида номувофиклик фраземаларнинг генетик манбаларини аниқлашни мураккаблаштиради. **Алифни калтак деёлмаслик** - "ғирт саводсиз бўлмоқ", "ҳеч нарса билмаслик", "маълумоти йўқ" маъноли фразема таркибидаги **алиф** компоненти араб тилидан ўзлашганлигига қарамай, мазкур фразема ўз қатламга киради. "Ўзбекча сўзлар яшашга хизмат қилувчи арабча, форс–тожикча ва русча интернационал сўзларнинг аксарияти ички ресурс характеридадир"<sup>2</sup>. Шунга кўра фразема қайси тилда шаклланса, уни ўша тилнинг ўз қатламига киритиш лозим.

Фразема таркибидаги лексеманинг маъноси бирон ҳаракат–ҳодисанинг оқибати, сабаби натижасида келиб чиқадиган ҳаракат–ҳодисанинг ўхшашлиги билан алоқадор бўлади. Фраземанинг маъноси таркибидаги лексемалар маъносининг оқибати, сабаби натижасида реликат (қолдиқ) маънодек ҳосил булади. Баландпарвоз гап қилмоқ, беҳуда мақтанмоқ маъноли **аравани қуруқ олиб қочмоқ, арава олиб қочмоқ, олиб қочмоқ** фраземалари **арава** лексемаси маъноси билан боғлиқ. Аравага юк ортмасдан, қуруқдан–қуруқ юргизиш отга ҳам, эгасига ҳам зарар, араванинг қуруқлиги ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ мақтаниш билан тенглик натижаси оқибатида шаклланмоқда. **Аравангни торт, ўз аравангни ўзинг торт** каби

<sup>1</sup> Бегматов Э.А. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.48.

<sup>2</sup> Бегматов Э.А. Кўрсатилган манба. –Б. 130.



фраземалар ҳам **арава** лексемасининг хусусиятларини ўхшатиш асосида юзага келган.

Шунинг учун ҳам фраземаларнинг юзага келиши учун биринчи асос турмуш эҳтиёжи, ижтимоий–тарихий давр, ҳаётий тажрибалардир.

### **3.1. Шахс компонентли фраземалар**

Ўзбек тилида от компонентли фраземалар шахснинг фаолияти, унинг сифатий кўринишлари, психик ҳолати, кечинмалари, интеллектуал қобилияти, эмоциясини ифода этади. Бу фраземаларда шахснинг у ёки бу ҳолатини ифодаловчи лексема иштирок этганлиги сабабли, уларни шахс компонентли фраземалар деб атадик. Шахс компонентли фраземаларни лексик-семантик тавсифлаш, таҳлил этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилса-да, уларнинг структураси, компонентларининг хусусиятлари таҳлил этилмаган.

Ю.Ю.Авалиани ўзининг тадқиқотларида курд тили мисолида бир қатор эмоционал - ҳафалик, ўкинч, ҳаяжон, ташвиш, ғазабланиш каби маъно оттенкаларига эга бўлган фраземалар мавжудлигини исботлаб беради<sup>1</sup>.

Ўзбек тилшунослигида ҳам эмоционал–экспрессив фраземаларни ўрганиш, уларни маълум гуруҳларга ажратиш бўйича илмий тадқиқотлар<sup>1</sup> олиб борилмоқда. Тадқиқотларда асосан, фраземаларга эмоционаллик ва экспрессивлик нуқтаи назаридан ёндашилиб, улар фақат семантик жиҳатдан изоҳланади. Кузатишлар фраземаларнинг структураси, компонентларининг шаклланишдаги ҳиссаси ва роли

---

<sup>1</sup> Авалиани Ю.Ю. Тексты лекции по компаративно-сопоставительной фразеологии иранских языков. - Самарканд, 1979; Шу муаллиф. К теории семантического поля во фразеологии // Вопросы фразеологии. - Самарканд, 1979. Вып. XIV. - С. 4-15.

хусусиятлари алоҳида тадқиқ этилиши зарурлигини кўрсатади. Ўзбек тили луғавий таркибининг аксарияти шахс фаолияти билан боғлиқ фраземаларни ташкил этади.

Шахснинг фаолияти, психологик ҳолати, сифат кўриниши жуда кенг ва кўламли бўлиб, уларнинг қирралари, вариантлари турли-туман ва чексиздир. Шунинг учун ҳам тилда психик жараёнларни ифодалаш учун махсус лексемалар ва бирикмалар мавжуд бўлиб, улар фраземалар таркибида иштирок этади.

Шахснинг қувониш, ғазабланиш, ажабланиш, ташвишланиш, азобланиш, ўқиниш, ҳайратланиш, таажжубланиш, ваҳима, кўркув, қаҳрланиш, нафратланиш, ҳурматсизлик, уялиш, андиша, жаҳл каби ҳолатларни ифодалаш мақсадида тилда турли структурали фраземалар шаклланган. Шахс фаолияти ва психикасини ифодаловчи фраземаларнинг компонент таркибида асосан руҳий ҳолатни ифодаловчи **кўнгил, эс, рух, севинч, димоғ, жон, кайф** каби (мавхум) абстракт лексемалар иштирок этади.

### 1.1. Шахснинг вазоҳат ҳолати асосида шаклланган фраземалар

Шахснинг вазоҳатини ифодаловчи **абжағи чиқмоқ, ийиғи чиқмоқ, дабдаласи чиқмоқ** каби маънодош фраземалар шахснинг ташқи ҳолатини ифода этса, **асаби таранглашмоқ, асабига тегмоқ, ғашига тегмоқ, жинига тегмоқ, ғаши келмоқ, ғашини келтирмоқ** каби маънодош фраземалар **ғазабланиш** оттенкасини ифодалайди. **Васвасага тушмоқ** фраземаси турли ўй-хаёлларга бориб қаттиқ ҳаяжонланмоқ маъноси билан шахснинг вазоҳат ҳолатини ифодалайди. **Дўк урмоқ** фраземаси кўрқитиш мақсадида бақириб- чақириб гапирмоқ маъноси билан шахснинг салбий эмоционал ҳолатини ифода этиши

---

<sup>1</sup> Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. - Тошкент, 1991. – Б. 37-69.

билан характерлидир. **Жиғига тегмоқ, жиғини эзмоқ, жиғибийрони чикди, жонига тегмоқ** каби фраземалар умумий маънолари билан шахснинг асабланиши билан боғлиқ ҳолатини ифода этади. **Жини қўзиди** фраземаси эса ғазабланиш оттенкаси билан шахснинг салбий ҳолатини ифода этади. **Таажжубга солмоқ, таъби хира бўлди, табиати тирриқ бўлди, таъби тирриқ бўлди, табиати хира, таъби хира, табиати хира бўлди, таъби хира бўлди** каби маънодош фраземаларнинг маъно таркибида хафалик, ажабланиш оттенкалари устун туради. **Тит–питини чиқармоқ, ғазабга келмоқ, аччиғи келмоқ, аччиғи қистамоқ, қони қайнамоқ, ғазаби қайнамоқ, жони чиқмоқ, жони халқумига келмоқ** каби фраземалар аччиқланмоқ, дарғазаб бўлмоқ, ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ каби маъно оттенкалари билан умумий маънога бирлашади. **Авзойи бузилди, аччиғи келди, аччиғи қистади, жазаваси тутди, жаҳли чикди, жиғибийрони чикди, жони чикди, кайфи бузилди, ғазаби қайнади** каби гапга тенг феъл фраземалар жаҳл-ғазабдан ўзини тута олмайдиган ҳолатга келиб қолган шахснинг эмоционал ҳолатини ифодалайди.

Фраземалар таркибида **авзо, аччиқ, жазави, жин, ваҳима** каби мавҳумликни ифодаловчи отлар иштирок этади. **Дўқ урмоқ, ғазабга келмоқ, жазаваси тутмоқ** каби фраземалар ғазабланиш ҳолати асосида ҳам шаклланади ва шундай маъно оттенкаларини ифодалайди.

Шахснинг важоҳат ҳолатини ифодаловчи фраземалар таркибида камида битта руҳий ҳолатни ифодаловчи лексема иштирок этади. Бу лексемалар фраземаларнинг семантик ва таркибий шаклланишини таъминлайди. **кўнгил** лексемаси яхши кайфият, хотиржамлик, мойиллик маъноларини ифодаловчи **кўнглига ўтирмоқ, кўнглини тоғдай кўтармоқ** каби бирикмага тенг феъл фраземалар; **кўнгли**

ёришди, кўнгли жойига тушди, кўнгли ёзилди, кўнгли кўтарилди, кўнгли очилди, кўнгли равшан тортди, кўнгли сув ичди, кўнгли тортди, кўнгли тўлди, кўнгли хуш бўлди, кўнгли ўсди , кўнгли чоғ, кўнгли хуш, кўнгли бутун, кўнгли равшан, кўнгли бор каби гапга тенг феъл фраземалар таркибида семантик таянч аъзо сифатида қатнашади.

Қуйидаги фраземалар эса руҳий ғамгинлик, хафаликни ифодалайди: кўнгли бир хил бўлиб кетмоқ, кўнгли вайрон бўлмоқ, кўнглига сиғмаслик, кўнглига ғашлик солмоқ, кўнглига ғашлик тушмоқ, кўнгли зим-зиё, кўнглини бузмоқ, кўнглини ғашламоқ, кўнгли оғримоқ, кўнгли синмоқ, кўнгли совимоқ, кўнгли хижил бўлмоқ, кўнгли хира, кўнгли хира бўлмоқ, кўнгли чўкмоқ, кўнгли яримта, кўнгли ўксимоқ, кўнгли қолмоқ, кўнгли ғаш, кўнгли ғашга тўлмоқ, кўнгли ғаш тортмоқ ва б. Севиш ҳисси: кўнгил бермоқ, кўнгил боғламоқ (булар бирикмага тенг феъл фраземалардир). Феъл-атвор, характер, хулқ: кўнгли бўш, кўнглига нима келса, шуни қилмоқ, кўнглида кири йўқ, кўнгли кенг, кўнгли тоза, кўнгли юмшамоқ, кўнгли оқ, кўнгли қаттиқ, кўнгли қора, кўнгли тош. Истак-хоҳишга мос тушадиган иш ёки ҳаракат билан ўзига мойил қилиш: кўнглини топмоқ, кўнглига қарамоқ, кўнглига ўтирмоқ, кўнглига яқин олмоқ, кўнглига яқин бўлмоқ, кўнглини овламоқ, кўнглини очмоқ кабилар.

Дам лексемаси айтиш лозим бўлган фикрни айтолмаслик ҳолатини ифодаловчи дами ичида, дами ичида қолди, дамани босмоқ, дамани ичига ютмоқ, дамани кесмоқ, дами чиқмади, шахсинг хордиқ чиқариши билан боғланган дам олмоқ; “бир лаҳза” маъносини ифодаловчи дам ўтмай каби фраземалар таркибида иштирок этади.

**Димоғ** лексемаси шахсининг димоғдорлик характери билан боғланган салбий маъноли **димоғи баланд, димоғига қурт тушди, димоғидан эшак қурти ёғилади, димоғида ош пишади, димоғи шишди** каби; яхши кайфият ҳолатини ифодаловчи **димоғи чоғ, димоғи чоғ бўлмоқ, димоғини чоқ қилмоқ** сингари фраземалар таркибида таянч компонент сифатида қўлланилади.

Шахсининг ғазабланиш ҳолатини ифодаловчи **жаҳли бурнининг** учида туради. **жаҳли тез, жаҳли чиқди, жаҳлини чиқармоқ, жаҳл устида** каби фраземалар таркибида **жаҳл** лексемасининг иштироки кузатилади.

**Жон** лексемаси ҳаяжон, ташвиш ҳолатларини ифодаловчи **жон-у** ҳолига **қўймаслик, жон ҳолатда, жон талвасасига тушмоқ, жони халқумига келди, жонини ҳовучлаб, жонини қўярга жой тополмаслик, жонида жон қолмади** каби; куч-қувватини аямаслик, матонатлилик, садоқатлиликни ифодаловчи **жон куйдирмоқ, жонини жабборга бермоқ, жонини бермоқ, жонини койитмоқ, жон-жаҳди билан, жонининг борича, жонини тикмоқ, жон куйдириб, жон олиб, жон бермоқ, жон ҳолатда** сингари фраземалар; кўркув, ваҳима, азобланиш маъноларини англатувчи **жон-жонидан ўтиб кетмоқ, жонига тегмоқ, жонида-жон қолмади, жонидан безор бўлмоқ, жонидан кечмоқ, жонидан тўймоқ, жонидан умидини узмоқ, жон-пони чиқиб кетди** каби; ўлим ҳолатини ифодаловчи **жон бермоқ, жони узилди, жон талашмоқ, жон талвасасига тушмоқ** каби феъл фраземалар таркибида иштирок этади.

**Кайф** мавҳум лексемаси руҳий ҳолат ва кайфиятни ифодаловчи **кайфи баланд, кайфи бузук, кайфи жойида, кайфи чоғ, кайф хуш** каби сифат фраземалар; **кайфини бузмоқ, кайфи бузилмоқ, кайфини**

жойига келтирмоқ, кайфини сурмоқ, кайфи ошмоқ, кайфи учмоқ, кайфини учирмоқ, кайфи чоғ бўлмоқ, кайфичоғлик қилмоқ каби феъл фраземалар таркибида таянч аъзо сифатида қатнашиб, улар ёзма ва оғзаки нутқда фаол қўлланади.

**Назар** лексемаси иштирокида шахсинг нигоҳи билан боғлиқ **назарга илмаслик, назари илмайди, назарга олмоқ, назарига кирмоқ, назарига тушмоқ, назаридан қолмоқ, назаридан қочмоқ, назар солмоқ, назари паст** сингари фраземалар юзага келган.

**Рух** лексемаси ёрдамида тетиклик, бирдамлик, яхши кайфиятни ифодаловчи **руҳи энгил, руҳи баланд** каби сифат фраземалар; **руҳини энгил сезмоқ, руҳи энгил тортмоқ, руҳини кўтармоқ, руҳи тушмоқ** сингари феъл фраземалар пайдо бўлган ва нутқда кенг қўлланиши билан аҳамиятлидир.

**Таъб** лексемаси кайфиятнинг яхши ёки ёмонлигини ифодаловчи **таъби олинди, таъби очилди, таъбини очиб юбормоқ, таъбини тирриқ қилмоқ, таъби тортди, таъбини хира қилмоқ, таъби хиралашди** каби феъл фраземалар; **таъби тирриқ, таъби хира, таъби номозшом** каби сифат фраземалар таркибида иштирок этади.

**Феъл** (хулқ маъносида) лексемаси **феъли айниди, феъли бузилди, сингари феъл фраземалар, феъли бузук, феъли кенг** каби нутқда фаол ишлатиладиган сифат фраземалар таркибида иштирок этади.

**Фикр** лексемаси **фикридан ўтказмоқ, фикридан кечирмоқ, фикр юритмоқ** каби фраземалар таркибида иштирок этиб, "киши фикрлаш қобилиятининг бир жиҳати" маъносини ифода этади.

Лексемаларнинг мантиқий асосига кўра шахсинг фикрлаш ҳолати, идрок қилиш каби психик жараёнларни ифодаловчи фраземалар шаклланади. **Хаёл** лексемаси фразема таркибида семантик таянч аъзо

сифатида қатнашиб, феъл лексемаси билан бирикади. Феъл аъзо ўтимли семемасида иштирок этиб, тушум келишигидаги лексемалар билан бирикади: **хаёлини бузмоқ, хаёлини бўлмоқ, хаёлини олиб қочмоқ, хаёлини олмоқ, хаёлини сочмоқ, хаёл сурмоқ**; феъл аъзо ўтимсиз семемасида қатнашиб, **хаёл** лексемаси жўналиш келишигида шаклланади: **хаёлга бормоқ, хаёлга толмоқ, хаёлга чўммоқ, хаёл дарёсига чўммоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга келмоқ**. **Хаёл** лексемаси чиқиш келишигида шаклланади: **хаёлидан ўтмоқ, хаёлидан ўтказмоқ**. **Хаёл** лексемаси билан икки аъзоли гапга тенг феъл фраземалар ҳам юзага келади, **хаёл** лексемаси феъл аъзо билан эга-кесим муносабатида шаклланган бўлади: **хаёл кетди, хаёл бўлинди, хаёл қочди** кабилар .

**Эс** лексемаси иштирокида **эсга олмоқ, эсга тушмоқ, эсдан кўтарилмоқ, эсдан чиқмоқ, эсда турмоқ, эсда тутмоқ, эсда қолмоқ, эси бор, эсининг борида, эси бўлса, эси йўқ, эси бутун, эси кирди-чиқди, эсига келмоқ, эсига ҳам кириб чиқмаслик, эсдан оғмоқ, эси жойида, эси кетган, эси кетди, эсим қурсин, эсингиз жойидами, эсини танимоқ, эси паст, эси чиқиб кетди, эси ўзига келди, эси қолмабди** каби шахснинг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ фраземалар шаклланади. **Эс** ва **хуш** лексемалари кўшилмаси семантик таянч аъзо сифатида қўлланилиб, **эс-хушини йиғмоқ, эс-хушини йўқотмоқ, эс-хуши бутун, эс-хушини олиб қочмоқ, эс-хушини олиб қўймоқ** каби шахснинг фикрлаш қобилияти билан алоқадор фраземаларнинг шаклланишига хизмат ҳилади.

**Хуш** лексемаси шахснинг хушсизланиши, ақлсизланиши ёки аксинча каби ҳолатларни ифодаловчи **хуши бошидан учди, хушига келмоқ, хуши ўзига келди, хушини йўқотмоқ, хушидан кетмоқ,**

хуши кетди, хушини йиғмоқ каби фраземалар таркибида иштирок этади.

**Ўй** лексемаси шахсининг фикрлаш қобилияти билан боғлиқ ҳолатни ифодаловчи **ўйга бормоқ, ўйга толмоқ, ўйга чўммоқ, ўй сурмоқ, ўйлаб-ўйлаб ўйига етолмаслик** каби фраземаларни ҳосил ҳилишда хатнашади.

**Ақл, фаҳм, фаросат** каби мавҳум лексемалар иштирокида "кишилардаги ақл-фаросат, фикрлаш ва унинг турли жиҳатларига боғлиқ психик жараёнларни ифодаловчи **ақл битмади, ақлдан озмоқ, ақл бовар қилмайди, ақлга сиғмаслик, ақли етади, фаҳми етади, фаҳм-фаросати етади, ақли кирди, ақлини танимоқ, ақл-у хушини танимоқ, ақлини емоқ, миясини емоқ, ақли роса, ақли шошди, ақл-у хуши жойига келди, ақл-у хушини йўқотмоқ, ақл ўргатмоқ, ақлини моғор босмоқ** фраземалари структурал ва семантик шаклланади ва нутқда кенг қўлланилади.

**Авж** мавҳум лексемаси билан "кишилар ҳатти-ҳаракатининг юқори даражага кўтарилиши ҳолати"ни ифодаловчи **авжга етмоқ, авжга минмоқ, авжига чиқмоқ, авж олмоқ, авжга чиқармоқ** каби фраземалар ҳосил бўлган.

Кўринадикки, шахс фаолияти ва психикаси билан боғлиқ фраземалар таркибида камида битта мавҳум (абстракт) лексема семантик таянч аъзо бўлиб иштирок этиши ва бу лексемалар шаклланган фразема учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилиши кузатилади.

Қайд этилган фразео-семантик гуруҳларда шахс фаолияти ва психикасининг айрим қирраларигина тадқиқ этилди. Шахс фаолияти ва психикасининг бошқа қирраларининг фразео-семантик ва фразео-



структурал таҳлили алоҳида мавзу сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

### 3.2. Зооним компонентли фраземаларнинг таҳлили

Ҳайвонлар: тулки - айёрлик ва чакқонлик; бўри - очкўзлик ва йиртқичлик; чўчка – очкўзлик; илон - маккорлик, ҳийлакорлик, разиллик, қабихлик; айиқ - мурувватлилик, қўполлик, бесўнақайлик; маймун – номустақиллик; арслон - кучлилик, мурувватлилик, олийжаноблик; қўй - ювошлик ва номустақиллик; чумоли – меҳнаткашлик; эшак – аҳмоқлик; ит - вафодорлик рамзи сифатида шахснинг у ёки бу характери, хулқ-атворини ифодалаганлар. Мазкур зоонимик лексемалар фраземалар таркибида иштирок этиб, уларни ифодавий ва мазмунан шакллантиради.

Ҳайвонлар тимсоли инсон наздида аксарият ҳолларда салбийликни англатгани учун ҳам уларни символлаштириш асосида асосан салбий маъноли фраземалар шаклланади. Шунинг учун ҳам сўкиш, қарғишни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари таркибида ҳайвонлар номини ифодаловчи сўзлар учрайди.

Уй ҳайвонлари номларини ифодаловчи лексемалар фраземалар компоненти бўлади. Уй ҳайвонлари номларининг фразеологик фаоллиги шундаки, улар инсон билан биргаликда ҳаёт кечиради. Уй ҳайвонларининг инсон билан яқинлик томонлари кўп. Ит содиқлик, вафодорлик тимсоли ҳисобланади. Айти шу образ асосида ўзбек тилида қатор фраземалар шаклланган. **Итдай вафодор бўлмоқ** фраземасининг шаклланишида итнинг инсонга бўлган вафодорлик хусусияти асосга олинади. Итга хос бўлган бу хусусият инсонга нисбатан қўлланади ва

бирикма компонентларининг кўчма маъносидан фразеологик маъно юзага келади.

**Итнинг кунини кўрмоқ, итнинг кунини солмоқ, итнинг кунини бошига солмоқ** фраземалари итнинг аянчли яшаш тарзини инсон ҳолатига қиёслаш асосида пайдо бўлиб, оғир аҳволга тушган, жуда кўп қийинчиликларга учраган киши ҳолати ифодаланади. Бу фраземаларда жуда оғир машаққатли, таҳқирлашларни бошидан кечиришга олиб келадиган салбий ишларни амалга оширадиган шахс характери ифодаланади. ... *бўлмагур гаплар билан ранжитгани учун **ит кунини бошига солган, маҳаллани бошига кўтариб, Алининг ўйинини кўрсатиб келган эди.*** (Мирмуҳсин)

**Ит азобида** фраземаси ўта қийналган шахснинг ҳолатини ифода этади: ... *тайинли бир ишора бўлмаганидан кейин Хуринисо винони ичди, лекин **ит азобида** эди.* (А.Қахҳор)

Хулқ-атвори ёқимсиз, совуқ, муомаласи дағал шахснинг характерини ифодалаш учун **ит феъл** фраземаси кенг қўлланилади: *Ҳалитдан **ит феълнингни** ошкор қилмоқчимисан?* (Ойбек)

**Итдан бир суяк қарз бўлиб яшамоқ** фраземаси эса ўта камбағал кишининг қийин аҳволини, яшаш тарзини образли ифодалайди.

**Итдан олиб, итга солмоқ** фраземаси шахснинг сўкиш сўзларини ишлатган ҳолда таҳқирламоқ маъносини ифодалайди: *Анов кунни гадоларини йигиб, яна сени **итдан олиб, итга солибди.*** (А.Мухтор)

**Ичини ит тирнади, ичини ит таталади** каби фраземалар шахснинг ички кечинмаларини, ташвишли ҳолатини ифодалайди. **Итга берсанг ошингни, итлар ғажир бошингни** фраземаси **ит** лексемасининг бировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам, малай, яхшилиқни раво кўрмайдиган, инсон

меҳнатини қадрламайдиган шахс фаолияти образли ифодаланади. **Ит хураp - карвон ўтар** фраземаси бажарилиши лозим бўлган ишга бўлар-бўлмас, асоссиз тўсиқ бўладиган шахсларга нисбатан ишлатилади.

**От** инсоннинг кундалик ҳаёти фаолиятида, уй-рўзғорида, ҳар хил юмушларни бажаришида улов вазифасини бажаради. Отнинг инсон ҳаёти тарзи билан бундай яқинлиги қатор фраземаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган. **Оёғи узангида бўлмоқ, озиқлик от қаримайди, отнинг қашқасидай, отни қамчиламоқ, от солмоқ, от қўймоқ, от билан туяча, той минган от ҳам минади** каби нутқда кўп ишлатилиши билан характерлидир. **Отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик** ёки **отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик** каби фраземалар бўлар-бўлмасга баҳслашаверадиган, мантиқсиз, ўзининг фикрини маъқул қилишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг характерини ифодалайди.

**Отдан тушса ҳам эгардан тушмаслик** - мавқеини йўқотганига карамай, ўзини аввалгидай тутмоқ фраземасининг **Отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик** ёки **Эгардан тушмаслик** каби вариантлари нутқда кўп ишлатилиши билан характерлидир. Масалан: ***Отдан тушса ҳам эгардан тушмай, ўзини бир хил тутди.*** (Саид Аҳмад) ***Кўрдингизми, Давронов отдан тушса ҳам, узангидан тушгани йўқ.*** (И.Раҳим)

**Мушук** лексемаси ҳам фраземаларни шакллантиришда ўзига хос ўринни эгаллайди. Бирикмага тенг **мушугини пишт демаслик, ҳеч қандай озор етказмаслик** маъноли феъл фраземаси ҳамда **мушугини пишт деб бўладими, мушугини пишт деса** каби вариантлар **мушук** лексемасининг семантик асосига қурилган. ... **Ичини мушук таталаяпти, ичини ола мушук тирнаяпти, ичига мушук ютмоқ** каби

фраземалар таркибида **мушук** лексемаси семантик нотаянч лексема сифатида иштирок этади.

**Бузоқ** лексемаси иштирокида эса нутқда кўп қўлланиладиган **аммамнинг бузоғи, аммамнинг бузоғидай, бузоқнинг югургани сомонхонагача, бузоқнинг ҳаққи, номақул бузоқнинг гўштини ебди** каби фраземалар шаклланади. **Қўй** лексемаси билан ҳам нутқда қўлланиш даражаси юқори бўлган **қўйи мингга етди, қўй оғзидан чўп олмаган, қўйдек ювош** каби фраземалар шаклланади. Бунда қўйнинг хислатлари фраземалар учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Туя** лексемаси **туя кўрдингми-йўк, бия кўрдингми - йўк, от билан туяча, игнадек ...ни туядай қилмоқ, оқ туя кўрдингми - йўк, кўк туя кўрдингми - йўк, нонини туя қилмоқ, туя қилмоқ, ҳайт деган туяга дармон, туянинг устига ит қопмоқ, туянинг думи ерга текканда** фраземалари таркибида семантик таянч аъзо сифатида қатнашади.

**Эшак** лексемаси семантик нотаянч аъзо сифатида **иш битгунча, эшак лойдан ўтгунча, иш битиб эшак лойдан ўтгандан кейин, иш битди, эшаги лойдан ўтди** каби фраземаларнинг таркибида қатнашади.

Ёввойи ҳайвонларнинг номларини ифодаловчи лексемалар фраземаларнинг компонентлари бўлади. Ёввойи ёки йиртқич ҳайвон номларини ифодаловчи лексемаларни символлаштириш ҳисобига салбий маъно ифодаловчи фраземалар шаклланади. **Илоннинг салбий белги-хусусиятлари асосида ернинг тагида илон қимирласа билмоқ** фраземаси шаклланиб, ўта сезгир кишилар характерини ифодалайди. **Илон ёғи еган, илоннинг ёғини ялаган, илон пўст ташлайди, илоннинг оёғини санаган, илондай аврамоқ** каби фраземаларнинг

шаклланишида айна шу белги - хусусиятлар мантикий асос бўлиб хизмат қилган ва **илон** лексемаси семантик таянч аъзо бўлиб келади.

**Бўри еб кетармиди?, бўри ейдими?** каби фраземалар **бўри** лексемасининг йиртқичлик маъноси асосига қурилган ва салбий маъноли фраземалар шаклланган.

**Тулкининг айёрлик хислатлари рамзий белгиси асосида тулкилик қилмоқ, тулкидай айёр** каби фраземалар шаклланган бўлса, **арслоннинг кучлилик, кўркмаслик хислатлари рамзий белгиси асосида йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас, арслоннинг ўлиги - сичқоннинг тириги** каби фраземалар ҳосил қилинган.

Қушлар номларини ифодаловчи лексемалар фраземаларнинг нафақат образлилигини, энг муҳими, уларнинг шаклланишини таъминлайди: **қушдай енгил тортмоқ** (варианти: **қуш каби енгил тортмоқ**) фраземаси таркибида **қуш** лексемаси семантик таянч аъзо, **бир кесак билан икки қушни урмоқ, бир ўк билан икки қушни урмоқ** фраземаларида эса семантик нотаянч аъзо сифатида иштирок этади.

**Бедана юриш, бедананинг уйи йўқ, қаерга борса - битбилдик, беданадан кўркқан тарик экмас** каби фраземалар **бедана** лексемасининг семантик асосига қурилган.

**Пашшадан фил ясамоқ, пашшани фил қилмоқ, пашшасини фил қилмоқ** каби фраземалар таркибида **фил** лексемаси семантик нотаянч аъзо сифатида иштирок этади. **Қарға** лексемаси иштирокида **қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, бир кесак билан икки қарғани урмоқ** каби фраземалар шаклланган.

**Чумчук** лексемаси билан биргина **чумчук "пир"** этса, **юраги "шир"** этади фраземаси шаклланган бўлса, **така** лексемаси

иштирокида така бўлсин, сути бўлсин (така бўлсин-у, сут берсин) фраземалари юзага келади.

Шундай қилиб, ҳайвонлар номларини ифодаловчи лексемаларнинг фраземик фаоллиги юқори бўлмаса-да, уларнинг нутқда қўлланиш даражаси анча баланд эканлигини қайд этиш лозим. Зоонимик лексемалар сифат ва равиш лексемалар билан ўзаро боғлашувга киришиб, сифат ва равиш фраземалар шаклланади. Ҳайвонларнинг образини символлаштириш асосида шахс фаолияти ва унинг сифат кўринишларини ифодаловчи фраземалар шаклланади. Зоонимик лексемалар фраземалар учун мантиқий (мотивацион) асос бўлганида шахснинг салбий хусусиятларини ифодаловчи фраземалар юзага келади.

Ўзбек тилида ҳайвонот оламини ифодаловчи лексемалар аксарият ҳолларда салбий маъноли фраземаларнинг шаклланишида компонент сифатида иштирок этади. Бундай фраземалар нутқнинг образлилигини, унинг таъсир қилувчанлик хусусиятини янада оширишга хизмат қилади.

Лексемалар ва эркин боғланмалар фраземаларнинг шаклланиши учун мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. Юқорида эркин боғланмалар фраземаларнинг мантиқий асоси эканлиги ҳақида фикр билдирилди. Ушбу бўлимда лексемалар асосида фразеологик шаклланиш хусусида фикр юритилади.

Тилшуносликда лексемаларнинг фразеологик шаклланиши учун мантиқий асос бўла олиши ҳақида турли мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Л.И.Ройзензон лексемалар эмас, балки синтаксис фразеологик шаклланиш учун "қурилиш майдони" саналади, деб таъкидлайди<sup>1</sup>. Бу мулоҳазага Н.М.Шанский эътироз билдириб,

<sup>1</sup> Ройзензон Л.И. Синтаксис и фразеология. // Проблемы синтаксиса. - Львов, 1963. -С. 49-50.

"синтаксис мавҳум моделлар ва қурилмалар асосига эмас, балки конкрет сўз бирикмаларига асосланади" - деган фикрни ўртага ташлайди"<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, фраземалар эркин бирикмалар сингари ҳаракатчанликка эга бўлмайдиган, гап қурилиши жараёнида фикрнинг талабига қараб ташкил топавермайдиган тил бирлигидир. Шунингдек, фраземалар конкрет тушунчаларни ифодалашдан мавҳум тушунчаларни ифодалашга қараб ҳаракат қиладиган тил ҳодисасидир. Шу маънода фраземалар лексик сатҳдаги комбинациялардан ташкил топади.

Фразеологик шаклланишда алоҳида олинган лексемалар мантиқий асос сифатида қатнашиши мумкин. Бунда фразеологик дифференциация юз беради, яъни сўзнинг маъно асоси (мотивацион асос) бирикманинг шаклланишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, лексеманинг ички бўлиниши асосида фраземалар шаклланади. Фразеологик дифференциацияда бир семемали сўзнинг маъноси бирикма шаклида намоён бўлади. Демак, фразеологик дифференциацияда алоҳида сўзнинг ички бўлиниши юз беради. Бунда янги шакл пайдо бўлади, аммо маъно ўзгармайди. Лексеманинг денотат маъноси бирикмада ҳам сақланади. Масалан, **зарар кўрмоқ** фраземасининг шаклланиши учун **зарарланмоқ** лексемаси мантиқий асос бўлади. **Имзоламоқ** лексемаси эса **имзо чекмоқ** фразеологизми учун мантиқий асосдир. Бунда **зарарланмоқ** ва **имзоламоқ** лексемалари дифференциацияга, яъни ички бўлинишга учрайди. Лексемалар ифодалаган маънолар янги шаклланган фраземалар учун мантиқий асос бўлиб, уларнинг денотатив маънолари фразеологик бирикмада ҳам ифода қилинаверади. Бошқача қилиб айтганда, фразеологик дифференциация жараёнида лексемаларнинг ички парчаланиши асосида янги бирикмали шакл юзага

---

<sup>1</sup> Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. - М., 1986. -С. 75.

келади. Денотатив маъно эса деярли ўзгармайди. Кўринадикки, мантикий асос бўлган лексема ва янги шаклланган фразема орасида маъно жиҳатидан фарқ борлиги сезилмайди. Аммо юзага келган маъно кўчма маъно бўлади. Бунда фраземанинг бир компоненти кўчма маънода қўлланади. Масалан, **оёқланмоқ** лексемасининг мантикий асосига кўра, **оёққа турмоқ** фраземаси шаклланади. Шаклланган фразема **турмоқ** феълининг кўчма маъноси асосига қурилган. **Маъқулламоқ** лексемасининг мантикий асоси **маъқул топмоқ** фраземасининг шаклланишига сабаб бўлади. Бунда **маъқул** лексемаси тўғри маънода, **топмоқ** лексемаси эса кўчма маънода қўлланади. Шу хусусияти билан улар одатдаги сўз бирикмаларидан фарқланади.

Лексемаларнинг мантикий асосига кўра шаклланган фраземаларнинг бир компоненти метафора ёки метонимия йўли билан кўчириш асосида мазмун плани шаклланади. Масалан, "оёқланмоқ" лексемасининг мантикий асосида шаклланган **оёққа турмоқ** фраземасининг мазму плани метонимик кўчирилиш асосида шаклланган бўлса, "терламоқ" лексемасининг мантикий асосига кўра шаклланган **терга пишмоқ** фраземасининг мазмун плани метафорик кўчириш йўли билан шаклланган. Юзага келган бирикмалар фақатгина турғун боғланма бўлиб қолмасдан, балки кўчма маъноли фраземалар ҳисобланади. Лексемага хос бўлган денотатив маъно бирикмада ҳам сақланади, лекин уларнинг шакли ўзгаради, яъни лексема шаклидан бирикма шаклига айланади. Бирикма шаклига қўшилган янги сўзлар (асосан феъллар) янги шаклланган бирикманинг маъносига таъсир кўрсатмайди. Масалан, "ташвишланмоқ" лексемасининг мантикий асосидан **ташвиш тортмоқ** фраземаси ҳосил бўлган. Ибора

---



таркибидаги "тортмоқ" лексемаси бирикманинг денотатив маъносига деярли таъсир кўрсатмайди. Лексема ҳам, бирикма ҳам "ташвишланиш, безовталаниш" каби денотатив маънони ифода қилаверади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шаклланган фраземалар маънони образли ифодалаши билан лексемалардан фарқланади, чунки "тортмоқ" лексемаси кўшилиши билан образлилик, фраземаларга хос хусусиятлар шаклланади.

Ўзбек тилида кўпгина лексемалар фраземаларнинг шаклланиши учун мантиқий асос ролини ўйнайди. Эътибор қилайлик: **жанжаллашмоқ - жанжал кўтармоқ, кинналамоқ - кинна кирмоқ, илдизланмоқ - илдиз отмоқ, кучланмоқ - кучга кирмоқ, озиқлантирмоқ - озиқ бермоқ, озорланмоқ - озор емоқ, рухланмоқ - рухи кўтарилмоқ, саломлашмоқ - салом бермоқ, суқланмоқ - суқи кирмоқ, сўзламоқ - сўз олмоқ, тенглашмоқ - тенг келмоқ** ва б.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, бу каби лексемалар фраземаларнинг шаклланиши учун фақат мантиқий асос бўла олади. Чунки лексемалар иштирокида шаклланган фраземалар ўртасида ўзаро семантик муносабат сақланади, шу билан бирга, лексеманинг ҳам, фраземанинг ҳам мазмун планини шакллантирувчи лексема йўқолмайди, унинг шакли ўзгариб, ўша лексеманинг асоси мазмунан ҳукмрон бўлиб қолаверади. **Тишламоқ - тишлаб олмоқ, ухламоқ - уйқуга кетмоқ, фикрламоқ - фикр юритмоқ** каби фраземаларнинг шаклланиш хусусиятлари фикримизни тасдиқлай олади.

Бот-бот ишлатиб келинаётган **тобланмоқ - тобига етказмоқ, тоқатсизланмоқ - тоқати тоқ бўлмоқ, узмоқ - узиб олмоқ, умидсизланмоқ - умидсизликка тушмоқ, фойдаланмоқ - фойда кўрмоқ, хавотирланмоқ - хавотир олмоқ, шубҳаланмоқ - шубҳага**

тушмоқ, эсламоқ - эсига келмоқ, ўнгламоқ - ўнгидан келмоқ, ўринлатмоқ - ўрнига келтирмоқ, қораламоқ - қорага олиб қўймоқ, кучоқламоқ - кучоқ очмоқ, қўлтиқламоқ - қўлтиғига олмоқ, ғазабланмоқ - ғазабга келмоқ, ғашланмоқ - ғаши келмоқ, хайратланмоқ - хайратда қолмоқ, ҳисобламоқ - ҳисобга олмоқ каби фраземалар ҳам келтирилган лексемаларнинг мантиқий асосига кўра шакллангандир.

1. **Эвфемистик шаклланиш.** Ахлоқий ва маданий жиҳатдан қўлланиши мумкин бўлмаган ёки ноқулай деб топилган тушунчаларни анча юмшоқ тарздаги бирикмалар билан ифодалаш эҳтиёжи асосида ҳам фраземалар шаклланиши мумкин: **Хотин - умр йўлдоши, жуфти ҳалоли** каби; **хотин олмоқ - бошини иккита қилмоқ, турмуш қурмоқ, ола хуржун бўйнига тушмоқ** каби; **бўғоз - оғир оёқли, юкли бўлмоқ** каби; **туғмоқ - фарзанд кўрмоқ, кўзи ёримоқ, болали бўлмоқ** кабилар эвфемистик фраземаларга мисол бўла олади.

Айрим мисолларни кўриб чиқайлик. **Ўлмоқ** лексемасининг мантиқий асосига кўра қатор эвфемистик фраземалар юзага келган. Гарчи илмий матнда мазкур лексема бемалол қўлланаверса-да, уни нутқда ишлатиш маълум даражада ноқулайлик туғдиради. Шунинг учун ҳам **ўлмоқ** лексемаси англаган тушунчани эвфемистик тарзда ифодалаш зарурати туғиладики, пировардида қуйидаги фраземалар шаклланган: **дунёдан ўтмоқ, дунёдан кетмоқ, кўзини юммоқ, оламдан ўтмоқ, оламдан кетмоқ, энгак ташламоқ, нобуд бўлмоқ, қайтиш қилмоқ, юраги уришдан тўхтамоқ, паймонаси тўлмоқ, мазаси бўлмади, жонини жаннатга юбормоқ, жаннати бўлмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, дунёдан кўз юммоқ, дунёдан кўзи очик кетмоқ, вафот қилмоқ, вафот этмоқ, орадан кетмоқ, қазо**

қилмоқ, ҳалок бўлмоқ, жон бермоқ, шаҳид бўлмоқ, худонинг ҳукмини бажармоқ, хазон бўлмоқ кабилар.

"Эрга бермоқ" тушунчасини ифодалаш учун қуйидаги эвфемистик фраземалар шаклланади: **эгасига топширмоқ, куёвга бермоқ, тенгига узатмоқ, бошини боғламоқ, кишисига бермоқ** ва б.

Балоғат, жисмоний етилганлик тушунчасини ифодалаш учун қуйидаги эвфемистик шаклланган фраземалар ишлатилади: **бўйга етмоқ, бўйи чўзилиб қолмоқ, балоғатга етмоқ, кўзга кўриниб қолмоқ, етилиб қолмоқ, бўй етмоқ** кабилар.

Қуйидаги эвфемистик фраземалар турмуш кўрмаганликни англатувчи тушунчани ифодалаш мақсадида шакллантирилган: **боши очик, боши бўш, турмуш кўрмаган, эшик кўрмаган, ўн гулидан бир гули очилмаган** ва б.

2. **Дисфемистик шаклланиш.** Шахснинг ўзига хос хатти-ҳаракатлари, характери, юриш-туриши ва бошқа хусусиятларининг қўпол, вульгар тарзда ифодалаш эҳтиёжи билан ҳам фраземалар шаклланиши мумкин. Эвфемистик шаклланишнинг акси бўлгани учун бу жараёни дисфемистик шаклланиш деб аташ мумкин. Шу асосда шаклланган фраземаларга **ит феъл, эшак мия, товук мия, тош юрак, ит юрак, бир винти кам, иштаҳаси карнай** кабилар мисол бўла олади.

Юқорида "ўлмоқ" лексемасининг мантиқий асосида эвфемистик шаклланган фраземалардан намуналар келтирган эдик. Шу билан бирга, мазкур лексема ифодаляйдиган тушунча қатор қўпол, вульгар бирикмалар билан ҳам ифодаланиши ҳоллари учраб туради. Масалан: **ёстиғи қуриди, жони узилди, жони чиқди, имонсиз кетди, қуни битди, жонини олмоқ, жонини жаҳаннамга юбормоқ** кабилар.

Турмуш кўрмаганликни англатувчи тушунчани кўпол, вульгар бирикмалар билан ифодалаш мақсадида **қаймоғи бузилмаган, эр қилмаган, хотин олмаган, эрга чиқмаган, кўзи очилмаган, тўшак кўрмаган** каби фраземалар шаклланган.

Шундай қилиб, ўзбек тилида кўпгина фраземалар айрим лексемаларнинг мантикий асосига кўра шаклланади. Бунда мантикий асос бўлган лексемалар ва шу асосда шаклланган фраземалар айнан бир денотатив маънони касб этади. Аммо шу тарздаги фраземалар мантикий асос бўлган лексемалардан ўзларининг маъно қирралари ҳамда образли ифодаланиши билан ажралиб туради.

Фраземаларнинг лексемалар асосида шаклланиши билан лексик дифференциация, яъни лексеманинг парчаланиши юз беради ва янги, кенгайган шакл юзага келади.

### 3.3. Соматик компонентли фраземалар

Фраземик шаклланишнинг бу тури айрим лексемаларнинг мантикий асосига, лексемаларнинг интеграцияси, яъни лексемаларнинг ўзаро боғлашуви, бирлашуви туфайли юз беради. От ва отлашган сўзларнинг феъллар билан бирикувидан қуйидаги фраземалар шаклланган: **буюрмоқ - ташриф буюрмоқ; қўймоқ - кўнгил қўймоқ, бўйнига қўймоқ, одам қўймоқ, ихлос қўймоқ, меҳр қўймоқ, муҳаббат қўймоқ; олмоқ - дам олмоқ, авж олмоқ, забтига олмоқ, зиммасига олмоқ, йўл олмоқ; боғламоқ - кўнгил боғламоқ, бел боғламоқ, умид боғламоқ; кўрмоқ - умр кўрмоқ, ёмон кўрмоқ, хуш кўрмоқ, яхши кўрмоқ, зиён кўрмоқ; тутмоқ - кўз тутмоқ, кўзда тутмоқ, эсида тутмоқ; кечирмоқ - бошдан кечирмоқ, дилидан кечирмоқ, кўздан кечирмоқ, фикридан кечирмоқ, хаёлидан кечирмоқ; ташламоқ - гап ташламоқ, кўз ташламоқ, сўз ташламоқ,**

**ўртага ташламоқ, луқма ташламоқ.** Бу хил бирликларнинг мантиқий асоси таркибидаги бирор лексеманинг денотатив маъносига таянмайди ва уларнинг маъноси таркибидаги қисмларнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайди, балки қисмлардан бирининг ёки яхлитлигича кўчма маъноси асосига қурилади.

Соматик лексемалар фраземаларнинг ифодавий ва маъновий шаклланишида салмоқли ўрин тутиши таъкидланди. Шу маънода қуйида фраземаларнинг таркибий ва маъновий шаклланиш жараёнини соматик лексемалар мисолида таҳлил этамиз.

### **1. Қўл соматик лексемаси**

**Қўл соматик лексемаси** фраземик фаол бўлиб, таянч аъзо сифатида турли маъноли ва структурали фраземалар таркибида иштирок этади ва уларни ифодавий ва маъновий шакллантиради. **Қўл** лексемасининг боғлашувлик хусусияти унинг фраземик маъно тараққиётига (фразеологик маъно, фразеологик полисемиягача) таъсир кўрсатади.

**Қўл** лексемаси турли лексемалар билан уйғун тарзда бирика олади ва турли лексик-грамматик гуруҳларга тегишли фраземаларнинг шаклланишида иштирок этади. **Қўл** лексемаси иштирок этган фраземаларнинг аксарияти икки компонентли бўлиб, унинг турли ҳаракат маъноли феъллар билан бирикишидан от+феъл қурилишли фраземалар шаклланади: **қўл бермоқ, қўлга олинмоқ, қўлга кирмоқ, қўлга олмоқ, қўлга темоқ, қўлга тушмоқ, қўлдан бермоқ, қўлдан кетмоқ, қўлдан чиқмоқ, қўлдан ўтказмоқ, қўлига қарамоқ, қўлига қўнмоқ, қўлидан келмоқ, қўлини боғламоқ, қўлини кўтармоқ, қўлини тортмоқ, қўлини қайтармоқ, қўлини ҳалолламоқ, қўл олишмоқ, қўл қўймоқ.** Феъл грамматик таянч компонент вазифасини

ўтаса, **қўл** лексемаси семантик таянч компонент бўлиб, фраземаларнинг мантикий асосини белгилайди. Масалан: *Саудий ҳали ўрнидан туриб улгурмаган эди, Салоҳиддин келиб қўл берди.* (А.Қахҳор) *Зарина ва Севара Ғаниевалар маррага биринчи бўлиб етиб келиб олтин медалларни қўлга киритдилар.* (“Халқ сўзи” газетаси) *Спортчиларимиз дастлабки дақиқалардан бошлаб ташаббусни қўлга олдилар.* (“Миллий тикланиш” газетаси)

Фраземаларнинг грамматик шаклланиши эркин бирикмалардан фарқ қилмаса-да, улар эркин боғланмалардан грамматик қурилишнинг моҳияти билан фарқланади. Фраземаларнинг феъл компоненти ўтимли ёки ўтимсиз семемасида қатнашишига кўра, турли келишик қўшимчаларини олиб шаклланади. **Қўлини тортмоқ, қўлини ҳалолламоқ, қўлини қайтармоқ, қўлини узатмоқ** фраземаларининг феъл компонент ўтимли семемасида қатнашиб, ўзидан олдин воситасиз тўлдирувчи олиб шаклланади. Феъл компонентдан олдинги **қўл** лексемаси тушум келишиги қўшимчасини олади. **Қўлга олмоқ, қўлга тушмоқ, қўлдан ўтказмоқ, қўлдан бермоқ, қўлида ўйнатмоқ** каби фраземаларнинг феъл компоненти ўтимсиз семемасида қатнашиб, **қўл** лексемаси чиқиш, жўналиш, ўрин келишиги қўшимчалари билан шаклланади: *Соф даромадимиз 30 миллион сўмдан ошиб кетди. Қўлимизни қаёққа узатсак етади.* (“Халқ сўзи”) *Қўлимга тушмади, номард. Девор ошиб қочди.* (Парда Турсун)

2. **Қўл** лексемаси иштирокида гапга тенг **қўли бўшади, қўли етади, қўли келади, қўли тегмади, қўли қичияпти, қўли бормади** каби икки компонентли фраземалар эга-кесим муносабатига киришиб, гапга тенг қурилишли таркибга эга бўлади: *Қисқаси, энди унга хат*

*ёзишига кўлим бормади.* (А.Мухтор) *Фуломжон кўли бориб-бормай кун қизигигача пахта терди.* (М.Исмоилий)

3. **Кўли баланд, кўли банд, кўли бўш, кўли гул, кўли енгил, кўли калта, кўли очик, кўли узун, кўли эгри, кўли қисқа** каби фраземалар таркибида **кўл** лексемаси сифат лексемалар билан бирикиб гапга тенг сифат фраземаларни шакллантиради: *Футболчиларимизнинг бу сафар Иордания термаси устидан кўли баланд келди.* (“Халқ сўзи”) *Кўл баланд келганда суюниб, хотиржамликка берилмаслик керак.* (М.Исмоилий)

4. **Кўл** лексемаси иштирокида **кўли кўлига тегмай, кўлидан келганча, кўл учида** каби равиш фраземалар ҳам шаклланган: *Йигит–ялангларнинг кўллари кўлларига тегмай хизмат қилиб юрмоқдалар.* (Ғ.Фулом) *Отаси кўли кўлига тегмай савдо билан шуғулланаркан.* (Ҳ.Нуъмон)

**Кўл** лексемаси қатнашувида **кўли эгри, кўли калта, кўли банд, кўли баланд** каби от фраземалар шаклланади.

**Кўли пул кўрди, кўлига пул тушди, кўли пул кўрмади** каби гапга тенг фраземалар таркибида ҳам **кўл** лексемаси фраземанинг семантик асосини белгилайди. Улар сўзлашувда кенг қўлланади: *Тезроқ-тезроқ узатинглар, ҳеч кўлим пул кўрмайди.* (Сўзлашувдан) *Унинг кўлига пул тушса борми, ўзини йўқотиб қўяди.* (Сўзлашувдан)

## **II. Юрак соматик лексемаси**

**Юрак** лексемаси турли туркумларга тегишли лексемалар билан боғлашувга киришиб, хилма-хил лексик-грамматик гуруҳларга кирувчи фраземаларнинг шаклланишида иштирок этади.

1. **Юрак** лексемаси феъллар билан бирикиб, **юрагини бўшатмоқ, юрагидан урмоқ, юрагини ёрмоқ, юрагини олиб қўймоқ, юрагини**

очмоқ, юрагини сикмоқ, юрагини тирнамоқ, юрагини эзмоқ, юрагини қитиқламоқ каби икки компонентли бирикмага тенг феъл фраземалар шаклланади. **Юрак** лексемаси **бўшатмоқ, урмоқ, ёрмоқ, очмоқ, қўймоқ, сикмоқ, тирнамоқ, эзмоқ, қитиқламоқ** ўтимли феъллари билан боғлашувга киришиб, фраземалар таркибидаги феъл грамматик таянч аъзо сифатида қатнашади. Феъл компонент **юрак** лексемасини бошқаради ва бутун фраземада ҳаракат маъносини реаллаштиради. **Юрак** лексемаси фразема учун семантик, мантиқий асос бўлади. Масалан: *Бу гапларни шу вақтгача ҳеч кимга айтолмай ,тўлиб-тошиб юрган эдим. Юрагим бўшади.* (А.Қаҳҳор) *Бу бор жойда ҳеч ким зерикмас эди. Бугун мум тишлаб қолди. Ёки юрагидан урдимикан?* (Ойдин) *Сездим - уни олиб кетдилар, юрагим ёрилай деди.* (И.Раҳим) *Ғуложонни бу ерга юрагини тирнаб турган бир бадбахтлик келтирган эди.* (М.Исмоилий)

Икки компонентли гапга тенг **юраги ачиди, юраги безиллайди, юраги ботинмади, юраги бўшади, юраги жизиллади, юраги куйди, юраги очилди, юраги сиқилди, юраги эзилди, юраги пўккиллади, юраги типирчилади, юраги увушди, юраги ўйнади** феъл фраземалари **юрак** соматик лексемаси ва феъл лексемасининг боғлашуви асосида шаклланади. **Юрак** лексемаси мустақил маъноли лексемалар билан бирикади.

**Юрак** лексемаси уч компонентли фраземаларнинг мантиқий асоси бўлиб, **юрагига ваҳима солмоқ, юрагига ўт ёқмоқ, юрагига ўй солмоқ, юрагига ғулғула солмоқ, юрагидан сидириб ташламоқ** бирикмага тенг феъл фраземалар шаклланади. Фраземалар таркибидаги **юрак** лексемаси ўтимсиз феъллар билан бирикиб, жўналиш, чиқиш келишиклари қўшимчалари билан шаклланади.



**Юрак** лексемаси иштирокида **юрагига қил сиғмайди, юраги орқасига тортиб кетди, юраги чапак чалиб юборди, юраги қинидан чиқа ёзди** каби уч компонентли гапга тенг қурилишли фраземалар ҳам шаклланади:

**Юрак** соматизми *тор, кенг, қора, тоза, покиза, ғаш, соф, хира, хун* каби сифатлар билан бирикиб, **юраги тор, юраги кенг, юраги қора, юраги тоза, юраги покиза, юраги ғаш, юраги соф, юраги хира, юрак-бағри хун** сифат фраземаларни шакллантиради. Фраземалар таркибидаги компонентларининг ўзаро боғлашуви эга-кесим муносабатида бўлиб, қурилишига кўра гапга тенг бўлади.

Фраземалар таркибида сифатлашган лексемалар ҳам иштирок этиб, **юраги тош, юраги қон, юраги дарё, юрагида ўти бор, юрагида ўти йўқ** каби фраземалар шаклланади.

**Юрак** соматик лексемаси иштирокида: а) сифатловчи-сифатланмиш муносабати асосидаги бирикмага тенг бўлган **қон бўлган юраклар, эзилган юраклар, сиқилган юраклар, олдириб қўйган юраклар**; б) қаратувчи-қаралмиш муносабати асосида **юрак ғаши, юрак ўйнаши, юрак бетлаши** каби от фраземалар ҳам шаклланган.

**Юрак** компонентли фраземаларнинг феъл лексемасига равишдош ясовчи қўшимчаларни қўшиш билан **юрагини ҳовучлаб, юрак ютиб, юраги ёрилгудай бўлиб, юрагини ҳовучлаганча** каби равиш фраземалар шаклланади.

**Юрак** - инсон танасининг энг муҳим аъзоси; инсоннинг ҳис-ҳаяжони, ички кечинмалари юрак орқали ҳис қилинади ва образли ифода этилади. Шу туфайли **юрак** лексемаси фраземалар таркибида фаол иштирок этиб, уларни ифодавий ва маъновий шакллантиради.

### **III. Кўз соматик лексемаси**

Ўзбек тилининг фразеологик бойлигида кўз соматик лексемаси иштирокида шаклланган фраземалар сонининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. "Ўзбек тилининг фразеологик луғатида" мазкур лексема асосида шаклланган 59 та фразема (вариантларисиз) қайд этилган бўлиб, қатор индивидуал-муаллиф фраземалари эса "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да ўз ифодасини топмаган. Далилларнинг ўзиёқ ўзбек тили фраземалари таркибида кўз лексемаси фаол иштирок этишини тасдиқлаб турибди.

1. Кўз соматизми феъл лексема билан бирикиб, икки компонентли бирикмага тенг кўзини боғламоқ, кўзини бўямоқ, кўзини олиб қочмоқ, кўзини олмоқ, кўзини очмоқ, кўзини чалғитмоқ, кўз олайтирмоқ, кўз юммоқ, кўз ташламоқ, кўз тикмоқ, кўз уриштирмоқ, кўз югуртирмоқ, кўз қисмоқ, кўзга илинмоқ, кўзга суртмоқ, кўзга ташланмоқ, кўзга тушмоқ, кўзга чалинмоқ, кўзга яқин бўлмоқ, кўздан йўқолмоқ, кўздан кечирмоқ, кўзда тутмоқ каби феъл фраземалар шаклланади. Кўз лексемаси тўғри маънода, феъл аъзо эса кўчма маънода қўлланиб, фразеологик маъно юзага келади. Фразеологик маъно эса "кўз" лексемасининг мантиқий асосига қурилган феъл фраземаларни шакллантиради: *Тилини мойлаб, кўзингни бойлаб, уйингга кириб олгач, додингни бермасмикин.* (И.Раҳим) *Уялмадингизми халқнинг кўзини бўягани?* (С.Анорбоев) *Кўй, йиғиштир энди, кўзингни олдириб қўйма тагин.* (А.Мухтор) *Муслимов ундан кўзини олиб қочар эди.* (П.Қодиров) *Шерматов қозоздан кўзини олиб, Азимжон билан Салимовга қаради.* (Х.Нуъмон) *Уччови ҳам орқангиздан кўз олайтириб, ит қараши қилиб қолди.* (П.Турсун) *Жалилов ётган ерида Нусратга бир кўз олайтириб қаради.* (С.Назар) *Маҳкам узун*

*сатрларга кўз югуртира бошлади.* (П.Қодиров) *Марҳамат атрофидаги болаларга кўз югуртириб олди.* (Ҳ.Назир)

2. **Кўз** соматизми сифат ва феъл аъзолар билан бирикиб, уч аъзоли бирикмага тенг қурилишли **кўзига иссиқ кўринмоқ, кўзига совуқ кўринмоқ** каби фраземалар шаклланади: *Кўзимга иссиқ кўринасан, қаерликсан, ўғлим?* (А.Мухиддин) *Келинига, сал ўтмай ҳамманинг кўзига иссиқ кўриниб қолди.* (С.Назар)

3. **Кўз** лексемаси от ва феъл билан бирикиб, **кўзига чўп бўлмоқ, кўзига чўп солмоқ, кўзининг ёғини емоқ, кўзини кўзига тикмоқ, кўзларининг оқини ўйнатмоқ, кўзининг қирини ташламоқ** каби феъл фраземалар шаклланади: *Ҳатто шундоқ деб уйдагиларнинг ҳам кўзига чўп солиб юрган.* (Ҳ.Назир)

4. **Кўз** лексемаси равиш ва феъл билан бирикиб **кўзига ўтдай кўринмоқ, кўзига тик қарай олмаслик, кўзини мошдек очмоқ** каби фраземалар шаклланади.

5. **Кўз** соматизми билан гапга тенг қурилишли **кўзи етди, кўзи илинди, кўзи ёриди, кўзи илғади, кўзи кўрди, кўзи юмилди, кўзи пишиди, кўзи тинди, кўзи тушди, кўзи тўймайди, кўзи ўйнади, кўзи қиймади, кўзни олади, кўз тегди, кўз қорайди** каби икки компонентли феъл фраземалар шаклланади. Шаклланиш жараёнида **кўз** лексемаси мантиқий асос бўлиб хизмат қилади. *Кўз тегмасин. Ажойиб келингинам бор-да...* (С.Абдулла) *Шу аснода Газлидан ўтиб кетиб қолишга кўз қиймади.* (И.Раҳим) *Сизни кўзим қиймайди, сиздан узоқлашгим келмайди.* (Ойбек) *Қувонади, қараб кўзи тўймайди.* (А.Мухтор)

6. **Кўз** соматик лексемаси иштирокида уч ёки ундан ортиқ аъзоли шаклан гапга тенг **кўзига ёш келади, кўзидан ёш чиқади, кўзига қон**

тўлди, кўзидан ўт чиқиб кетди, кўз кўзга тушди, кўзи кўр, қулоғи кар бўлди, кўзини ёғ босди, кўзи мошдек очилди каби фраземалар шаклланади. Кўз лексемаси асосан от ва феъл лексемалар билан ўзаро бирикади: кўзини шира босди, кўзи ола-кула бўлиб кетди, кўзи тўрт бўлди, кўзи уйқуга кетибди, кўзларидан қон томарди, кўзларининг пахтаси чиқди, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди, кўз олди қоронғилашди кабилар. Фраземаларнинг таркибида асосан мустақил лексемалар иштирок этади.

7. Кўз лексемаси сифат лексема билан бирикиб, икки аъзоли бирикмага тенг сифат фраземалар ҳосил бўлади: кўзи кўр, қулоғи кар, кўзи оч, кўзи очик, кўзи тириклигида, кўзи тор, кўзи тўқ, кўзи ўткир, кўзга кўринарли кабилар.

8. Кўз лексемаси равиш ёки равиш ўрнида келган сўзлар билан бирикканда гапда кўпинча равиш вазифасида қўлланадиган фраземалар шаклланади: кўзи бежо, кўз илғамас, кўзи така-пука, кўз очиб кўрган, кўз қорачиғидек, кўзини бакрайтириб, кўз қорасидек, кўз қири билан, кўз ўнгида, кўз тагидан, кўз очиб юмгунча, кўзи тўрт бўлиб, кўзини шамғалат қилиб, кўз узмай кабилар.

9. Кўз лексемаси от лексема билан бирикиб, кўзининг оқ-у қораси, кўз қорачиғи, очилган кўзи, тиккан кўзлар, кўз қири каби от фраземалар шаклланади. От фраземалар асосан сўз бирикмаси шаклида тенг бўлади.

#### **IV. Бош соматик лексемаси**

Бош соматик лексемаси иштирокида турли семантик, лексик-грамматик гуруҳларга тегишли ва турли қурилишли фраземалар шаклланган .

1. **Бош** соматизми феъллар билан бирикиб, **бошига етмоқ, бошига келмоқ, бошига кўтармоқ, бошига солмоқ, бошга тушмоқ, бошига урмоқ, бошига чиқиб олмоқ, бошидан кечирмоқ, бошидан ошиб ётмоқ, бошидан чиқармоқ** каби икки ёки уч компонентли феъл фраземалар шаклланади. Фраземалар таркибидаги феъл ўтимли ва ўтимсиз семемасида қатнашишига кўра, фраземанинг "бош" компоненти тушум, жўналиш, чиқиш келишиклари қўшимчалари билан бирикиб, бирикмага тенг қурилишли фраземаларни юзага келтиради: **бошини бермоқ, бошини боғламоқ, бошини букмоқ, бошини оғритмоқ, бошини силамоқ, бошини тутмоқ, бош кўтариб юрмоқ, бош кўтармоқ, бошини қовуштирмоқ, бош суқмоқ, бош тортмоқ, бош чайқамоқ, бош эгмоқ, бош қотирмоқ, бош қўшмоқ** кабилар.

2. **Бош** соматизмининг феъллар билан бирикуви натижасида икки компонентли гапга тенг қурилишли феъл фраземалар шаклланади: **боши айланди, боши балога қолди, боши букилди, боши чиқмади, боши шишди, боши қотди** кабилар.

3. **Бош** соматизми билан уч ва ундан ортиқ компонентли **боши** билан шўнғиб кетмоқ, боши билан кириб кетмоқ, бошга битган бало бўлмоқ, бошга битган офат бўлмоқ, бошга бошвоқ қилармиди, бошига сув қўймоқ, бошида ёнғоқ чакмоқ, бошида тош чакмоқ, бошида тегирмон тоши юргизмоқ, бош кўтариб юролмай қолмоқ, бошини хам қилмоқ, бошларини бир жойга қовуштирмоқ каби бирикмага тенг феъл фраземалар шаклланади.

4. **Бош** соматизми сифат ёки сифатлашган лексемалар билан бирикиб, сифат фраземалар шаклланади: **боши боғлиқ, боши кал бўлса хам, кўнгли нозик, боши омон, боши очик, боши тошдан, боши қоронғи, бош оғриқ** каби сифат фраземалар шаклланади.

5. **Бош** соматизмининг от ва отлашган сўзлар билан бирикувидан от фраземалар шаклланган: **бош оғриқ, эгилмаган бош, бошининг говлаши, боши берк кўча** каби.

6. **Бош** соматизми равиш ва равишлашган лексемалар билан бирикиб, **бошдан оёқ, бошига қилич келса ҳам, бошидан ошиб, боши ёстиққа етганда, бошини олиб, бош устига, бош қашигани** каби бирикмага тенг қурилишли равиш фраземалар шаклланади.

#### **V. Оёқ** соматик лексемаси

**Оёқ** соматик лексемаси феъллар билан бирикиб, турли қурилишли феъл фраземаларни шакллантиради: **оёғини билиб босмоқ, оёғини тираб олмоқ, оёғини тортмоқ, оёғини узмаслик, оёғини чакки босмоқ, оёғини узатмоқ, оёқдан қолмоқ, оёғидан тортмоқ, оёққа босмоқ, оёғига йиқилмоқ, оёғи сийраклашди, оёғи тийилди, оёғи тортмади** кабилар

#### **VI. Оғиз** соматик лексемаси

**Оғиз** соматизми иштирокида **оғзини очмоқ, оғзини пойламоқ, оғзини юммоқ, оғзини мойламоқ, оғзига келмоқ, оғзига тушмоқ, оғзига урмоқ, оғзига қоқмоқ, оғзидан гулламоқ, оғзидан тушмаслик** каби фраземалар шаклланган.

#### **VII. Юз** соматик лексемаси

**Юз** соматизми билан: **юз ўгирмоқ, юзга солмоқ, юзга айтмоқ, юзига гапирмоқ, юзига қарай олмаслик, юзи қизарди, юзини ерга қаратмоқ, юзи ёруғ, юзи ёруғ бўлди, юзи шувут бўлди** каби фраземалар ҳосил бўлган;

#### **VIII. Тил** соматик лексемаси

Тил соматик лексемаси асосида тилини боғламоқ, тилини билмоқ, тил бириктирмоқ, тилга келмоқ, тилга кўчмоқ, тилини бир қарич қилмоқ, тилининг учида турмоқ каби фраземалар шаклланган;

#### **IX. Қулоқ соматик лексемаси**

Қулоқ соматизми иштирокида қулоқ бермоқ, қулоқ солмоқ, қулоқ осмоқ, қулоғини бураб қўймоқ, қулоғини пишитмоқ, қулоғини тиккайтормоқ, қулоғини ушлаб кетмоқ, қулоғини тишламоқ, қулоғига етмоқ, қулоғига чалинмоқ, қулоғига қўймоқ, қулоқдан қолмоқ, қулоқларини қоматга келтирмоқ, қулоғини динг қилмоқ, қулоғини батангга келтирмоқ, қулоғи пишиди каби фраземалар юзага келган.

#### **X. Бурун соматик лексемаси**

Бурун соматик лексемаси иштирокида бурнидан чиқмоқ, бурнидан булоқ бўлиб чиқмоқ, бурнини ерга ишқамоқ, бурнини кўтармоқ, бурнини суқмоқ, бурнини тишламоқ каби фраземалар ҳосил бўлган.

**XI. Бўйин** соматик лексемаси бўйин соматизми билан бўйин бермаслик, бўйин товламоқ, бўйин эгмоқ, бўйнига олмоқ, бўйнига қўймоқ, бўйнидан соқит қилмоқ, бўйнини хам қилмоқ каби фраземалар шаклланган;

#### **XII. Суяк соматик лексемаси**

Суяк соматизми билан суяк сурмоқ, суяк-суягига ботиб кетмоқ, суягидан ўтиб кетмоқ, суяги қотди каби фраземалар ҳосил бўлган.

#### **XIII. Ўпка соматик лексемаси**

Ўпка соматизми иштирокида ўпкасини босолмаслик, ўпкасини тутолмаслик, ўпкасини оғзига тикилтирмоқ, ўпкасини

қўлтиқламоқ, ўпкаси кўринади, ўпкаси томоғига тиқилди каби фраземалар шаклланган.

#### **XIV. *Тери* соматик лексемаси**

Тери соматизми иштирокида терисига сиғмай кетмоқ, терисига сомон тикмоқ, терисини шилмоқ каби фраземалар юзага келган.

#### **XV. *Тирноқ* соматик лексемаси**

Тирноқ лексемаси билан тирноқ орасидан кир изламоқ, тирноқ юзини кўрмаслик, тирноқ кўрмаслик, тирноққа зор бўлмоқ, тирноғига ҳам арзимаслик каби фраземалар ҳосил бўлган.

#### **XVI. *Тиш* соматик лексемаси**

Тиш соматизми билан тишга тегмоқ, тишининг кирини сўрмоқ, тишининг оқини кўрсатмоқ, тишини тишига қўймоқ, тишини ғижирлатмоқ, тиши тишига тегмайди, тиши ўтмайди каби фраземалар шаклланган.

#### **XVII. *Томоқ* соматик лексемаси**

Томоқ соматик лексемаси билан: томоқ қоқмоқ, томоқдан ўтмаслик, томоғини қирмоқ, томоғи таққилади каби фраземалар юзага келган.

#### **XVIII. *Кўкрак* соматик лексемаси**

Кўкрак соматизми билан кўкрагига урмоқ, кўкрагидан итармоқ, кўкрак кермоқ, кўкрагига ўт қўймоқ, кўкрагига шамол тегди, кўкраги тоғдай кўтарилди каби фраземалар шаклланган.

#### **XIX. *Жағ* соматик лексемаси**

Жағ соматизми билан жағида жағ қолмади, жағи очилди, жағи тинмади каби фраземалар ҳосил бўлган.



**XX. Жигар** соматизми иштирокида **жигардан урмоқ, жигар-бағридан урмоқ, жигар-бағри хун бўлди, жигар-бағри эзилди** каби фраземалар юзага келган.

Соматик лексемалар иштирокида тўрт лексик-грамматик гуруҳга тегишли: от, сифат, феъл, равиш фраземалар шаклланади. Соматик лексемалар ёрдамида гапга тенг ва бирикмага тенг қурилишли фраземалар ҳосил бўлиб, соматик лексемалар эса шаклланган фраземаларнинг мантиқий асосини ташкил этади.

Соматик лексемаларнинг иштирокида шаклланган фраземалар шахснинг ҳолатини, сифатий кўринишларини, муносабатини, унинг ички кечинмаларини ифода этади. **Бош, юрак, қўл, оғиз, юз, кўз** каби соматик лексемалар иштирокида барча тўрт лексик-грамматик гуруҳлар (феъл, сифат, равиш, от)га тегишли фраземалар шаклланади.

Соматик лексемалар ёрдамида, асосан, феъл фраземалар шаклланган. **Тирноқ, тери, ўпка, бўйин, суяк** каби соматик лексемалар воситасида фақат феъл ва равиш фраземалар шаклланиб, сифат ва от фраземалар эса шаклланмайди. Фраземаларнинг номинативлик вазифасидан кўра тасвирийлик вазифаси устун эканлиги учун ҳам от фраземалар кам шаклланади.

## И Б О Б

### СИФАТ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

Ўзбек тили фразеологик тизимида от, феъл таркибли фраземалар миқдори жиҳатидан кўплиги билан ажралиб турса-да, сифатларнинг ҳам фразеологик шаклланишдаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш тилшунослик нуқтаи назардан муҳим аҳамият касб этади. Тилимиздаги **ичи қора, оқ кўнгил, юраги қора, феъли кенг, турки совук, кўнгли пок, қалби пок** каби фраземалар шахснинг хусусиятини ифода этиши билан ўзаро бир гуруҳга бирлашади. Юқоридаги фраземалар таркибида иштирок этаётган сифат лексемалар фраземаларнинг семантик ва структуравий шаклланишида асосий таянч компонент бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, сифат ўзгармайдиган туркум бўлиб, унга сон ва келишик категориялари хос эмас: сифат сўзшаклга тўғридан- тўғри битишув йўли билан боғланади. Сифат фраземалар гапда асосан сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади.

Тадқиқотлар фраземаларнинг шаклланишида семантик таянч компонент вазифасида, асосан, аслий сифатлар ишлатилишини кўрсатади.

Таҳлил натижаларидан аслий сифатларнинг ранг-тус ва шакл-ҳажми билдирувчи маъновий гуруҳларига оид лексемалардан фраземаларни шакллантиришда кенг фойдаланилганлиги маълум бўлди. Қуйида уларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

#### **4.1. Ранг-тусни ифодаловчи лексемалар**

Маълумки, ўзбек тилида ранг-тусни ифодалаш мақсадида кўплаб лексемалар ишлатилади. Бироқ уларнинг барчаси воситасида фраземалар шаклланавермайди. Сифат компонентли фраземаларнинг ҳосил бўлишида қуйидаги ранг-тусларни ифодаловчи лексемалар қатнашди:

**Оқ** лексемаси. **Оқ** лексемаси предметнинг ранг-тусини, белгисини билдириши билан фразема таркибида иштирок этиб, бошқа окказионал маъноларни ҳам ифода этади. **Оқ** лексемаси асосан от туркумига тегишли сўзлар билан бирикиб, турли маъноли фраземаларни шакллантиради. **Оқ кўнгил** фраземаси таркибида **оқ** лексемаси **покиза, беғубор** семаси қатнашиб, шахснинг **яхши ниятли, бошқаларга ёмонликни раво кўрмайдиган, тўғрилик, ёмонликни билмаслик** маъноларини шакллантиришда таянч компонент бўлади. Маълумки, ўзбек халқи оқ рангга яхшилик тимсоли сифатида қарайди. Шу асосда мазкур лексема ёрдамида асосан ижобий маъноли фраземалар шаклланган: **оқ йўл, оқ ният, оқ пешона, оқ фотиҳа** ва бошқалар. Мисоллардан сифат лексемаларнинг кўпинча от лексемалар билан боғлашувга киришганлиги аён бўлмоқда. Шу билан бирга **оқ-билак, оқ подшо** каби фраземик бирикмалар ҳам мавжудлигини ва уларнинг сони камлигини қайд этамиз.

**Оқ** лексемаси қатнашган фраземалар таркибида от ва феъллар ҳам иштирок этиб, феъл фраземалар ҳосил қилинганлигини қуйидаги мисоллар тасдиқлайди: **оқ билан қорани ажратмоқ-яхшини ёмондан, фойдани зарардан фарқламоқ; оқ билан қорани билмоқ; оқи оққа, қизили қизилга ажралди** – бўйи етди, ёши катта бўлиб қолди, балоғатга етди, кўхликкина бўлди; **оқ йўл** – сафарга чиқаётган шахсга нисбатан яхши ният билдириш; **оқни оққа, қорани қорага ажратмоқ** –

яхшини яхши деб, ёмонни ёмон деб кўрсатмоқ; **оқни оқ, қорани қорани қора демоқ** – ҳақиқатни айтмоқ маъноли фраземалар таркибида эса **оқ** лексемаси “пок”, “тўғрилиқ”, “адолат” семаларида иштирок этиб, фраземалар маъносини шакллантиришда таянч компонент вазифасида қатнашади.

**Оқни қора демоқ** - ёлғон гапириш, ҳақиқатга тескари сўзлаш маъноли; **оқ юзига қора сурмоқ** – ноҳақ равишда бадном қилишга уринмоқ маъноли фраземалар таркибида эса **қора** лексемаси таянч компонент бўлиб, **ёлғон, бўхтон** семалари билан иштирок этмоқда. Қайд этиш лозимки, **оқ** лексемали фраземалар нутқда қўлланиш даражаси юқори эканлиги билан характерланади. Шахс характеридаги одоб-ахлоқ, ижобий сифатларни, хурсандлик, мамнунлик ҳолатини, халқнинг покиза, беғубор ниятини кўрсатиш мақсадида ҳамда ҳалоллик каби ижобий хислатларни ифодалаш учун **оқ** лексемасидан фойдаланилади.

**Қора** лексемаси иштирокида, асосан, салбий маъноли фраземалар шаклланган. Чунки бу ранг-тус ёмонлик тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун бу лексема ёрдамида шахснинг салбий характерини ифодаловчи фраземалар шаклланган: **ичи қора, ичи қоралиқ, кўнгли қора, кўнгли қоралиқ, юраги қора, қора юрак, қораси ўчди, қора кун, қора юз, қора қиш, қора куч, қора чизик тортмоқ, қора рўзғор** кабилар. **Қора** лексемаси фраземалар таркибида предметнинг рангини кўрсатмайди, балки кўчма маънода қўлланиб, шахс характеридаги мунофиқлик, ғаламислик, ғийбатчилик, бераҳмлиқ каби салбий хислатларни эмоционал - экспрессив ва образли ифодалашда қўлланади. Масалан, **ичи қора** лексемаси **ич** сўзи билан бирикиб, салбий семада қўлланади. Қуйидаги мисоллар фикримизни далиллайди: **қора кун** - азоб,

укубатли,фожиали давр маъноли фразема таркибида **қора** лексемаси **қайғу, қоронғулик** семасида қатнашмоқда: **қора саҳифа** – қайғу, фожиали воқеаларни ифодаловчи саҳифалар маъноли фразема таркибида қайғу, фожиа семасида иштирок этади; **қора либос** – қайғули кунларда кийиладиган либос маъноли бирикмада **қора** лексемаси **мотам** семасида қўлланилган.

**Сарик чақалик, сарик чақага арзимаслик** фраземалари таркибида **сарик** лексемаси ўзининг **арзимас** семаси билан қатнашмоқда.

#### **4.2. Шакл ва ҳажмни ифодаловчи сифат лексемали фраземалар**

Ўзбек тилида ҳажмни ифодаловчи лексемалар ёрдамида ҳам қатор фраземалар шаклланган. Буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

**Кенг** лексемаси фразема таркибида нотаянч аъзо сифатида қуйидаги фраземаларнинг шаклланишида иштирок этади: **кўнгли кенг, феъли кенг, юраги кенг, юраги дарёдай кенг** кабилар. Кўринадики, бу лексема ёрдамида кишиларнинг у ёки бу характери ва хислатларини ифодаловчи фраземалар шаклланган.

**Очиқ** лексемаси фраземалар таркибида нотаянч лексема сифатида иштирок этиб, унинг ёрдамида, асосан, ижобий маъноли фраземалар шаклланган. Мазкур лексема от лексема билан боғлашувга киришиб, от ва сифат фраземаларни ҳосил қилади: **кўзи очиқ, кузи очиқлигида, кўзи очиғида** (булар кишиларнинг яшаш фаолияти билан боғлиқ сифат фраземалардир); **кўнгли очиқ, очиқ кўнгил, очиқ кўнгилли, очиқ чехрали, очиқ юзли, очиқ қўлли, чехраси очиқ, қўли очиқ, юзи очиқ** (булар кишиларнинг ижобий характерини ифодаловчи фраземалардир).

Шунингдек, **орани очик қилмоқ** каби феъл фраземалар ҳам шаклланади.

**Паст** лексемаси иштирокида **пастга урмоқ** ва **эси паст** каби фраземаларгина шаклланган.

**Узун** лексемаси ёрдамида салбий маъно ифодаловчи **тили узун, қўли узун** каби фраземалар шаклланган.

**Чуқур** лексемаси иштирокида **елкасининг чуқури кўрсин, елкасининг чуқури** ҳам **кўрмасин** каби кам миқдордаги фраземалар шаклланган.

**Юқори** лексемаси билан **юқори келмоқ, қўли юқори бўлди, қўли юқори келди** каби фраземалар ясалган.

**Қисқа** лексемаси билан кишиларнинг чор-ночор аҳволи билан боғлиқ **қўли қисқа, қўли қисқалик қилди** каби маъноларни ифодаловчи фраземалар пайдо бўлган.

**Калта** лексемаси воситасида ҳам кишиларнинг чор - ночор аҳволини англатувчи **қўли калта, қўли калта бўлди** каби феъл фраземалар шаклланган.

**Катта** лексемаси билан нутқда бот-бот қўлланадиган **катта гап, катта гапирмоқ, катта кетмоқ, катта оғиз** каби фраземалар ҳосил бўлган.

**Оғир** лексемаси иштирокида кишиларнинг сифат кўринишларини ифодаловчи **оғир оёқ, оғир табиат, табиати оғир** каби фраземалар юзага келтирилган.

**Пишиқ** лексемаси ҳам кишиларнинг сифат кўринишларини ифодаловчи **зуваласи пишиқ, жуссаси пишиқ** каби фраземалар таркибида қатнашган.

**Пок** сифат лексемаси билан кишиларнинг ижобий характерини, уларнинг хусусиятини билдирувчи **кўнгли пок, қалби пок, юраги пок** каби сифат фраземалар пайдо бўлган.

**Пуч** лексемаси билан фақат феъл фраземалар шаклланади: **пучга чиқармоқ, пучга чиқмоқ, қўйини пуч ёнғоқ билан тўлдирмоқ** ва б.

**Совуқ** лексемаси билан фақат салбий маъноли **афти совуқ, истараси совуқ, сўхтаси совуқ** каби сифат фраземалар; **кўзига совуқ кўринмоқ, қўлини совуқ сувга урдирмаслик** каби феъл фраземалар шаклланган.

**Соф** лексемаси воситасида ижобий маъно ифодаловчи **соф дил, соф диллик, соф кўнгил, соф юрак** каби от фраземалар, **соф кўнгилли, юраги соф сингари** сифат фраземалар юзага келтирилган.

**Тоза** лексемаси иштирокида кишиларнинг ижобий характерини ифодаловчи, нутқда кенг қўлланувчи **кўнгли тоза, юраги тоза** каби сифат фраземалар шаклланган.

**Тор** лексемаси билан салбий характерларни ифодаловчи **феъли тор, юраги тор, кўзи тор** каби сифат фраземалар, **дўпписи тор келмоқ** каби феъл фразема пайдо бўлган.

**Хира** лексемаси билан, асосан, кишиларнинг хафалик кайфиятини характерловчи **дилини хира қилмоқ, кўнглини хира қилмоқ, кўнгли хира бўлди, табиатини хира қилмоқ, таъбини хира қилмоқ** каби феъл фраземалар; **таъби хира, юраги хира** каби сифат фраземалар; **дили хиралик, кўнгил хиралик, хира кўнгил, хира юрак** каби от фраземалар шаклланган.

**Хом** лексемасидан нутқда кенг қўлланадиган **арпасини хом ўрдими?, чучварани хом санамоқ** каби феъл фраземаларни ҳосил қилишда фойдаланилган.

**Қаттиқ** лексемаси билан салбий маъноли **бағри қаттиқ, кўнгли қаттиқ** каби сифат фраземалар; **сўзида қаттиқ турмоқ, қаттиқ турмоқ, қаттиққўл бўлмоқ** сингари феъл фраземалар шаклланган.

**Қисик** лексемаси билан киши характерини тавсифловчи **тилини қисик қилмоқ, тили қисик бўлди** каби феъл фраземалар, **тили қисик** каби сифат фразема ҳосил бўлган.

**Аччиқ** сифат лексемаси иштирокида кишиларнинг вазоҳати билан боғлиқ **аччиғидан тушмоқ, аччиғи келди, аччиғини келтирмоқ, аччиғи чиқди, аччиғи қистади, аччиқ қилмоқ, аччиғи бурнининг учида туради** каби феъл фраземалар ва **аччиқ устида** каби равиш фразема пайдо бўлган.

**Енгил** лексемаси билан **енгил тортмоқ, қушдек енгил тортмоқ** каби феъл фраземалар шаклланади.

**Иссиқ** сифат лексемаси билан **истараси иссиқ, ситораси иссиқ, юлдузи иссиқ** каби сифат фраземалар ҳамда **кўзига иссиқ кўринмоқ** феъл фраземаси шаклланган.

**Бўш** лексемаси **кўнгли бўш** сифат фраземаси таркибида ишлатилади.

Кўринадики, сифат лексемалар фраземаларнинг шаклланишида соматик лексемалар каби фаол эмас. Сифат лексемалар ичида ранг-тусни билдирувчи лексемалар бир қадар фаолроқдир.

Сифат лексемалар фраземалар таркибида от ва феъл лексемалар билан боғлашувга киришади. Улар иштирок этган фраземалар лексик-грамматик табиатига кўра сифат ва феъл фраземалардан иборатдир.

Сифат лексемалар иштирокида, асосан, кишиларнинг характери ва хусусиятини ифодаловчи фраземалар шаклланади.



## Ш Б О Б

### ФЕЪЛ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

#### 5.1. Феъллар фраземаларнинг компонентлари сифатида

"Феълларда уюштирувчилик хусусияти кучли бўлиб, кўпинча бошқа сўзларни ўзига эргаштириб, уни бошқариб келади"<sup>1</sup>. Феълларнинг бу хусусияти фраземаларда ҳам ўз аксини топган. Ўзбек тилшунослигида феъл фраземаларнинг боғлашувлик хусусияти атрофлича ёритилган<sup>2</sup>. "Боғлашув асли барча туркум лексемаларга хос, лекин феълда энг кучли"<sup>3</sup>. Феълларнинг нутқ элементларини бирлаштирувчилик хусусияти ўзбек тилида "ибораларнинг асосий қисмини феъл фразеологик иборалар ташкил қилиши"<sup>4</sup>ни таъминлайди. Феъллар фраземалар таркибида грамматик таянч аъзо сифатида қатнашиб, уларнинг категориал қарашлилигини белгилайди. Феълнинг бошқарувлик хусусияти кўплаб феъл фраземаларни шакллантиради.

Феъл лексемалар ичида ҳаракат, чақириқ, ҳис-ҳаяжон ва эмоцияни ифодаловчи феъллар фразеологик фаол ҳисобланади. Тўпланган лисоний материаллар, айниқса, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи феъл лексемаларнинг фразеологик фаоллиги жуда юқори эканлигини кўрсатади. Масалан, биргина "келмоқ" ҳаракат феъли ўзбек тилида 114 фразема<sup>5</sup> таркибида грамматик таянч аъзо сифатида қатнашади: **баланд келмоқ, дунёга келмоқ, дуч келмоқ, жони халқумига келмоқ, зарар келтирмоқ, кўз олдига келтирмоқ, кўнглига келмоқ, малол келмоқ,**

<sup>1</sup> Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -316 б.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. - Тошкент: Ун-т, 1992.– 126 б.

<sup>3</sup> Ўша асар. – 5 б.

<sup>4</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. - 11 б.

<sup>5</sup>

она сути оғзига келмоқ, раҳми келмоқ, тилига келмоқ, тўғри келмоқ, хуш келмоқ, хўрлиги келмоқ, ўзига келмоқ, ўнгидан келмоқ, қаҳри келмоқ, ғазабга келмоқ, ғаши келмоқ, ғолиб келмоқ ва б. Бунда феъл, асосан, от лексемалар билан боғлашувга киришади. Аммо бу ўринда феъл лексемаларнинг семантик таянч компонент бўла олиши тўғрисида сўз юритиш қийин. Чунки феъл лексемалар фраземаларнинг шаклланишида семантик таянч аъзо бўлиб хизмат қилмайди. Феъл лексемаларнинг грамматик хусусияти кучли бўлиб, соф феъллар фақат фраземаларни шакллантиради. От, сифат лексемалар барча тўрт лексик-грамматик гуруҳларга тегишли фраземаларнинг шаклланишида иштирок этса, феъл лексемалар фақатгина феъл фраземаларнинг шаклланишида қатнашади. Шу маънода феълларни фразеологик фаол лексема дейиш шартлидир. Бунда феълларнинг фраземалар структурасини шакллантиришдаги ролини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбек тилида "кетмоқ" ҳаракат феъли ҳам фразеологик фаол бўлиб, унинг иштирокида 97 та фразема шаклланган. Қуйидаги фраземалар таркибида "кетмоқ" феъли ҳаракат маъносида грамматик таянч аъзо сифатида қатнашади: **довруғи кетди, донғи кетди, зое кетмоқ, катта кетмоқ, кўзи уйқуга кетмоқ, муккасидан кетмоқ, пинакка кетмоқ, эси кетмоқ, ўзидан кетмоқ, кўлдан кетмоқ, ҳолдан кетмоқ, хушдан кетмоқ, дили кетмоқ** ва бошқалар.

Феъл лексемалар фразеологик структурани шакллантирувчи асосий манба ҳисобланади. Бунда компонент сифатида нафақат феъл, балки формалар ҳам иштирок этади. Феъл лексемалар фраземалар таркибида феълга хос бўлган айрим хусусиятларни сақлаб қолади.

---

Масалан, "бермоқ" феъли фраземалар таркибида уюштирувчи, бирлаштирувчи марказ бўлиб хизмат қилади: **бардош бермоқ, жазо бермоқ, адабини бермоқ, аҳамият бермоқ, кўнгил бермоқ, бой бермоқ, дарак бермоқ, дош бермоқ, ён бермоқ, жонини жабборга бермоқ, зўр бермоқ, тан бермоқ, сўз бермоқ, халақит бермоқ, эрга бермоқ** ва б.

Феълнинг вазифавий шакллари ҳам фразеологик структурани шакллантиришда маҳсулдор ҳисобланади: **берганнинг бетига қарама, бердисини айтмоқ, берсанг-ейман, урсанг ўламан** кабилар.

Ўзбек тилида ҳаракатни ифодаловчи "олмоқ" феъли ҳам фразеологик фаол лексема саналади. Бу лексема иштирокида, асосан, феъл фраземалар шаклланади: **авж олмоқ, бел олишмоқ, бўйнига олмоқ, гарданига олмоқ, даммини ичига олмоқ, дам олмоқ, дон олишмоқ, елкасига олмоқ, ёнини олмоқ, забтига олмоқ, зиммасига олмоқ, йўл олмоқ, кўзини олмаслик, кўзининг остига олмоқ, кўзининг тагига олмоқ, кўнглини олмоқ, олдини олмоқ, оғзига олмоқ, сўз олмоқ, тан олмоқ, тарафини олмоқ, тилга олмоқ, ўзини қўлга олмоқ, қўй оғзидан чўп олмаслик, эс-хушини олиб қўймоқ** ва ҳ.з.

Ҳаракатни ифодаловчи "кўтармоқ" феъли ҳам қатор лексемалар билан боғлашувга киришиб, кўплаб фраземалар шаклланади: **бош кўтармоқ, бурнини бир қарич кўтармоқ, бурнини кўтармоқ, бурнини осмонга кўтармоқ, димоғи кўтарилди, ёдидан кўтарилмоқ, ёстиқдан бош кўтармоқ, кўкка кўтармоқ, кўкраги тоғдай кўтарилди, кўнглини кўтармоқ, обруйи кўтарилди, осмонга кўтармоқ, руҳи кўтарилди, фиғони фалакка кўтарилди, хаёлдан**

**кўтарилмоқ, хотирадан кўтарилмоқ, эсидан кўтарилмоқ, кўл кўтармоқ, сиркаси сув кўтармайди** кабилар.

Ўзбек тилидаги "очмоқ" феъли ҳам кўплаб фраземалар шаклланишида иштирок этган. Масалан, у **авра-астарини очмоқ, бахридилини очмоқ, бети очилиб кетди** каби фраземаларда грамматик таянч компонент сифатида қатнашади. Шунингдек, бу феъл иштирокида **бахрини очмоқ, кўзи мошдек очилди, кўзини мошдек очмоқ, кўнглини очмоқ, оғзини очмоқ, чехрасини очмоқ, чиройи очилди, қалбини очмоқ, юрагини очмоқ, юзини очмоқ** каби фраземалар шаклланган. Келтирилган фраземалар таркибида, асосан, фаол лексемалар қатнашади, феъл эса кўпинча от лексемалар билан бирикиб келади.

Кўринадик, феъл лексемаларнинг турли лексемалар билан бирика олиш хусусияти ўзбек тилида кўплаб феъл фраземаларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, фраземаларнинг компонентлари тўлиқ семантик эркинликдан маҳрум бўлади. Лексемалар фраземалар таркибида лексемага хос бўлган маънони тўлиқ ифода этмайди. Улар ўзларига хос бўлган маънодан ташқари, нарса, предмет, ҳаракат, хабарларни ифода эта бошлайди. Масалан, "чиқмоқ" феъли ҳаракатни ифодалаб, иш-ҳаракатнинг бошланиш нуқтасини англатади. Фраземалар таркибида эса бу лексема ўзининг лексик маъносини, яъни ҳаракат маъносини йўқотади: **йўлдан чиқмоқ, чизикдан чиқмоқ, абжағи чиқди, гаплари бир жойдан чиқди, ёддан чиқмоқ, жаҳли чиқди, жони чиқди, издан чиқмоқ, измидан чиқармоқ, ишдан чиқмоқ, кўзларининг пахтаси чиқди, кўнглидан чиқмоқ, пучакка чиқмоқ, турмушга чиқмоқ** каби. Бундай фраземалар таркибида феъл лексемаси

ўзининг ҳаракат маъносида қўлланмайди. Демак, фраземалар таркибида лексемалар семантик ва грамматик жиҳатдан пассивлашади. Масалан, **пўстагига сомон тикмоқ** фраземасининг биронта компоненти ҳам ўзига хос бўлган маънони ифода этмайди. Бунда лексемалар ўзларининг хусусий маъноларини йўқотгандир.

Шунга қарамай, фраземаларнинг компонентлари ўзларининг хусусий маъноларини сақлаши ёки сақламаслиги компонентларнинг ўзаро боғлашувига боғлиқ бўлади.

Аввало, кўпчилик фраземаларда грамматик таянч компонент ажралиб туради. Бундай компонент фраземаларнинг лексик-грамматик маъноларини кўрсатиб туради. Феъл фраземаларда грамматик таянч компонент феълнинг ўзи ҳисобланади. Масалан, ўзбек тилидаги **кўз юммоқ, изидан юрмоқ, оғзини мойламоқ** каби фраземалардаги "юммоқ", "юрмоқ", "мойламоқ" феъллари шу фраземаларнинг категориал маъноларини англатиб туради. Бу ўринда феъллар вазифасига кўра морфемаларга яқин туради.

Далиллар феълларнинг аксарият қисми фраземаларда грамматик таянч компонент вазифасида келишини тасдиқлайди. Бундай компонент бутун фраземага феъллик хусусиятини ўтказди. Бу хил фраземалар иш-ҳаракат, фаолиятни ифода этади. Грамматик таянч компонентлар фразеологик маънони эмас, категориал маъноларни ҳосил қилади.

Фраземалар таркибида кўп ҳолларда содда феъллар қатнашади. Бунинг қонунийлиги шундаки, айти содда феъллар бирламчи жараёни юзага келтиради. Содда феълларнинг иштироки асосида феъл фраземалар ҳосил бўлади. Феъл фраземалар икки асосий лексема-феъл ва унинг тўлдирувчисидан ташкил топади. Фраземалар таркибида феъл лексема ўзининг бир қадар валентлик ва грамматик хусусиятларини

йўқотади. Жумладан: а) феъл фраземаларда барча шахс-сонда қўлланиш имконияти бўлмайди: айрим феъл фраземалар фақат бир шахс ва сонда ишлатилади: **нон урсин, оқ йўл бўлсин** кабилар; б) кўпгина феъл фраземалар ё бўлишли ёки бўлишсиз шаклларда қўлланади, айрим феъллар фақат бўлишли шаклда қўлланади: **боши кўкка етди, кавушини тўғриламоқ, худо урди-кетди, хурмачанинг тагини яламоқ** кабилар. **Мушугини "пишт" демаслик, қош қўяман деб кўз чиқармоқ** каби феъл фраземалар эса фақат бўлишсиз шаклда ишлатилади; в) феъл фраземаларнинг замон ва майлларда қўлланиш даражаси ҳам бир қадар чекланган: **боши осмонга етди, қўйи мингга етди** каби фраземалар фақат ўтган замонда; **айтсам, тилим куяди, айтмасам, дилим** каби фраземалар фақат келаси замонда ишлатилади. Демак, феъллар фраземалар таркибида бутунлай эркин бўлмайди. Уларнинг фаолияти бир қадар чеклангандир. Маълумки, "эллипсис нутқ элементининг тушиб қолишидир"<sup>1</sup>, шу билан бирга контекстуал ва семантик таҳлил асосида қайта тикланиши ёки матндан англашилиб турувчи тил ҳодисасидир. Тилшуносликда бу ҳодиса "эллиптик транспозиция"<sup>2</sup> деб ҳам юритилади. Эллиптик транспозицияда фраземанинг маълум бир компоненти ташланиши асосида бошқа функционал гуруҳга тегишли фраземалар пайдо бўлади. Масалан, **оғзи қулоғига етди** фраземасининг "етди" феъл компоненти ташланиши билан тилда "оғзи қулоғида" фраземаси юзага келади. Шакланган иккинчи фразема биринчи фраземадан таркиб жиҳатдан фарқланади. Лекин улар турли функционал гуруҳларга тегишлилиги билан характерланади. **Оғзи қулоғига етди** феъл фраземаси **оғзи қулоғида**

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - 3 б.

<sup>2</sup> Соколова Г.Г. Фразеобразование во французском языке. -М.: Высшая школа, 1987. – С. 104.

равиш фраземасига айланди. Демак, фраземик эллипсис грамматик ўзгартиришлар асосида юзага келади. Эллиптик транспозиция асосида маъноси бирламчи фразеологизмга яқин, функционал гуруҳларга тегишлилигига кўра, ундан фарқланадиган фраземалар пайдо бўлади. Кўринадики, бу жараёнда ташланувчи компонент мавжуд бўлади. Шу асосда янги структурали фразема юзага келади. Бу жараёнда феъл компонентлар (**юррак-бағри хун бўлди -юррак-бағри хун**), от компонентлар (**бошидан ошиб-тошиб ётмоқ-ошиб-тошиб ётмоқ, бурнини осмонга кўтармоқ, бурнини кўтармоқ**), сон компонентлар (**бурнини бир қарич кўтармоқ-бурнини кўтармоқ**), модал сўзлар (**дилида сиёхлик бор-дили сиёх**), равиш компонентлар (**юзини тескари ўгирмоқ-юзини ўгирмоқ, юзини терс бурмоқ-юзини бурмоқ**), ўзлик олмошлари (**ўзига бино қўймоқ- бино қўймоқ**) тушириб қолдирилади

Тил материалларини таҳлил қилиш асосида эллипсисга учраган яна қуйидаги фраземалар мавжудлиги аниқланди. Мисолларга мурожаат қиламиз: **дили қон бўлмоқ** феъл фраземасининг "бўлмоқ" компоненти ташланиши билан "дили қон" фраземаси пайдо бўлган. Бундай ўзгариш бирламчи фраземанинг маъносига путур етказмайди, балки структурал ўзгариш юз беради. Шунингдек, бир лексик-грамматик гуруҳдан иккинчи лексик-грамматик гуруҳга ўтилади. Ёки **бағри қон бўлмоқ** феъл фраземасининг "бўлмоқ" компоненти ташланиши билан "бағри қон" фраземаси шаклланган. Феъл компонентнинг эллипсисга учраши бирламчи фраземанинг маъносига таъсир кўрсатмайди, балки унинг янги структурага эга бўлган варианты юзага келади. Илмий адабиётларда эллиптик транспозиция вариантланишнинг бир тури деб ҳам қаралади. Аслида вариантланиш ҳам фраземик шаклланишнинг энг

махсулдор тури ҳисобланади. Эллиптик транспозиция эса вариантланиш ичидаги фраземик шаклланишнинг бир туридир. Аммо вариантланишда мустақил туркум сўзи билан ифодаланган компонент ташланади ва фраземик вариант юзага келади. Фраземаларнинг эса ҳар қандай компоненти эллипсисга учраши мумкин. Фраземик эллипсис натижасида фраземик вариантлар ва стилистик вариантлар пайдо бўлади. Эллипсис асосида нафақат сўзлар, балки фраземалар таркибидаги сўз бирикмалари ҳам ташланиши мумкин.

Эллипсис нутқ элементининг тушиб қолишидир. Нутқда эллипсис турли мақсадларда юз беради, ундан одатда стилистик фигура сифатида фойдаланилади<sup>1</sup>. Биз эса эллипсисга тил ҳодисаси сифатида қараймиз. И.И.Чернышева эллипсисни фраземик таркибнинг материал жиҳатидан такомиллашуви<sup>2</sup> деб ҳисоблайди.

Фраземаларнинг турли компонентлари эллипсисга учраши мумкин: феъл компонентлар эллипсисга учрайди, натижада феъл фразема равиш фраземага ўтади: **юрак - бағри хун бўлди - юрак - бағри хун, бир пул бўлмоқ - бир пул мисолида** эса феъл фразема от (субстантив) фраземага ўтади. Яна мисоллар келтирамиз: **боши кўкка етди - боши кўкда** (феъл фразема ---→ равиш фразема), **бир тийин бўлмоқ - бир тийин** (феъл фразема ---→ от фразема). Кўринадики, эллипсисга учраган фраземалар маъно жиҳатдан деярли ўзгармайди, аммо таркиб жиҳатидан ўзгаради.

Эллипсис туфайли тилимизда янги-янги фраземаларнинг шаклланганлигини қуйидаги мисоллар ҳам яққол тасдиқлайди: **бошларини бир жойга қовуштирмоқ - асос фразема, бошларини**

<sup>1</sup> Хожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1985. - 111 б.

<sup>2</sup> Чернышева И.И. Фразеология современного немецкого языка. - М., 1970. -С. 187.



**қовуштирмақ** - янги фразема; **бурнини осмонга кўтармақ** - асос фразема, **бурнини кўтармақ** - янги фразема. Юзага келган фраземалар маъно жиҳатидан умумтил фраземаларидан фарқланмайди. Аммо уларнинг структурасида ўзгариш содир бўлади. **Дамини ичига ютмақ** феъл фраземасининг "ичига" компонентини ташлаш асосида **дамини ютмақ** фраземаси шаклланади. Бунда грамматик таянч компонент "ютмақ" эллипсисли фраземада ҳам сақланади. Бу эса феъл фраземалик хусусиятининг иккинчи фраземада ҳам сақланишини таъминлайди. Бу икки фразема бир образга асосланади. Эллипсисга учраган фраземада ҳам образ сақланади, чунки семантик таянч компонент "дам" эллипсисга дуч келмайди.

Шунингдек, **бурнини бир қарич кўтармақ** феъл фраземаси ҳам эллипсисга учраган, яъни фраземанинг "бир қарич" компоненти туширилиши билан янги структурали "бурнини кўтармақ" фраземаси юзага келади. Биринчи умумтил фраземаси лексик-грамматик хусусиятига кўра феъл фраземадир. Эллипсисга учраган фразема ҳам феъл фраземалигича қолди. Чунки бунда феъл компонент ташланмади. Фикримизча, бир лексик-грамматик гуруҳдан иккинчи лексик-грамматик гуруҳга ўтиш кўп жиҳатдан қайси туркумга тегишли компонентнинг туширилишига боғлиқдир. Келтирилган мисолларда феъл компонент сақланганлиги учун ҳам юзага келган иккинчи фразема ўзининг феъллик хусусиятини сақлаб қолди. Тил фактлари шунини кўрсатадики, феъл компонент туширилиши билан фраземалар бир лексик-грамматик гуруҳдан иккинчи лексик-грамматик гуруҳга ўтади. Масалан, **дили сиёҳ бўлди** умумтил фраземасининг феъл компоненти эллипсисга учраши натижасида феъл фраземадан равиш фраземага ўтилади. Умумтил фраземаси бўлган **кўнгли қора бўлдининг кўнгли**

**қора, димоғи чоғ бўлдининг димоғи чоғ** шаклида ҳам феъл компонентлар туширилиши билан феъл фраземалар равиш фраземага айланади.

Қуйидаги фразеологизмларнинг феъл компонентлари эллипсисга учрайди ва шу асосда уларнинг функционал гуруҳларга тегишлилиги ўзгаради. **Дўпписини яримта қилиб** умумтил фраземасининг "дўпписи яримта" шакли грамматик жиҳатдан фарқланади. Бунда феъл фразема равиш фраземага ўтади. **Таъби тирриқ бўлди-таъби тирриқ.** Бунда феъл фразема эллипсис натижасида сифат фраземага ўтади. **Кайфини чоғ қилмоқ - кайфи чоғ** фраземасининг "қилмоқ" феъл компоненти эллипсисга учраши билан равиш фразема шаклланади. Шунини таъкидлаш лозимки, иккиламчи фраземалар умумтил фраземалари билан ўзаро маъно ва структура жиҳатдан боғланган, муносабатдор ҳисобланади. Фразеологизмлар таркибида фақатгина эллипсис ҳодисаси эмас, балки кўплаб бошқа ҳодисалар, жумладан, лексик компонентларнинг алмашиб қўлланиши, таркибнинг кенгайиши, киритмалар, конвергенция, аллюзия, актуаллаштириш, контаминация каби бир қатор ўзгаришлар юз беради. Буларда ҳам ўзаро муносабатдорлик мавжуд. Аммо уларни бир-биридан фарқлаш лозим. Бу тил ҳодисалари, асосан, нутқ эҳтиёжи, эмоционал-экспрессив оттенкани юзага келтириш зарурияти ҳисобига вужудга келади. Аммо эллипсис ҳодисаси тил зарурияти ҳисобига юзага келади. Шунинг учун ҳам фраземаларнинг шакл ва шамойиллари тил сатҳида ўрганилади ва тадқиқ этилади.

Қуйидаги феъл фраземалар эллипсисга учрагандан кейин сифат фраземаларга ўтади: **тили узун бўлди-тили узун; тили қисик бўлди - тили қисик; юзи ёруғ бўлди - юзи ёруғ; қўли баланд бўлди - қўли баланд; қўли калта бўлди - қўли калта; қўли қисқалик қилди - қўли**

**қисқа.** Кўринадикки, бу каби фраземаларнинг феъл компоненти ташланиши билан улар сифат фраземаларга айланди.

Фраземаларнинг феълдан ташқари компоненти эллипсисга учраса, уларнинг функционал хусусияти ўзгармайди. Масалан: **жонини жабборга бермоқ - жонини бермоқ; зиғир ёғдай кўнглига урмоқ - кўнглига урмоқ; калавасининг учини йўқотмоқ - калавасини йўқотмоқ; кулини совурмоқ - кулини кўкка совурмоқ; кўзи уйқуга кетибди - уйқуга кетибди, йўлига кўз тутмоқ - кўз тутмоқ; нонини туя қилмоқ - туя қилмоқ; онасини учқўрғондан кўрсатмоқ - онасини кўрсатмоқ; тепа сочи тик бўлиб кетди - сочи тикка бўлди; сўзида қаттиқ турмоқ - қаттиқ турмоқ; тақдирга тан бермоқ - тан бермоқ; юзини тесқари ўгирмоқ - юзини ўгирмоқ; юраги қон бўлмоқ - қон бўлмоқ** кабилар. Мисоллардан умумтил фраземаларнинг барча компонентлари эллипсисга учраши аён бўлмоқда. Феъл компонент эллипсисга учраса, фраземанинг грамматик хусусияти ўзгаради. Бошқа сўз туркумли компонентлар эллипсисга учраса, фраземанинг грамматик хусусияти ўзгармайди.

## **5.2. Феъл фраземаларнинг парадигматик шакллари**

Одатда парадигматик шакл флексив қурилишли тилларга хос хусусиятдир. Аслида парадигматика лексемаларга хос бўлиб, уларнинг турланиш ва тусланиши билан ҳосил бўлади. Тилнинг мураккаб бирлиги бўлган фраземаларнинг парадигматик шакли лексемаларнинг парадигматик шаклидан деярли фарқ қилмаса-да, лекин уларнинг нутқда юзага чиқишида, функционал кўринишларида алоҳида хусусиятга эга.

Фраземаларнинг нутқда тил бирликлари билан алоқа ва муносабатга киришуви асосида шаклий ўзгариши уларнинг парадигматик шаклини ташкил этади.

Фраземаларнинг парадигматик шакллари фразема таркибидаги отнинг келишик шакллари билан ўзгариши, феълнинг шахс-сон шаклларида ўзгариши натижасида юзага келади. Шу маънода фраземаларнинг парадигматик шакллари уларнинг қайси сўз туркумига мансублиги билан белгиланади.

Ўзбек тилида фраземаларнинг асосий қисмини феъл фраземалар ташкил этади. Фразема таркибида қатнашган сўзлар ўртасидаги синтактик боғланиш бирикманинг ички синтактик қурилишини белгилайди. Масалан, **иш(и) тушди (кимнинг кимга), меҳри тушди, оғирлиги тушди, рашки келди, суқи келди, суқи кирди** каби фраземалар воситали тўлдирувчи билан боғлашувли фраземалар бўлиб, воситали тўлдирувчи жўналиш келишигида, феъл аъзо эса ўтимсиз шаклда ўзаро синтактик муносабатга киришган ҳолда шаклланади. Ёки **аччиғи қистади, кўнгли бўшади, нафси оғриди (кимнинг нимадан)** каби фраземаларда воситали тўлдирувчи чиқиш келишигида шаклланади ва феъл аъзо ўтимсиз феъл билан ифодаланади. **Бағрига олмоқ, паноҳига олмоқ, пинжигга олмоқ, қўлтиғига олмоқ, кўнглига яқин олмоқ** каби фраземалар воситасиз тўлдирувчи билан боғланади, феъл аъзо ўтимли феъл билан ифодаланади. **Оғзи қулоғига етди, она сути оғзига келди, эси ўзига келди** каби уч аъзоли фраземаларнинг икки аъзоси от лексема билан ифодаланган, феъл аъзо эса ўтимсиз бўлади. Фраземанинг таркибида феъл аъзо жўналиш келишигидаги сўзшаклини бошқариб келади. Шунга кўра фраземалар тузилиши жиҳатидан бирикмага тенг ва гапга тенг бўлади. Феъл фраземалар

курулиши жиҳатидан бирикмага тенг бўлса, бундай фразема тусланади: **оғиз очдим, оғиз очдинг, оғиз очди ёки мум тишладим, мум тишладинг, мум тишлади; кўзини чалғитдим, кўзини чалғитдинг, кўзини чалғитди; тил бириктирдим, тил бириктирдинг, тил бириктирди** кабилар.

Феъл фразема ички синтактик курилиши гапга тенг бўлса, бундай фразема тусланмайди: **омади келди, тарвузи қўлтиғидан тушди, баракаси учди, оёғи тортмади, рангида қон қолмади, уйқуси қочди** кабиларда феъл лексемалар туслана олмайди.

Феъл фраземалар фақат тусланиши жиҳатидан фарқланади. Майл, замон категориялари шаклларида **оғиз очсам, мум тишласам, обрўйи тушса, кўзини чалғитса, тил бириктирибди, кўнгли жойига тушибди, кўзини ёғ босибди** каби ўзгаришлар ҳар иккисида ҳам содир бўлаверади.

Феъл фраземаларнинг аксарияти бўлишли ва бўлишсиз шаклларда бўлади: **оғиз очма, оғиз очмайлик, мум тишлама, мум тишламайлик, кўзни чалғитма, кўзни чалғитмайлик, тил бириктирма, тил бириктирмайлик** кабилар.

Фраземаларнинг парадигматик шакли фраземанинг бир ёки икки компонентида намоён бўлади. Феъл фраземалар таркибидаги феъл лексема асосан отлашган ёки от сўз туркуми билан бирикади. От сўз-компонент эгалик аффиксини олади: **муродига етмоқ, оғзига талқон солмоқ, тегирмонига сув қуймоқ, тутуни осмонга чиқди, юзига солмоқ, қулоғига чалинмоқ, қўли узун, ғамини емоқ** кабилар.

Эгалик аффикси воситасида феъл фразема уч шахсдан бирига нисбат берилаётганлиги намоён бўлади: **юрагим бўшади, юрагинг бўшади, юраги бўшади, қўлим тегмади, қўлинг тегмади, қўли**

**тегдади; юзимга қон югурди, юзингга қон югурди, юзига қон югурди кабилар.**

Гапга тенг қурилишли фраземаларда шахс-сон маъноси эгалик аффикси билан ифодаланади: **ичим қизиди, ичинг қизиди, ичи қизиди; оғзим ошга етди, оғзинг ошга етди, оғзи ошга етди; шўримга шўрва тўкилди, шўрингга шўрва тўкилди, шўрига шўрва тўкилди кабилар**

Бирикмага тенг қурилишли феъл фраземаларнинг шахс-сон маъносини тусловчи ҳам, эгалик аффикси ҳам ифодалайверади: **бахтимни топдим, бахтингни топдинг, бахтини топди; имзомни чекдим, имзонгни чекдинг, имзосини чекди каби.** Бунда тусловчи билан эгалик қўшимчалари ўзаро шахс-сонда мослашади.

### 5.3. Феъл фраземалар таркибида мустақил бўлмаган сўзларнинг қўлланилиши

Ёрдамчи лексемалар (кўмакчи, боғловчи, боғланмалар) ҳам фраземалар таркибидаги сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатга киришувида иштирок этиши кўзга ташланади. Шунингдек, ёрдамчи лексемалар фраземаларнинг шаклланишида ҳам қатнашади. Маълумки, ёрдамчи лексемалар мустақил лексик маънога эга бўлмасдан, бирикма ёки гап таркибида келиб, мустақил маъноли лексемаларнинг бир-бири билан синтактик алоқага киришишини таъминлаш учун хизмат қилади. Фраземалар турғун бирикмалар бўлишидан қатъи назар, уларнинг компонентлари ўзаро синтактик алоқага киришади. Бундай алоқани рўёбга чиқаришда ёрдамчи лексемаларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Фикримизнинг тасдиғи учун қуйида фраземалар таркибида иштирок этган ёрдамчи лексемалар гуруҳини кўриб чиқамиз.

**1. Фраземалар таркибидаги кўмакчилар.** Кўмакчилар фраземалар таркибида мақсад, сабаб, восита каби синтактик муносабатларни билдиради ва синтактик функциясига кўра, келишик қўшимчаларига ўхшайди. Масалан: **боши билан кириб кетмоқ, ер билан битта бўлмоқ, ер билан яксон бўлмоқ, ер ости билан қарамоқ, кўз қири билан, очик чехра билан, кўз қири билан, қайси юз билан, қўйинини пуч ёнғоқ билан тўлдирмоқ** ва б.

Ўзбек тилида қуйидаги кўмакчилар фраземалар таркибида тез-тез ишлатилиб турилади: *каби* кўмакчиси қиёс-ўхшатиш муносабатини ифодалаш учун фразема таркибида иштирок этади: **қуш каби енгил тортмоқ.**

*Кейин* кўмакчиси пайт муносабатини билдириб, чиқиш келишигидаги сўздан сўнг келади. Масалан: **иш битиб эшак лойдан ўтгандан кейин, хайит ўтгандан кейин** хинани ачангга бер кабилар.

*Бошқа* кўмакчиси фраземалар таркибида ажратиш, фарқлаш каби муносабатларни билдиради: **номимни бошқа кўяман, отимни бошқа кўяман, отимни бошқа кўйинг** кабилар.

*Бурун* кўмакчиси пайт маъносини англатади: **элдан бурун**.

*Қарши* кўмакчиси зидлаш маъносини ифодалайди: **қарши олинмоқ, қарши олмоқ** кабилар.

**2. Фраземалар таркибидаги боғловчилар.** Боғловчилар фразеологик бирикмалар таркибидаги компонентларни боғлаш учун хизмат қилади ва турли муносабатларни ифода этади. Масалан, *ҳам* боғловчи вазифасида келганда иш-ҳаракатнинг бир вақтда ёки кетма-кет бажарилганлигини, нисбат, қиёслаш, орттириш каби ҳолатларни руёбга чиқаради. Масалан, **бошига қилич келганда ҳам, бошига қилич келса ҳам, елкасининг чуқури ҳам кўрмасин, етти ухлаб тушига ҳам кирмаслик, жонини ҳам аямаслик, икки дунёда ҳам, орадан қил ҳам ўтмайди, отдан тушса ҳам узангидан тушмаслик, тушига ҳам кирмаслик** ва б.

*Билан* кўмакчиси боғловчи вазифасида ҳам фраземалар таркибида келиб, компонентларнинг тенг ва биргалик муносабатларини ифодалайди. Масалан, **ер билан осмонча, осмон билан ерча, от билан туяча, оқ билан қорани ажратмоқ, оқ билан қорани билмоқ** кабилар.

**3. Фраземалар таркибидаги юклама, ундов ва тақлидий сўзлар.** Маълумки, юкламалардан айрим сўз ва гапларга қўшимча оттенка бериш мақсадида фойдаланилади. Улар фраземалар таркибида ҳам бирикмага қўшимча маъно бағишлаш, кучайтириш, таъкидлаш учун



қўшилади ва пировардида ўзига хос фраземалар шаклланади. Масалан, **-ки** юкламаси фразема маъносини кучайтириш, таъкидлашни ифодалаш учун қўлланади: **ер ёрилмадики, кириб йўқолса, турган гапки.**

Фраземалар таркибида учрайдиган **-у** юкламаси бирикманинг маъносини кучайтиради. Масалан, **жону ҳолига қўймаслик, кўзининг оқу қораси, лому мим демай, осмону ерча, оқу қорани танимоқ, оқу қорани тушунмоқ, сану манга бормоқ** ва б.

**-ю** юкламаси фраземалар таркибида кучайтирув ва таъкид маъноларини ифодалаш учун қўлланади. Масалан, **бир оёғи тўрда-ю, бир оёғи гўрда, ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса** ва б.

Фраземалар таркибида ундовлар ҳам учрайди. Ибора таркибида бундай сўзлар махсус семантик-экспрессив маънони ифодалайди: Масалан, улар: а) бахт ва қувониш оттенкасини (**ана роҳат, ана маза, оғзингизга бол, оғзингизга асал, лабингизга шакар, тилингга шакар каби**); б) ажабланиш ва таажжубни (**ана холос, ҳеҳ, аттанг, вой худойимей, сени қара-я, ҳе, дариг ва б.**); в) ғазаб ва нафратни (**жин урсин, худо урсин, ҳе, ўлсин, ҳе ўргилдим, ҳе қуриб кетсин ва б.**); г) истак, ҳоҳиш, тилакни (**барака топ, умрингдан барака топ, бор бўлинг, кам бўлманг, кўз тегмасин ва б.**); е) эътирозни англатувчи (**ҳе, қўйсанг-чи, э, қизик экансиз-ку, э, қўйинг-э, ва бошқа** фраземаларнинг шаклланишида ишлатилган.

Фраземалар таркибида эмоционал ундовлар ҳам учрайди: **гаҳ** деганда қўлга қўнадиган қилиб олмоқ, **лом** демаслик, **лом-мим** демай, мушугини **пишт** демаслик, **ҳаш-наш** дегунча, **ҳа-ҳу** дегунча, **чумчук пир** этса, юраги **шир** этади, **чурқ** этиб, **чурқ** этмаслик, юраги **шиз** этиб кетди, юраги **шув** этиб кетди кабилар.

#### 5.4. Феъл фраземаларнинг фразеологик вариантланиши

Вариантланиш ўзбек тили фраземаларининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан биридир. "Ибораларда вариантланиш бошқа тил бирликларига нисбатан кучли"<sup>1</sup> тарзда юз беради. Вариантланиш ўзбек тили фразеологик фондини бойитувчи энг муҳим манбалардан биридир. Фраземаларнинг янгиланиши, компонентларининг алмаштирилиши, ташланиши, қўйилиши каби ҳодисалар юқорида кўриб ўтилди. Компонентларининг у ёки бу сўзга алмаштирилиши асосида ўзаро яқин маъноли фраземалар шаклланади. Бунда, асосан шакл ўзгаради, маъно эса деярли ўзгармайди. Лексик ва структур-грамматик ўзгартиришлар асосида ҳосил бўлган фраземалар тилшуносликда фразеологик вариантланиш ва фразеологик синонимия дейилади. Аммо фразеологик вариантланиш ва фразеологик синонимия ҳодисаларини бир-биридан аниқ фарқлаш лозим.

Фразеологик синонимия деганда бир маънони ифодаловчи турли структурали фраземалар назарда тутилади. Бунда ҳар бир синоним фразема турли образларда шаклланади ва уларда умумий сўз-компонент ҳам бўлмайди. Синоним фраземалар умумтил фраземалари асосида эмас, балки тил фразеологик шаклланиш тизими асосида, турли доираларда, лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида юзага келади.

Фразеологик вариантланиш эса умумтил фраземалари асосида юзага келади ва улар маълум фраземага асосланади ёки тилда мавжуд бўлган фраземалардан ўсиб чиққан бўлади.

Шу маънода, фразеологик вариантланиш умумтил фраземалари асосида янги фраземаларнинг шаклланиш системасига киради.

---

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. - 10 б.

Фразеологик вариантланиш ўта маҳсулдор бўлиб, аксарият фраземаларнинг варианты учрайди. Ушбу бобда биз фразеологик вариантланиш ва фразеологик синонимия ҳақида батафсил илмий мулоҳаза юритмоқчи эмасмиз. Чунки бу бизнинг мақсад ва вазифаларимиз доирасига ҳам кирмайди. Шунга кўра, ишнинг мазкур бобида фразеологик вариантлар фраземалар шаклланишининг воситаларидан бири сифатида кўриб чиқилади.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик вариантланиш ва фразеологик синонимия ҳодисалари чуқур ўрганилган<sup>1</sup>. Жумладан, Ш.Раҳматуллаев фразеологик вариантланиш ҳодисасига қуйидагича таъриф беради: "а) турли-туман ўзгаришлар сабабли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага бирлашуви; б) асосида айнаи бир образнинг ётиши; в) айнаи бир луғавий маънони англантиши; г) ўзаро ўсиб чиққан вариантлар таркибида муштарак сўз-компонентнинг бўлиши асосга олинади"<sup>2</sup>.

Демак, фразеологик вариантлар асос фраземаларнинг бир кўриниши бўлиб, маънолари, стилистик ва синтактик вазифаларига кўра айнан ўхшаш, лексик таркибида қисман ўзгариши бўлган, айнаи бир образ асосида ётувчи тил бирлигидир. Вариантланиш турлича кўринишда бўлиб, асос фраземанинг айрим компонентлари ўзгаради. Фраземаларнинг ҳар қандай компоненти вариантланиши мумкин.

Синонимия ва вариантлик ҳодисалари бир-бири билан ўзаро алоқадордир. Синоним ва вариантдош фраземаларнинг компонентлари ўзаро ўхшаш бўлганлиги учун уларни фарқлаш қийин. Булар орасидаги фарқларни образлик белгилайди. Фразеологик синонимлар айнан ёки

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. -Тошкент: Фан, 1966. - 47-200 б.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. -Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. - 10 б.

бир-бирига яқин тушучсаларни турли образлар ёрдамида ифодалайди. Фразеологик вариантлар эса шундай тушунчаларни бир образ ёки бир-бирига яқин образлар ёрдамида ифодалайди. Масалан, **кўнгли тоза** фраземаининг **юраги тоза, кўнгли пок, юраги покиза, юраги соф, қалби пок** каби вариантлари; "оқ кўнгил" каби синонимлари мавжуд. Ёки **кўнгли тортди** фраземасининг **кўнгил тортар, дил тортар** каби вариантлари бўлиб, уларнинг **хуш кўрмоқ** синоними мавжуд. Кўринадики, вариантдош фраземалар бир тушунчани бир образ ёки ўта бир-бирига яқин образлар асосида ифодалайди. Синоним фраземалар эса шу тушунчани турли образлар асосида ифодалайди. Шундай қилиб, фразеологик вариантланишнинг қуйидаги белгилари мавжуд: образнинг умумийлиги; денотатив ва сигнификатив маъноларнинг умумийлиги; тилдаги вазифалари ва категориал (лексик-грамматик) маъноларнинг мос келиши; маънолар миқдорининг мос келиши; умумий сўз компонентнинг мавжуд бўлиши. Дастлабки уч белги булар ичида шартлилик касб этади. Кейингилари эса факультатив характерга эгалиги билан характерланади.

Қайд этиш лозимки, тилшуносликда вариантланишнинг белгиларини аниқлашда турли хил ёндашишлар мавжуд. Жумладан, А.В.Кунин, И.И.Чернишева, В.М.Мокиенко, А.Г.Назарянлар асосий эътиборни вариантдор фраземаларнинг маъно умумийлигига қаратадилар. Н.М.Шанский ва Л.М.Больширева, И.А.Федоровлар фразеологик вариантлар таркиби ва тузилиши у ёки бу тарзда ўзгаришга учраб, стилистик ва экспрессив хусусиятлари билан фарқланишини таъкидлайдилар. В.Н.Телия эса вариантдор фраземалар сигнификатив маънолари билан фарқланишини кўрсатади. А.И.Федоров эса вариантдор фраземаларнинг компонентлари грамматик ва фонетик

формалари билан фарқланишини таъкидлайди. А.В.Кунин, И.А.Федосовлар компонент таркибининг қисман ўзгариши натижасида лексик инвариант (умумий сўз-компонент)нинг мавжуд бўлишини уқтирадилар. Турли хил фикрлар бўлишига қарамасдан, деярли барча тилшунослар фразеологик вариантларда образларнинг умумий бўлишини эътироф этадилар.

Демак, фраземаларнинг вариантдорликка тегишлилигини фарқлашда уларнинг айнан маъно ўхшашлигига, таркибининг бир типлиги ва бирикманинг ички бирлиги (образлиги)га асосий эътиборни қаратиш лозим. Шу белгиларга кўра, фразеологик вариантларни бири-биридан фарқлаш мумкин бўлади. Ички боғлиқлик (образнинг умумийлиги) фразеологик вариантларнинг ҳосил бўлишида асосийдир.

Фраземаларнинг вариантдорлигини ўрганиш жараёнида "вариант" ва "инвариант" тушунчаларини бири-биридан фарқлаш лозим бўлади. Фраземаларнинг вариант ёки инвариант эканлиги уларнинг истемолдаги қўлланишида кўринади. Қайси фразема бадий асар тилида ёки сўзлашувда кўп қўлланса, уларни инвариант деб аташ мумкин. Фраземаларнинг вариантларини фарқлашда образлиқдан ташқари, маънонинг фарқлари ва ўхшашлиқлари, алмаш қўлланилган компонентнинг инвариант компонентга нисбатан стилистик ва грамматик қарашлилиги масалалари ҳам муҳимдир. Ўзбек тилида фраземаларнинг таркибида бир компонентни алмаштириб қўллаш асосида фразеологик вариантлар шаклланади: Масалан, **боши осмонга етди - боши кўкка етди, қувончи ичига сиғмайди - қувончи танига сиғмайди, кўнгли тоғдай кўтарилди - кўкраги тоғдай кўтарилди.** Аммо **воз кечмоқ - баҳридан ўтмоқ, гапни бир жойга қўймоқ - тил бириктирмоқ, гарданига юкламоқ - бўйнига қўймоқ, дами чиқмади**

- мум тишламоқ, димоғи чоғ бўлди - кўнгли очилди, ёқасини ушламоқ - хайрон қолмоқ каби фраземаларда эса маъно сақланган ҳолда барча компонентлар алмаштирилади. Биринчи туркумда фразеологик вариантлар шаклланса, иккинчи туркумда эса фразеологик синонимлар шаклланади. Кўринадикки, бунда образлар ва лексик таркибнинг турличалиги уларни бир-биридан фарқлайди.

Вариантдор фраземаларнинг таркибида икки хил кўринишли компонентлар учрайди. Бу компонентларни А.В.Кунин "алмаш қўлланувчи (подменяемые) ва алмаш қўлланмайдиган (неподменяемые) компонентлар" деб атайди<sup>1</sup>. Компонентлар констант (ўзгармас) ёки вариантдор бўлади. Констант компонентлар вариантдор фраземалар учун умумий бўлган сўз-компонентдир. Масалан, **пашшадан фил ясамоқ, пашшани фил қилмоқ, пашшасини фил қилмоқ** вариантдор фраземалар учун "пашша ва фил" компонентлари констант компонентлар ҳисобланади. "Ясамоқ ва қилмоқ" компонентлари эса вариантдор ҳисобланади. Ёки **пешанасига битмоқ** ва **пешанага ёзилган** каби фраземалар учун "пешана" констант компонент, "ёзилган" ва "битмоқ" компонентлари эса вариантдор компонентлар ҳисобланади.

Тилшуносликда "фразеологик вариантлар дастлабки лексик вариантлар ва грамматик вариантлар деб фарқланади"<sup>2</sup>. Шунингдек, "морфологик, синтактик, позицион, лексик, стилистик, квантитатив, орфографик"<sup>3</sup> каби вариантлар борлиги ҳам қайд этилади. Ишимизда ҳар бир вариантлар ҳақида чуқур фикр билдирмоқчи эмасмиз. Шу маънода лексик вариантлар ва грамматик вариантлар ҳақида фикр юритиш билан чегараланамиз. Чунки грамматик вариантлар

<sup>1</sup> Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. - С. 70-74.

<sup>2</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. -Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. - 10 б.

<sup>3</sup> Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. -С. 225-231.

морфологик, синтактик, позицион, стилистик вариантлар моҳиятини камраб олади.

**Грамматик вариантланиш.** Ш.Раҳматуллаев шундай деб қайд этади: "Ибора таркибини грамматик ўзгартириш билан ҳосил бўладиган вариантга грамматик вариант дейилади"<sup>1</sup>. Грамматик вариантлар фраземаларнинг ички грамматик тизимида бўладиган ўзгаришлар асосида юзага келади. Масалан, **кўнгли чўкди - кўнгилни чўктирмоқ; кўнгли ўсди - кўнглини ўстирмоқ, парвойига келмаслик - парвойига келтирмаслик, умидини узмоқ - умиди узилди, эс-хушини йиғиштирмоқ - эс-хушини йиғмоқ, этагини қоқмоқ - этак қоқмоқ, юзага келмоқ - юзага келтирмоқ, қўлга кирмоқ - қўлга киритмоқ** кабилар. Айти шу тарзда грамматик ўзгаришлардан ташқари фраземалар фонетик ва орфографик ўзгаришларга ҳам учрайди ва вариантланади. Шунга кўра, грамматик вариантланишни компонентларининг фонетик, орфографик, позицион ва морфологик вариантланиши каби турларга ажратиб ўрганиш мумкин бўлади:

**а) компонентларнинг фонетик ва орфографик вариантланиши.**

Текширишларимиздан аён бўлмоқдаки, она тилимизда бир талай фонетик ва орфографик вариантдор фраземалар қўлланар экан. Мисолларга мурожаат қиламиз: **алифни калтак деёлмаслик** фраземаининг **алипни калтак деёлмаслик** каби орфографик варианты учрайди. Ёки **афти совуқ** фраземасининг **апти совуқ** варианты ишлатилади. **Алмисоқдан қолган** фраземаси **Алмсоқдан қолган** каби вариантга эга. **Астар-аврасини ағдармоқ** фраземаси **авра-астарини ағдармоқ** вариантга эга. Қуйида яна вариантларга мисоллар келтирамиз:

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш Ўзбек тилининг фразеологик луғати. -Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. – 2 б.

асфаласофилинга кетмоқ	аспаласопилинга кетмоқ
дақёнусдан қолган	даққионусдан қолган
дақёнусдан қолган	дақионусдан қолган
балого қолмоқ	балага қолмоқ
бетобу тоқат бўлмоқ	бетоқат бўлмоқ
бешбаттар бўлмоқ	беш бадтар бўлмоқ
путур етказмоқ	футур етказмоқ
парвойи фалак	парвойи палак

Мисоллардан компонентларнинг вариантланиши фразеологик маънога ҳам, категориал маънога ҳам таъсир этмаслиги аён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам бу каби вариантлашни формал вариантланиш деб аташ мумкин. Айрим ишларда бу каби фонетик ва орфографик ҳар хилликлар фразеологик меъёрнинг бузилиши сифатида талқин этилади<sup>1</sup>. Аммо бу ҳолат вариантланиш сифатида ҳам баҳоланмоғи лозим. Чунки бу каби вариантдор фраземалар тилнинг тизимига хос ҳодиса бўлиб, нутқда баравар қўлланиши билан характерланади. Бу эса фразеологик шаклланиш тизимига кирувчи ҳодисадир;

б) **компонентларнинг морфологик вариантланиш.** Морфологик хусусиятлари билан фарқланадиган вариантлар морфологик вариантланиш дейилади. Бунда фразема таркибидаги морфологик қисмни ўзгартириш асосида вариантланиш юз беради. Масалан, **бўйнига қўймоқ–бўйнига қўйилмоқ** вариантдор фраземалар бири иккинчисидан феълга –ил мажҳул нисбат қўшимчасини қўшиш билан фарқланади. **Авжга минмоқ – авжга миндирмоқ** фраземалари эса

---

<sup>1</sup> Қаранг: Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликлар функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993. –Б. 37–40; Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Тошкент, 1991. - 239–246 б.



феълга орттирма нисбат кўшимчасини кўшиш билан вариантланади. **Нафаси ичига тушиб кетди** фраземасининг морфологик варианты **нафаслар ичига тушиб кетди эса –лар** кўплик кўшимчасини кўшиш билан шаклланади. **Нафаси ўчди** ва **нафасини ўчирмоқ** фраземалари нисбатнинг ўзгариши фраземанинг ички морфологик қурилишига таъсир этиши асосида вариантдор деб қаралади.

Ўзбек тилида морфологик вариантланиш тез-тез учраб туради. Мисоллар келтирамиз: **кўзини тўрт қилмоқ–кўзлари тўрт бўлди; кўзи қамашди–кўзини қамаштирмоқ; худо хайр берсин–худо хайр бергур; чурқ этмаслик–чурқ этиб; юз ўгирмоқ–юзини ўгирмоқ; қаттиққўл бўлмоқ–қаттиқ қўлли бўлмоқ** ва ҳ.;

в) **синтактик–позицион вариантлар.** Ўзбек тилида, шунингдек, тартиб ўзгартириш асосида ҳам фразеологик вариантлар ҳосил бўлади. Бундай кўринишли фразеологик вариантларни синтактик–позицион вариантлар деб аташ мумкин. Масалан: *айтгани – айтган – дегани деган; бағри тош – тош бағир; бошида калтак синди – калтак бошида синди; боши чиқмади – чиқмаган боши; боғдан келса, тоғдан келмоқ – тоғдан келса, боғдан келмоқ; ваъда бермоқ – берган ваъдаси; гапнинг очиги – очик гап; ддунё кўзига тор – кўзига дунё тор; ер билан осмонча – осмон билан ерча; жазосини бермоқ – берилган жазо; жаҳли чиқди – чиққан жаҳли; жавоб қайтармоқ – қайтарган жавоби; ипидан игнасигача –игнасидан ипигача; кўзи тўрт бўлди – тўрт кўз бўлиб; кўз тикмоқ – тиккан кўзлари; кўнгли синди – синган кўнгли; кўнгли юмшоқ – юмшоқ кўнгли; кўнгли яқин – яқин кўнглили; маълумот бермоқ – берган маълумоти; нафасини совуқ қилмоқ – совуқ нафас қилмоқ; обрўйини тўкмоқ – тўкилган обрўйи; она сути оғзидан кетмаган –*

*огзидан она сути кетмаган; оқ кўнгил – кўнгли оқ; тегирмонига сув қўймоқ – тегирмонига қўйилган сув; худо урди – урди худо; юраги сиқилди – сиқилган юраги; қадам босмоқ – босган қадами кабилар.*

Шундай қилиб, ҳар бир фразема нутқда турли шаклларда ва турли синтактик вариантларда қўлланиш имкониятига эга. Бу эса тилда фраземаларнинг кўплаб грамматик вариантларини келтириб чиқаради.

**2. Лексик вариантланиш.** Грамматик вариантланишдан ташқари, лексик вариантланиш ҳам фраземаларнинг шаклланишида муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. “Ибора таркибида мустақил туркум сўзи билан ифодалаган компоненти ўзгартириб ҳосил қилинган вариантга лексик вариант дейилади”. Бунда фраземанинг у ёки бу компоненти бирор бошқа сўзга алмаштирилиши мумкин. Шунингдек, муайян компонентлар қўшилиши ёки туширилиши ҳоллари ҳам юз беради. Масалан, **оёғини тираб олмоқ – оёғини тираб турмоқ**. Бунда феъл компонентлар алмашинилиб, лексик вариантлар шаклланади. Ёки **кўнглини очмоқ – баҳрини очмоқ; ер билан битта бўлмоқ – ер билан яксон бўлмоқ** каби фраземаларнинг ҳар бирида у ёки бу компонент алмаштирилиб лексик вариантлар юзага келган.

Фраземалар компонентларининг лексик вариантдорлиги фраземаларни бошқа тил бирликларидан, жумладан, эркин боғланма ва гаплардан фарқлайди. Ҳеч бир гап ёки эркин боғланма маълум матнда таркибидаги у ёки бу сўзнинг алмаштирилишига йўл қўймайди. Чунки таркибидаги сўз бошқа сўзга алмаштирилса, гапга ёки эркин боғланмага хос маъно бутунлай ўзгариб кетади. Фраземаларда эса вариантланиш асосида маъно ўзгармайди, умумий образ, ички боғлиқлик йўқолмайди.

Вариантдорликни ташкил этувчи қатор фраземаларнинг компоненти ўрнига қўлланувчи лексемалар ҳам чегараланган бўлади.

Демак, ҳар қандай сўз фраземалар компонентлари ўрнига қўлланавермайди. Акс ҳолда маънога путур етади.

Фраземалар компонентларининг вариантдорлиги ҳамма фраземаларга хос эмас. Ўзбек тилида қатор фраземаларнинг лексик вариантлари мавжуд эмас. Масалан, қуйидаги фраземалар қатъий, турғун, барқарор таркибга эга: *авзойи бузилди, аммамнинг бузоғи, арпасини хом ўрмоқ, бир ёстиққа бош қўймоқ, бир овоздан, кўзини мошдек очмоқ, кўзининг ёғини емоқ, от билан туяча, тинкаси қуриди, тишининг оқини кўрсатмоқ, амри маҳол, ақлдан озмоқ, туянинг думи ерга текканда* кабилар.

Фраземалар таркибидаги сўзлар турли лексик–семантик ва лексик–грамматик гуруҳларга тегишли бўлади. Ўзбек тилида фразеологик фаол лексемалар иштирокида шаклланган фраземаларда вариантланиш фаолдир. Масалан, тилимизда “бош” сомати лексемаси жами 158 иборани ҳосил қилишда қатнашади. Шундан 38 таси лексик вариантлардир<sup>1</sup>. Тадқиқотлар ўзбек тили фразеологик вариантларининг 40% дан кўпроқ қисмини лексик вариантлар ташкил этишини кўрсатади<sup>1</sup>. Бу ҳол, албатта, тилда янги–янги структурали фраземаларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Шундай қилиб, вариантланиш ўзбек тили фраземаларида энг кўп тарқалган ҳодисалардан биридир. Вариантланишнинг қатор турлари мавжуд бўлиб, улар янги структурали фраземаларни шакллантиради.

Ўзбек тилида вариантланишнинг грамматик ва лексик вариантланиш каби турлари фарқланади. Булар ичида лексик вариантланиш фразеологик шаклланишда муҳим ўрин тутаяди. Лексик

---

<sup>1</sup> Келтирилган рақамлар “Ўзбек тилининг фразеологик луғатида” ўз аксини топган фразеологизмлар асосида белгиланади.

вариантланиш тилда янги фраземанинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шаклланган янги фразама нутқда таянч фраземалар билан баравар қўлланиши билан характерланади.

Лексик вариантланиш (умуман, фразеологик вариантланиш) умумтил фраземалари асосида янги фраземаларнинг пайдо бўлиши тизимига киради. Чунки вариантнинг пайдо бўлиши учун умумтил фраземалари мантикий асос вазифасини ўтайди.

Лексик вариантланишлар ҳам лексик қўшиш, лексик ташлаш, лексик алмаштириш каби омиллар асосида юзага келади. Ўзбек тилида лексик алмаштириш асосида кўплаб лексик вариантланиш, пировардида фразеологик шаклланиш юз беради. Лексик алмаштириш жараёнида лексемалар ўзаро синоним ва яқин маъноли бўлади. Улар орасидаги маъновий фарқлар маънонинг кучли ва кучсизлигида, стилистик белгида кўринади.

---

<sup>1</sup> Фразеологик вариация масалалари Ш.Раҳматуллаев томонидан чуқур илмий ёритилганлиги ва лисоний далиллар асосида исботланганлиги сабабли, ишимизда бу ўринларни муфассал ёриташга уринмадик.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ўзбек тили фраземалари компонентларининг хусусиятлари ва қонуниятларини тадқиқ этиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Фраземаларнинг шаклланишида икки асосий: экстралисоний ва лисоний омиллар фарқланади. Фраземалар тил элементларининг, хусусан икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикиши асосида юзага келади. Шу билан бирга фраземалар ҳосил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари мавжуд.

Фраземик шаклланиш сўз ясалиши билан бир қаторда умумий тил системасига киради. Фраземалар эркин боғланма ёки гапни ўзига хос бўлмаган вазифада қўллаш асосида шаклланади ва тил бирликларидан маъно нуқтаи назаридан фарқланади.

2. Ўзбек тилида фраземалар от ва отлашган лексемаларнинг феъллар билан бирикувидан шаклланиб, уларнинг мантикий асоси таркибидаги бирор лексеманинг денотатив маъносидан, маъно таркибидаги қисмларнинг тўғри маъносидан келиб чиқмайди, балки қисмларидан бирининг ёки яхлитлигича кўчма маъноси асосига қурилади.

Фраземалар таркибини ташкил этган лексемалар хилма-хил бўлиб, улар турли сўз туркумларига ва муайян лексик-семантик гуруҳларга тегишлидир. Фраземик таркибни таҳлил қилиш айрим лексемалар фақат битта фразема таркибида, айримлари эса ўнтадан юзтагача ва ундан ортиқ фраземаларнинг шаклланишида компонент сифатида қатнашади.

3. От компонентли фраземалар айни вақтда шахсни билдирувчи, шунингдек, зооним, соматик компонентли фраземаларга бўлинади. От

компонентли фраземаларнинг компонентлари маълум даражада эркин бўлиб, улар фраземик маънонинг у ёки бу даражада шаклланишини таъминлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фраземик маънони шакллантиришда фразема таркибидаги компонентларидан бири таянч бўлиб, фраземанинг образли асосини ташкил этади. Бу компонент фраземанинг бошқа бўлаклар билан синтактик муносабатини ҳам белгилайди.

4. Фраземаларнинг номинатив маъноси билан бирга, образли-экспрессив ифодалаш хусусияти ўзбек тилида феъл фраземаларнинг маҳсулдор шаклланишини белгилайди. Ўзбек тили фраземаларининг кўпи феъл компонентли лексемалар воситасида шаклланади. Бунда феъл грамматик таянч компонент сифатида қатнашади. Шунинг учун ҳам ўзбек тили фраземаларининг асосий қисмини феъл фраземалар ташкил этади. Аммо феълларни фразеологик фаол лексема дейиш шартлидир. Чунки фразеологик фаол компонентнинг шакллантириш кўлами лексик-семантик жиҳатдан таснифланган тўрт гуруҳга хосланган фраземаларнинг ифодавий шаклланишида кўринади. Феъллар эса барча тўрт гуруҳга хос фраземаларни шакллантиришда иштирок этмайди. Барча тўрт гуруҳга хос фраземаларни шакллантиришда от лексемалар иштирок эта олади. От лексемалар семантик таянч компонент сифатида фраземаларнинг семантик тизимини шакллантиради. Шу маънода от лексемалар, айниқса, соматик лексемалар ўта фразеологик фаолдир

5. Феъл лексемалар фразеологик структурани шакллантирувчи асосий манба ҳисобланади. Бунда компонент сифатида нафақат феъл, балки феълнинг вазифавий шакллари ҳам иштирок этади. Феъл лексемалар фраземалар таркибида феълга хос бўлган айрим

хусусиятларни сақлаб қолади. Феъл лексемалар ичида ҳаракат, чақирик, ҳис-ҳаяжон ва эмоцияни ифодаловчи феъллар фразеологик фаол ҳисобланади. Тўпланган лисоний материаллар, айниқса, ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи феъл лексемаларнинг фразеологик фаоллиги жуда юқори эканлигини кўрсатади.

6. Ўзбек тилидаги сифат фраземалар гапда асосан сифатловчи-аниқловчи вазифасида келади. Тадқиқотлар фраземаларнинг шаклланишида семантик таянч компонент вазифасида, асосан, аслий сифатлар ишлатилишини кўрсатади. Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики фраземаларни шакллантиришда асосан аслий сифатларнинг ранг-тус ва шакл-ҳажми билдирувчи маъновий гуруҳларига оид лексемалардан фойдаланилади.

7. Фраземаларнинг парадигматик шакллари фразема таркибидаги отнинг келишик шакллари билан ўзгариши, феълнинг шахс-сон шаклларида ўзгариши натижасида юзага келади. Шу маънода фраземаларнинг парадигматик шакллари уларнинг қайси сўз туркумига мансублиги билан белгиланади. Ўзбек тилида фраземаларнинг асосий қисмини феъл фраземалар ташкил этади. Фразема таркибида қатнашган сўзлар ўртасидаги синтактик боғланиш бирикманинг ички синтактик қурилишини белгилайди.

8. Фразеологик вариантланиш умумтил фраземалари асосида юзага келади ва улар маълум фраземага асосланади ёки тилда мавжуд бўлган фраземалардан ўсиб чиққан бўлади. Шу маънода фразеологик вариантланиш умумтил фраземалари асосида янги фраземаларнинг шаклланиш тизимига киради. Фразеологик вариантлар асос фраземаларнинг бир кўриниши бўлиб, маънолари, стилистик ва синтактик вазифаларига кўра айнан ўхшаш, лексик таркибида қисман

ўзгариши бўлган, айти бир образ асосида шаклланувчи тил бирлигидир. Вариантланиш ўзбек тили фразеологик фондини бойитувчи энг муҳим манбалардан биридир.



## Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н   А Д А Б И Ё Т Л А Р

### 1. Илмий-назарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.- Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.
2. Каримов И.А. Замонавий кадрлар – тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-қисм. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Т.6. – Б. 262-267.
3. Абдуллаев А. Фраземанинг экспрессивлик хусусияти //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. - 5–сон. – Б. 36–39.
4. Абдуллаев Ж.Х. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф . - Тошкент, 1994. – 20 б.
5. Абдуназаров А. Некоторые вопросы развития лексики и фразеологии узбекского языка 20-х годов (на материале сатирического журнала “Муштум“) Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1969. -23 с.
6. Абдурахмонов Ф. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида. Ўзбек тилини ўрганиш методикаси масалалари. –Тошкент: Фан, 1966. – 132 б.
7. Абдурахмонов Ф. Абдулла Қодирий услуби ҳақида //Ўзбек тили ва адабиёти. – 1994. - 4–5–6–сон. – Б. 38–42.
8. Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти касб-хунарлари материаллари асосида): Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 2005. – 58 б.
9. Абдусайдов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. -Тошкент, 2005. – 48 б.

10. Авалиани Ю.Ю. Тексты лекций по компартивно-сопоставительной фразеологии иранских языков. - Самарканд, 1979. - 75 с.
11. Авалиани Ю.Ю. К теории семантического поля во фразеологии // Вопросы фразеологии.. - Самарканд. -1979. -Вып. XIV. - С. 4-5.
12. Ахунзянов Г.Х. Идиомы (исследование на материале татарского языка): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -Казань, 1974. - 53 с.
13. Бабкин А.М. Русская фразеология, её развитие и источники. - Л.: Наука, 1970. - 262 с.
14. Байрамов Г.А. Озарбайжон тили фразеологиясининг асослари. –Баку, 1978. -176 б.
15. Балли Ш. Французская стилистика. –М.: Иностранной литературы, 1961. - 394 с.
16. Баскаков Н.А. Предложение и словосочетание в тюркских языках // Вопросы составления описательной грамматики. - М.: Наука, 1961. -С. 68-74.
17. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1983. -158 б.
18. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик катламлари. -Тошкент: Фан, 1985. -200 б.
19. Бердиёров Ҳ., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясига доир библиографик кўрсаткич. -Самарканд: СамДУ, 1977. -38 б.
20. Бердияров Х., Юлдашев Б. Фраземы с компонентами-именами собственными (на материале немецкого-узбекского языков) //Сборник. – Самарканд: СамДУ, 1981. -С. 82-88.

21. Бозорбоев Қ.Т. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Самарқанд, 2001. – 22 б.
22. Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Вып. IV-V. – Самарқанд: СамДУ, 1976, 1979. – 300-246 с.  
1976. – Вып. IV. – 58 с.  
1979. – Вып. V. – 73 с.
23. Бушуй А.М. Лексикографическое описание фразеологии. – Самарқанд: СамДУ, 1982. – 114 с.
24. Бушуй А.М., Яхшиев А.А. Фразеология узбекской диалогической речи // Сов. тюркология. – 1986. – N 38. – С. 27-33.
25. Ваққосова Д.В. Ўзбек тилидаги анемонимларнинг семантик таҳлили: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. – Тошкент, 2005. – 22 б.
26. Виноградов В.В. Избранные труды: Лексикология и лексикография. – М.: Наука, 1977. – 312 с.
27. Вопросы фразеологии. Вып. III. – Самарқанд: СамДУ, 1970. – 296 с.
28. Вопросы фразеологии. Вып. IV. – Самарқанд: СамДУ, 1972. – 180 с.
29. Вопросы фразеологии. Вып. V. Часть I. – Самарқанд: СамДУ, 1972. – 256 с.
30. Вопросы фразеологии. Вып. V. Часть II. – Самарқанд: СамДУ, 1972. – 276 с.
31. Вопросы фразеологии. Вып. VII. – Самарқанд: СамДУ, 1976. – 354 с.

32. Вопросы фразеологии. Вып. XI. –Самарканд: СамДУ, 1977. - 103 с.
33. Вопросы фразеологической стилистики. –Самарканд: СамДУ, 1983. -128 с.
34. Вопросы фразеологии. – Самарканд: СамДУ, 1984. -114 с.
35. Гвоздарев Ю.А. Основы русского фразообразования.-Ростов-на-Дону: Рост. ун-та, 1977. -186 с.
36. Горш М.С. Фразеологические единицы русского языка, характеризующие человека (системно-семантический аспект): Автореф. дис. ... канд.филол.наук. -Ростов-на-Дону, 1988. - 26 с.
37. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. - Тошкент: Фан, 1988. -208 б.
38. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1977. -22 с.
39. Исаев А. Соматические фраземы узбекского языка: Дисс. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1976. -201 с.
40. Йўлдошев Б. Бадий нутқ стилистикаси. –Самарканд: СамДУ, 1982. –82 б.
41. Йўлдошев Б. Фраземаларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1992. - 3–4–сонлар. – Б.38.
42. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри ... дисс. –Тошкент, 1993. –297 б.
43. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. –Тошкент, 1993. –49 б.

44. Каримов С.А. Язык поэзии Зулфия. – Самарканд: СамДУ, 1987.-73 с.
45. Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1985. -24 с.
46. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - М.-Л.: Наука,1960. - 446 с.
47. Кононов А.Н. Грамматика современного турецкого литературного языка. -М.-Л.: Наука, 1956. -570 с.
48. Кунгуров Р. Семантика-стилистические особенности формообразующих морфем имени существительного в узбекском языке: Автореф. дисс. ... д-ра филол.наук. -Баку, 1982. -42 с.
49. Кунгуров Р. Стилистика имени существительного в узбекском языке. -Ташкент: Фан, 1983. - 160 с.
50. Курбонов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987. - 22 с.
51. Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство Абдуллы Каххара: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1965. - 24 с.
52. Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. -Ташкент, 1991. -52 с.
53. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. –274 б.
54. Маматов А.Э. Семантико-стилистические особенности эмоционально-оценочных фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1988. -20 с.

55. Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. –Тошкент: Фан, 1991. -120 б.
56. Махмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук -Тошкент, 1978. -20 с.
57. Махмудов Н.М. Ўзбек тилида содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. –Тошкент, 1984. –148 б.
58. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Тошкент: Фан, 1975. –140 б.
59. Миртаджиев М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Ташкент, 1989. - 46 с.
60. Молотков А.И. Основы фразеологии русского языка. - Л.: Наука, 1977. - 284 с.
61. Нурманов А. Сигнификативная оппозиция синтаксических конструкций по признаку “утвердительность - отрицательность” (на материале узбекского языка): Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. Ташкент, 1984. - 45 с.
62. Нурманов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1986. –№ 6. –Б. 42–45.
63. Нурманов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1988. –№ 5. – Б. 22–26.
64. Нигматова Л.Х. Ўзбек тилида привативлик: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 2004. –18 б.
65. Образование и функционирование фразеологических единиц //Сб.: Ростов на –Дону: Рост. ун-та, 1981. -155 с.

66. Пардаев З.Н. Ўзбек тилида сифатларнинг семантик-услубий хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ...автореферат. - Самарқанд, 2004. – 22 б.
67. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология. –Тошкент: Ўқитувчи, 1969. –80 б.
68. Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. –Тошкент: Фан,1989. –114 б.
69. Расулов И.И. Наречные фразеологические единицы в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1987. - 22 с.
70. Рафиев А.Р. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Ташкент, 1982. - 19 с.
71. Рафиев А. Иборалар - нуткимиз кўрки. –Тошкент: Ўзбекистон, 1985. –22 б.
72. Раҳматуллаев Ш. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - М., 1952. - 16 с.
73. Раҳматуллаев Ш. Основные грамматические особенности образных глагольных фразеологических единиц современного узбекского языка: Дисс. ...канд. филол. наук. –М., 1952. –350 б.
74. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. –Тошкент: УзФАН, 1955. –28 б.
75. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги замон ўзбек тилидаги ўзлаштира фразеологик бирликлар ҳақида // Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек тили масалалари. –Тошкент, 1957. –Б. 25–37.

76. Раҳматуллаев Ш. Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. Фаҳри Камол таҳрири остида. –Тошкент, 1957. –Б. 152–182.
77. Раҳматуллаев Ш. Некоторые вопросы узбекской фразеологии: Автореф. дис. ... д-ра филол. наук. - Ташкент, 1966. - 106 с.
78. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. –Тошкент: Фан, 1966. –264 б.
79. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. –Тошкент: Фан, 1970. – 59 б.
80. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1986. –№ 3. –Б. 16–21.
81. Раҳматуллаев Ш. Лексикология билан фразеология // Ҳозирги ўзбек тили / Ш.Раҳматуллаев таҳрири остида. –Тошкент, 1992. –Б. 49–186.
82. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилида феъл фраземаларнинг боғлашуви. –Тошкент: Университет, 1992. - 126 б.
83. Ройзензон Л.И., Пеклер М.А. Материалы к общей библиографии по фразеологии. – Ташкент: Фан, 1965. – 38 с.
84. Ройзензон Л.И., Бушуй А.М. Материалы к общей библиографии по фразеологии. Вып. II. - Самарканд, 1970. -290 с.
85. Ройзензон Л.И., Малиновский Е.А., Хаютин А.Д. Очерки истории становления фразеологии как лингвистической дисциплины. – Самарканд: СамДУ, 1975. - 130 с.
86. Рўзикулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Дисс. ... канд. филол. наук. - Самарқанд, 1966. - 22 с.



87. Собиров А.Ш. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш: Филол. фанлари д-ри дисс. ... аатореф. - Тошкент, 2005.- 50 б.
88. Соколова Г.Г. Фразообразование во французском языке. - М.: Высшая школа, 1987. -144 с.
89. Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. - М.: Наука, 1977. - 112 с.
90. Туропова М. Ўзбек шевалари фразеологияси // Ўзбек шевалари лексикаси. -Тошкент: Фан, 1991. -Б. 181-229.
91. Туропова М. Фразеологик вариантлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1988. - № 5. -Б. 30-34.
92. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили (фонетика, лексикология билан фразеология, морфология). -Тошкент: Ўқитувчи, 1992. -400 б.
93. Турсунпулатов М. Лексика узбекской разговорной речи. - Ташкент: Фан, 1986. - 68 с.
94. Умаров Э.А. Лексико-грамматическая характеристика фразеологизмов дивана “Хазойин-ул-маоний” Алишера Навои: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. -Л., 1986. -19 с.
95. Умаров Э.А. Икки ибора тарихи ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1967.- 6-сон. -Б. 54-55.
96. Умаров Э.А. История одного фразеологизма // Вопросы тюркологии. - Баку, 1971. - № 2. - С. 250-256.
97. Умаров Э.А. Нега биз шундай гапирамиз? // Фан ва турмуш. -1966. - 8-сон. -Б. 37-38.
98. Умаров Э.А. О фразеологических словарях турецкого языка // Сов. тюркология, 1971. - №2. -С. 75-79.

99. Умаров Э.А. Приём ийхом в произведениях Алишера Навои // Сов. тюркология, 1971. - №1. - С. 76-8.
100. Умаров Э.А. Фразеологическая контаминация в языке Алишера Навои // Сов. тюркология, 1974. - № 5. - С. 23-27.
101. Умаров Э.А. “Хазойин-ул-маоний”даги фраземалар чегараси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1968. -№ 2. -Б. 65-66.
102. Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. - Ташкент: Фан, 1983. - 136 с.
103. Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеологии. - Ташкент: Фан, 1977. - 103 с.
104. Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. - М.: Наука, 1975. - 192 с.
105. Умиров И.Э. Ўзбек тилида парафразалар: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. - Тошкент, 1996. – 23 б.
106. Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. - М.: Высшая школа, 1985. - 160 с.
107. Шамсиддинов Х. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари: Филол. фанлари д-ри дисс. ... автореф. - Тошкент, 1999. – 46 б.
108. Эмирова А.М. Ономастологическая характеристика основных семантико-грамматических разрядов современной русской фразеологии // Вопросы фразеологии русского языка. -Самарканд, 1981. -С. 4-15.
109. Эмирова А.М. Структура и семантика фразеологического поля эмоций // Труды СамГУ. - Самарканд. -1978. -С. 46-52.
110. Юлдашев Б. О фраземах-заголовках в узбекском языке // Вопросы фразеологии. -Самарканд, 1979. Вып. XIV. -С. 182-186.

111. Юлдашев Б. Стилистический анализ узбекской художественной прозы. -Ташкент: Ўқитувчи, 1989. -136 с.
112. Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. 1-том. Морфология. -Тошкент: Фан, 1975. -612 б.
113. Ўзбек тили грамматикаси, икки томлик. 2-том. Синтаксис. - Тошкент: Фан, 1976. -560 б.
114. Ўзбек тили лексикологияси. -Тошкент: Фан, 1981. -316 б.
115. Ўринбоев Б. Ўзбек сўзлашув нутқи. -Тошкент: Фан, 1982. - 152 б.
116. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. -Тошкент: Фан, 1991. -161 б.
117. Ҳакимов Қ.М. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фраземаларнинг зарурий бирикувчанликлари: Филол. фанлари номзоди дисс. ... автореф. -Тошкент, 1994. -24 б.
118. Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. -Тошкент: Фан, 1966. -259 б.
119. Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. - Тошкент, 1963. -114 б.

## II. ФОЙДАЛАНИЛГАН ЛУҒАТЛАР

1. Абдурахманов М. Краткий узбекско-русский фразеологической словарь. -Ташкент: Ўқитувчи, 1980. -184 с.
2. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов.-М.: Сов. энциклопедия, 1969. -608 с.

3. Бердиёров Х., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. Биринчи қисм. -Самарқанд: СамДУ, 1976. 134 б.
4. Бердиёров Х., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар, иккинчи қисм. -Самарқанд: СамДУ, 1979. -116 б.
5. Бердиёров Х., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар. Учинчи қисм. -Самарқанд: СамДУ, 1983. -56 б.
6. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1984. -288 б.
7. Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1980. -232 б.
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. -Тошкент: Фан, 1964. -212 б.
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1978. -408 б.
10. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. - Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. -380 б.
11. Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. -Тошкент: Ўзб. сов. энцикл., 1983. I-том. -808 б.
12. Русча-ўзбекча луғат. Икки томлик. -Тошкент: Ўзб. сов. энцикл., 1984. II-том. -860 б.
13. Содиқова М. Русча-ўзбекча фразеологик луғат. -Тошкент: Фан, 1972. -192 б.
14. Содиқова М. Русча-ўзбекча мақол ва маталлар луғати. - Тошкент: Фан, 2005. - 383 б.

15. Умаров Э.А. Фразеологический словарь "Хазойин-ул-маоний" Алишера Навоий. -Ташкент: Фан, 1971. -140 с.
16. Фразеологический словарь русского языка. Под редакцией А.И.Молоткова. -М.: Наука, 1987. -543 с.
17. Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. - Тошкент, 1964. -376 б.
18. Ўзбекча-русча луғат. -Тошкент: Ўзб. сов. энкицкл., 1988. - 726 б.
19. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. -М.: Рус тили, 1981. Т. I. -632 б.
20. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. -М.: Рус тили, 1981. Т. II. -715 б.
21. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1985. -144 б.
22. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1974. -308 б.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	
10-21	
<b>I БОБ. ОТ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ.</b> ....	22-60
3.1. Шахс компонентли фраземалар .....	27-35
3.2. Зооним компонентли фраземаларнинг таҳлили .....	35-47
3.3. Соматик компонентли фраземалар .....	47-60

## **II БОБ. СИФАТ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ**

**СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ** ..... 61-68

4.1. Ранг-тусни ифодаловчи сифат лексемали фраземалар 62-64

4.2. Шакл ва ҳажми ифодаловчи сифат лексемали фраземалар 64-68

## **III БОБ. ФЕЪЛ КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕМАЛАРНИНГ**

**СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ** .....

69-96

5.1. Феъллар фраземаларнинг компонентлари сифатида 69-79

5.2. Феъл фраземаларнинг парадигматик шакллари 80-82

5.3. Феъл фраземалар таркибида мустақил бўлмаган сўзларнинг  
қўлланиши ..... 83-85

5.4. Феъл фраземаларнинг вариантланиши ..... 86-96

**Умумий хулосалар** ..... 97-

100

**Фойдаланилган адабиётлар** .....101-

114



**ALMAMATOVA SHAHNOZA TURSUNKULOVNA**  
**COMPONENT OF PHRASES OF THE**  
**UZBEKI LANGUAGE ANALYSIS**

**Monograph.**  
**Fergana- USA Global Book**  
**Publishing Services (GBPS)**  
**USA 2024, 118 p.**

**Email: [info@scientificpublication.org](mailto:info@scientificpublication.org)**  
**Global Book Publishing Services**  
**1211 Polk St, Orlando,**  
**FL 32805, USA**

